

Р.Ч.СПРАУЛ МУҚАДДАС РУҲНИНГ СИРИ

МУНДАРИЖА

Сўзбоши

1 боб. Сен Кимсан, Муқаддас Рух?

2 боб. Муқаддас Рух – Худо

3 боб. Учликнинг сири

4 боб. Моҳият ва шахсият: Учлик сирини тадқиқ этиш

5 боб. Муқаддас Рух ижодда

6 боб. Янгиланган ибтидо: Муқаддас Рух ва қайта туғилиш

7 боб. Муқаддас Рух шарофати билан омон ва бешикаст

8 боб. Муқаддас Рух билан чўмдирилиш

9 боб. Муқаддас Рух самараси

10 боб. Бошқа Юпатувчи

СЎЗБОШИ

“Муқаддас Рух кумда из қолдирмайди”. Бу сўзлар Авраам Купернинг Муқаддас Рух ҳақидаги мумтоз асаридан олинган. Исо кумда из қолдирган. У инсонга айланган Худо бўлган, одамзот табиатли Худо. Унинг шогирдлари ёнма-ён юриб, Унинг овозини эшитишлари, Унинг қўлига тегишлари, У Жалила денгизи бўйида юрганида, Унинг оёқларидан кум қандай тўкилаётганини кузатишлари мумкин бўлган.

Муқаддас Рух шамолга ўхшайди. Исо айтган: “Рух худди шамолга ўхшайди. Шамол истаган жойда эсаверади. Унинг товушини эшитасиз-у, лекин қайси томондан келиб, қайси томонга кетишини билмайсиз” (Юҳанно 3:8). Биз шамолни идишга жойлай олмаймиз. У тутқич бермас ва сирли, аммо барибир мавжуд. Бу ҳаракатнинг натижаси кўриниб туради: шаббода букиб, чайқатаётган пальмалар, шамолда ҳилпираётган байроқлар ва даҳшатли бўрондан кейинги бўм-бўшлик. Биз шиддаткор шамол сурган уммон тўлқинлари даҳшат билан кўтарилганини кўрамыз. Қайноқ ёз кунларида эса енгил шамолнинг эркаловчи, “бахмал”дек тегиб ўтишлари қанчалик ёқимли. Ва буларнинг ҳаммаси – шамол.

Муқаддас Рух ҳам шундай: сезилмайди ва кўринмайди, лекин Унинг таъсирини энг қудратли тайфун кучи билан ҳам таққослаб бўлмайди. Муқаддас Рух алғов-далғовда тартиб ўрнатади, хунукни чиройли қилади. У гуноҳга ботган одамни мукамал эзгулик намунасига айлантириши мумкин. У одамларни ўзгартиради. Ҳаётни Яратувчи, У шунингдек уни Қайта Тузувчи ҳамдир.

Муқаддас Рухнинг кўриниши сирлиликка бурканган ва биз Унинг Шахсига ва фаолиятига етишмоқ учун тез-тез хурофот ва хатоларга бериламиз. Каломни диққат билан тинглаш зарур: у бизга Худо – Муқаддас Рухнинг табиатини очиб беради.

Бу китоб – муқаддас Учликнинг учинчи Шахси ҳақида. У кенг китобхонлар давраси учун ёзилган ва муаллиф унда ноўрин теологик мулоҳазалардан қочишга уринади. Айрим бўлимларнинг мазмуни ўқувчини чуқур фикр-мулоҳазаларга ундаши мумкин. Бошқаларида эса бизга Муқаддас Рухнинг моҳиятини яхшироқ тушуниб олишимизга ёрдам берадиган мавҳум тушунчалар билан боғлиқ масалалар кўтарилган. Китоб теран руҳий ҳаётга интиладиган кишилар учун ёзилган. Унга Муқаддас Рухнинг ёрдамисиз эришиб бўлмайди, негаки У поклайди, табаррук этади.

*Орландо. Пасха 1989 йил
Р. Спраул*

БИРИНЧИ БОБ СЕН КИМСАН, МУҚАДДАС РУХ?

*Кимки Худонинг Муқаддас Рухини билмаса,
у Худони мутлақо билмайди.
ТОМАС АРНОЛЬД*

Шоирлар баҳорда ёшларнинг тасаввури севги билан тўлиб-тошиши ҳақида гапиришади. 1958 йилнинг баҳорида менинг тасаввуримда оғир ихтилофлар ўйини юз берди. Бу ихтилоф – мендаги ўткинчи моҳият ва илоҳий барҳаёт қонун ўртасидаги кураш бўлиб, бунда ҳеч қачон бирорта ҳам одам тўлиқ ва узил-кесил ғалаба қозонишга қодир эмас.

Мен бунга ўз шахсий тажрибамда ишонч ҳосил қилдим. Агар хотирам панд бермаётган бўлса, машҳур кино актёр Гарри Купер ижро этган қўшиқда шундай сўзлар янграйди:

*Мени севгидан бурч айирмоқчи бўлар:
Олтинсоч париваи, айт, нима қилай?
О, қисматнинг бу қаттиқ қўллари ...
Тақдир чўққисин булут билан ёпар ...*

Менинг гўзалим олтин сочли эмасди, аммо бунда бошқа айтилганларнинг бари тўғри келарди. Мен 1952 йилда севиб қолдим. 1957 йилнинг баҳорида ўзим танлаган қизга олмос кўзли узук совға қилдим. Биз унаштирилгандик ва тўйимиз 1960 йилнинг июнь ойига белгиланганди. Бироқ бизнинг барча орзу ва режаларимизни ўша 1957 йилнинг ўзида “улкан довул супуриб ташлади”. Гап шундаки, айнан ўша пайтда баногоҳ фикрларим ёришди: Масиҳнинг моҳиятида руҳий кўзларим очилди. Мен бу қувончли хабарни севгилим билан баҳам кўришга ошиқдим ва унга эндигина намоён бўлган эътиқодим мазмун-моҳиятини очиб бериш дамларини интиқиб кутдим. Худони мен қандай англаган бўлсам, у ҳам Раббийни худди шу тариқа қабул қилишига ишончим комил эди.

Мен руҳий жўшқинликка тўлиб, ўзимнинг Худога юзланганимни унга завқ-шавқ билан тўкиб солдим. Мен гўё қимматбаҳо марваридни топгандек

эдим ва ўз маҳбубамни бу топилмамнинг қадр-қийматига ишонтирмоқчи эдим. Бироқ севгилим хайратга тушмади. Унинг онгига менинг кечинмаларим моҳиятини етказишга уринишим худди сўқир одамга калейдоскопнинг нима эканини беҳуда тасвирлашга ўхшаб туюларди. У ҳеч қандай қизиқиш акс этмаган лоқайд кўринишда мени мулойимлик билан тинглади. У менинг ҳолатимга изоҳ тополмай, менинг диний масалада бироз “қўзғалиб қолганим” ҳақидаги хулосага келди. – Сен “масиҳий бўлиш” деганда нимани назарда тутяпсан? – тушунмади у. – Ахир, сен ҳамиша масиҳий бўлгансан-ку. Чўмдирилгансан, тасдиқланган ва ҳ.к.з.

Уни ҳам, мени ҳам битта жамоатда тасдиқлашганди. Биз биргаликда хорда куйлардик ва ёшлар тўғарагига бориб турардик. Жамоатнинг кечки базмларида биргаликда рақсга тушишни ўргангандик. Энди эса мен “янги туғилганим”ни айтаётгандим. Маҳбубам бундай сўзни ҳеч қачон эшитмаганди. Бу токи Жимми Картергача, Чак Колсонгача бўлган паллада, “*янгидан туғилиш*” жумласи ҳали оммавий маданиятнинг сўз бойлигига қўшилмаган даврда юз берганди. 1958 йилда бу сўз севгилимга фанатизмнинг белгиси бўлиб туюлди ва бизнинг муносабатларимизга жиддий таҳдид уйғотарди.

Ойлар ўтди, бироқ менинг орзуларим рўёбга чиқмади, яъни муносабатларимиз мустаҳкамланиши ўрнига ўртамизда таранг бегоналик кучайди. Тез орада янги туғилишимдан барча ҳам завқ-шавқ туйғусини ҳис этмаётгани менга аён бўлди. Онам менинг ундан узоқлашиб бораётганимни ва унинг қадриятлар тизимини қабул қилмаётганимни ҳис этди. Опам душманона кайфиятга тушганди. Дўстларим менга шубҳа билан қарашарди. Жамоатимиз чўпони барчанинг олдида мени “муккасидан кетган аҳмоқ” деб атади.

Мен ўз тажрибамга кўра, ўз вақтида масиҳийликнинг турли оқимлари ўртасида қай тарзда зиддиятлар пайдо бўлганини тушундим. Мен нафақат Мусонинг, балки Исонинг ҳам амрларини ўргана бошладим. Қалбим қабул қилмаган энг қийин қоида мана: “Имонсизлар билан шерик бўлманглар”. Менга, тақводор эркак имонга кирмаган аёлга уйланиши мумкин эмас, деб ўргатишганди.

Бироқ мен имонда бўлмаган аёлни севиб қолгандим ва биз унаштирилгандик, энди эса мен севги ва бурч ўртасида азобда қолгандим.

Мен Худо билан келишишга уриниб, Унга ваъда бердим: агар севгилим ҳафта охирида мен билан жамоатга бориб, масиҳий (менинг тушунчамга кўра) бўлмаса, у билан алоқани узаман. Мен унга ўз қарорим ҳақида айтмадим ва ҳеч кимга бу ҳақда бир оғиз гапирмадим. Бу менинг ва Қодир Худонинг ўртасидаги шахсий битим эди.

Ўша куни эрталаб унинг келишидан аввал хонамга беркиниб, севгилим ҳаққига ибодат қилишга тушдим. Мен ўз илтимосимни Исонинг қатъиятли бева ҳақидаги масали билан асослашга уриндим. Аммо бу менга етарли даражада ишонтирарли бўлиб туюлмади. Агар ишимнинг муваффақияти учун Фаришта билан ҳам курашишимга тўғри келганида, мен уни чуқур нокаут ҳолатига туширган бўлардим. Мен танланганлик ва абадий қарорлар

ҳақида ҳеч нимани билмасдим. Ҳаттоки Худонинг ҳаёт китобида севгилимнинг исми бўлмаса, уни шу бугуноқ ёзиб қўйишларини қаттиқ истардим. Агар Осмон Шохлиги куч билан забот этиладиган бўлса, бунинг тўғридан тўғри амалга оширгим келарди.

Маҳбубам кечкурун истаб-истамай мен билан ибодат йиғилишига борди. У менга шубҳа билан қаради ва ўзининг “бу диний тадбир”га бўлган норозилигини ифода этди.

У ибодат йиғилишининг ўртасида, худди Жон Уэсли каби Олдерстейт уйида содир бўлганидек, юраги “ғалати тарзда исиганини” ҳис қилди. Худди Августин боғда ва Мартин Лютер қалъа минорасида кўргани каби, у жаннатнинг очилган дарвозасини ва ўзининг ундан кириб бораётганини кўрди.

Маҳбубам йиғиндан сўнг менинг қувончимдан ҳам ошиб ўтадиган завқ-шавқ билан деди: “Энди кимлигингни биламан, Муқаддас Рух!”

Бу ҳайқириқ тажрибали назарийчи ифода этган фикр эмасди. Бу масиҳийлик эътиқодига яна қайта юзланган кишининг илк таассуротларини акс эттиради. Ҳарҳолда мен ушбу жумлани эътиборга лойиқ деб ҳисоблайман. Бу аслида тўсатдан покиза имон уйғотган ҳақиқатни англаш бир лаҳзадаёқ юз берганида, ҳаётнинг ана шундай кескин воқеалигига нисбатан ўз-ўзидан юзага келадиган реакция эди.

Бу оддийгина фикрда кўплаб чуқур маънолар бор. Келинг, ана шу жумлани таҳлил қилайлик. Биринчи сўз диққатга сазовор: “Энди”, - деди у. “Энди” ҳозирги замонга тааллуқли ва нимадир энди аввалгидан фарқ қилишини аниқ кўрсатиб туради. “Энди” *аввалгига* номаълум бўлган қандайдир янгича ҳолатни англатади.

Севгилимнинг изох беришича, у Муқаддас Рухни аввал ҳам эшитган, албатта. Жамоатда ўтказиладиган никоҳ маросимларида, Қутлуғ Кечлик ва марҳаматлаш пайтида, шунингдек, чўпон ибодатининг якунида “Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан” сўзларини тез-тез эшитиш мумкин.

Аммо жамоат ҳаётида “Муқаддас Рух” сўзи катта ибодатнинг мавҳум ва кам тушунарли қисми бўлган.

Учликнинг Учинчи Шаҳси ҳақида эслатиб ўтилганлиги севгилимда ҳеч қандай аниқ тасаввурни ҳосил қилмади.

“Биламан” сўзи қандайдир янги нарса маълум бўлганидан дарак беради. Аввал мавҳум бўлган нимадир англаб етилди, тўсатдан қалблар ёришди. “Энди мен *биламан*”, - деди у.

Веста (севгилим) билимнинг алоҳида бир турини назарда тутганди. У Муқаддас Рух ҳақида биринчи марта эшитиши эмасди. Унга бундай тушунча таниш бўлиб, катехизис (диний ақидаларнинг савол-жавоб тарзидаги қисқача баёни) бўйича имтиҳон топширган ва Муқаддас Рух ҳақида умумий тасаввурга эга эди.

“Энди мен биламан” – умумий маълумотлар доирасига кирадиган билимларнинг янгича турини ифодалайди ва шахсий кечинмаларнинг натижаси ҳисобланади.

Ҳаворийларнинг руҳий англаш таълимотига алоҳида эътибор қаратишга тўғри келади. Павлус Коринфликларга Мактубиди ёзади:

*“Ҳеч бир кўз кўрмаган, ҳеч бир қулоқ эшитмаган,
Инсон ақли бовар қилмаган ажойиботларни,
Худо Ўзини севганлар учун тайёрлаб қўйган.”*

Бизларга эса Худо буларни Ўзининг Руҳи орқали ошкор қилди. Чунки Муқаддас Руҳ ҳамма нарсадан, ҳатто Худонинг ўй-фикрларидан ҳам огоҳдир. Инсоннинг ўй-фикрларини унинг ичидаги ўз руҳидан бошқа яна ким билади?! Худди шу сингари, Худонинг ўй-фикрларини Худонинг Руҳидан бошқа ҳеч ким билмайди. Биз Худонинг Руҳини қабул қилдик, энди дунёвий одамлар каби ўй-фикр қилмаймиз. Шунинг учун Худо бизга нима ато қилганини аниқ тушуна оламиз. Биз булар ҳақида гапирганимизда инсоний донолик билан гапирмаймиз, балки Муқаддас Руҳ ўргатаётган сўзлар билан руҳий ҳақиқатни талқин қиламиз.

Қалбиди Худонинг Руҳи бўлмаган инсонлар Худонинг Руҳи ўргатган ҳақиқатни рад қиладилар. Улар учун бу ҳақиқат тентакликдай туюлади, бу ҳақиқатни улар тушуна олмайдилар. Зеро, бу ҳақиқатни фақатгина Худонинг Руҳи ёрдами билан тушунса бўлади (1 Коринф. 2:9-14).

Мазкур парча Муқаддас Руҳ ҳақидаги тушунчамиз учун шунчалик муҳимки, биз янада муфассалроқ муҳокама учун унга кейинроқ қайтамиз. Ҳозир эса Павлус бу ўринда биринчи қарашда “тентакликдай” туюладиган руҳий муҳокама ҳақида гапирганини қайд этайлик. Яъни инсон ўзининг тубанлашган ҳолатида Худонинг ваҳийсига етишиш қудратига эга эмас. Дарҳақиқат, Павлус аниқ-равшан эълон қилади: “ҳақиқатни улар тушуна олмайдилар”. Имонда бўлмаган одам бизнинг руҳий нарсаларимизни муҳокама қилиш ҳолатида эмас. Биз ўз табиатимизга кўра имонда эмасмиз ва токи Худонинг Руҳи бизда имон сари интилишни уйғотмас экан руҳият ҳақида муҳокама қилолмаймиз. Бу айнан қайта туғилишимизга йўналтирилган Муқаддас Руҳнинг ишидир. Биз фақат шундан кейингина руҳий хизмат қилиш лаёқатига эга бўламиз.

“Энди мен биламан” – Веста бу сўзларни айтганида, онгли равишда ёки англамаган ҳолда ўзининг янги, қайта туғилган руҳий ҳолати ҳақида, Худога мурожаати ҳақида гувоҳлик беради.

“Энди кимлигингни биламан, Муқаддас Руҳ”.

Эътиборга олиш керакки, Веста бундай гапни айтмади: “Энди мен Муқаддас Руҳнинг нима эканлигини биламан”. У Муқаддас Руҳнинг *Ким* эканлигини билди. У Худонинг Муқаддас Руҳида энг аввало шахсиятнинг иштирокини ҳис этди.

Каломда Муқаддас Руҳ бизнинг қаршимизда “нимадир” (мавҳум куч, ҳукмронлик, нарса) эмас, балки “У” тариқасида гавдаланади. Муқаддас Руҳ – Шахс. “Шахс” тушунчаси ақлни, иродани ва ўзига хосликни назарда тутди. Шахс олдиндан ўйлаб қўйилган ҳаракатлар қилади. Ҳеч қандай мавҳум куч ҳеч бир ҳолатда нимадир қилишни “ўз олдига мақсад қилиб қўйиш”га қодир эмас. Яхши ёки ёмон мақсадлар қўйиш фақат шахсга хосдир.

КАЛОМДА МУҚАДДАС РУҲГА НИСБАТАН КИШИЛИК ОЛМОШИДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Биз шахс ҳақида гапирганимизда, *мен, сен ва у* каби олмошлардан фойдаланамиз. Албатта, баъзан бу олмошлардан мужмал феномен (хис-туйғу билан пайқаладиган ҳодисани англатувчи тушунча), нарсалар ёки объектлар – кема, автомобиль ёхуд жамоат – ўрнини эгаловчи сифатида фойдаланилади. Одатда гап турларида отни осонгина билиб олса бўлади. Персонификация ҳам шеъриятда муқаррар қўлланиладиган усуллардан биридир.

Бироқ Каломда Муқаддас Руҳ ҳақидаги эслатмаларда шахсий олмошлар асло шеърий сатрларда эмас, балки панд-насиҳатли баёнларда учрайди. Ҳаворийлар фаолияти китобининг 13-боб 2-оятида ўқиймиз:

Улар Эгамизга сажда қилиб, рўза тутар эканлар, Муқаддас Руҳ уларга шундай деди: “Барнабо билан Шоулни Менга бағишланглар, токи улар Мен тайинлаган ишни бажарсинлар”.

Бу ўринда Муқаддас Руҳга тегишли бўлган Менга ва Мен олмошлари қўлланилганини кўрамиз. Шунингдек, ушбу матнда Муқаддас Руҳ аниқ, тушунарли мақсадга йўналтирилган кўрсатма берганини қайд этамиз. Юҳанно баён этган Хушхабарнинг 15-боб 26-оятида ҳам айтилган:

Отам ҳузуридан Мен сизларга юборадиган Юпатувчи, яъни Отам наздидан чиқувчи Ҳақиқат Руҳи келгач, У Мен тўғримда гувоҳлик беради.

Исо бу ўринда “У” деганда Муқаддас Руҳни назарда тутди. Айрим тадқиқотчилар “Юпатувчи” юнонча матнда ўрта турга мансуб эканини ва грамматика қоида-сига кўра олмошнинг от билан мувофиқ келишини айтиб эътироз билдиришлари мумкин. Қўшимча иловада (“...чиқадиган Ҳақиқат Руҳи”) Муқаддас Руҳ учун ўрта турга нисбатан олмош ишлатилади, бироқ дарҳол кишилик олмоши у келишини пайқаймиз. Агар Муқаддас Руҳ ҳақида ёзган ҳаворий мужмал феномени назарда тутган бўлса, У эркак тури олмошини қисқа сатрларда ўрта тур олмошида от феълидан фойдаланишнинг маъноси қолмасди.

Юҳанно баён этган Хушхабарнинг 15-бобида кам ишонарли бўлиб туюлганлар 16-бобнинг 13-оятида батафсил ёритилади;

Ҳақиқат Руҳи келиб, сизларни тўлиқ ҳақиқат сари бошлайди. У Ўзича гапирмайди, неки эшитса, ўшани сўзлаб беради. У юз берадиган воқеалар ҳақида сизларга хабар қилади.

Бу ўринда эркак турида У олмошини ишлатиш учун ҳеч қандай грамматик асос йўқ. Бу Исо томонидан Муқаддас Руҳ – шахс эканлигини эълон қилиш истагидан келиб чиққан, холос.

БИЗ МУҚАДДАС РУҲ БИЛАН ШАХСИЙ МУЛОҚОТГА ТАКЛИФ ЭТИЛГАНМИЗ

Муқаддас Китоб бизни Муқаддас Рухга “ишонишга” чорлайди. Биз Унинг номи билан, шунингдек, Ота ва Ўғил номи билан чўмдирилганмиз. Рух – ибодат объекти. Имонлилар нарсаларга сиғиниши мумкин эмас, ахир бу бутларга сиғиниш бўларди. Биз фақатгина шахсият бўлган Худога мурожаат қиламиз.

Янги Аҳддаги ҳаворийларнинг марҳаматлари Муқаддас Рух билан дўстона мулоқотдан дарак беради.

Раббимиз Исо Масиҳнинг инояти, Худонинг меҳр-муҳаббати ва Муқаддас Рухнинг ҳамроҳлиги ҳаммангизга ёр бўлсин (2 Кор.13:13).

Янги Аҳд Муқаддас Рухга қарши гуноҳ қилмаслик, Муқаддас Рухга қаршилиқ қилмаслик ва Уни ранжитмаслик ҳақида бизга ўғит беради. Чунки У – шахс бўлиб, биз Уни мамнун этишимиз ёки ҳақорат қилишимиз, Уни севишимиз ҳамда Унинг учун сеvimли бўлишимиз ва ниҳоят, У билан шахсий мулоқотга эга бўлишимиз мумкин.

МУҚАДДАС РУХ ШАХС СИФАТИДА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ

Муқаддас Рух биз билан шахсий муносабатлар орқали боғланган. У биз учун амалий ҳаракатлар қилади, бу ҳаракатлар эса бизнинг тасаввуримизда шахс фаолияти билан бирлашади. У бизни ўргатади. У бизга таскин беради. У бизни бошқаради. У бизга ёрдам беради.

Бундай самарадорликка ҳеч қачон мавҳум объектларнинг ёрдамисиз эришиб бўлмайди. Денгизчилар юлдузларга қараб мўлжал олишади, биз куёш ботишининг гўзаллигига маҳлиё бўламиз. Бироқ мафтун бўлишдан оладиган ҳузуримиз онгли ёки онгсиз равишда шафақ феномени ва кечинмаларимиз ортида Мусаввир Шахсияти тургани ҳақидаги фаразларга асосланган. Биз табиат объектларидан маҳлиё бўлишга - аммо фақат аналогия усуллари ёрдамида – “ўргатилган” бўлишимиз мумкин.

Муқаддас Рухнинг биз билан мулоқот усули – шахсга хос. У айнан Шахс сифатида бизни бошқаради, таскин беради, нимагадир ўргатади ва ҳ.к. Муқаддас Китоб шу боис Унинг фаолиятини ифодаляётганда, ақл, ирода, ҳиссиёт, куч-қудрат каби тоифалардан фойдаланади. Рух танлайди, ошкор қилади, эълон қилади, огоҳлантиради. Юлдузлар ва шафақ бунга ўхшаш ҳеч нимани қилишга қодир эмас.

Хуллас, биз шундай хулосага келамизки, агар Муқаддас Рух сеvimли, кадрланувчи, ҳақоратланувчи, ранжитиладиган бўлиши мумкин бўлса, агар Унга бўйсунишса ёки Унга қарши гуноҳ қилишса, демак, У – шахс.

Бироқ яна савол қолади: Муқаддас Рухнинг шахсияти мустақилми? Уни бошқа иккита шахслардан, яъни Худо Ота ва Худо Ўғилдан фарқли қиладиган ўзига хослик борми? Муқаддас Китоб Унга берган барча шахсий фазилятлар Отага тегишли эмасми? У Отанинг шунчаки бир акси эмасмикан?

Бу саволлар Худо ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизда муқаррар юзага келади. Биз битта Худога ишонамизми ёки учта Худога? Биз Муқаддас Рухни алоҳида шахс сифатида ўйлай бошлаганимиз заҳоти онгимизда Муқаддас Учлик ҳақидаги сирли ва чуқур фикрлар уйғонади. Жамоат Муқаддас Рух –

шунчаки шахс эмас, У – Илоҳий Шахс, У – Худо эканлиги ҳақидаги диний ақидаларни тасдиқлайди.

ИККИНЧИ БОБ МУҚАДДАС РУҲ – ХУДО

Биз ҳар сафар, “Муқаддас Руҳга имон келтираман”, деганимизда, инсон шахсиятига кириб, уни ўзгартиришни истайдиган ва бунга қодир барҳаёт Худонинг мавжудлигига бўлган ишончимизни назарда тутамиз.
Ж. Б. ФИЛЛИПС

Демак, Муқаддас Китобда Муқаддас Руҳ мавҳум куч сифатида эмас, балки шахс сифатида гавдаланади. Биз Уни ўрта турга мансуб деб эмас, балки “У” деб атаймиз. Шунингдек, Муқаддас Китобда Муқаддас Руҳнинг Илоҳий Шахс эканлиги ҳам кўрсатилган. У – Худо. Биз мазкур бобда ва китобнинг бошқа саҳифаларида буни исботлашга уриниб кўрамиз. Аммо Муқаддас Руҳни Худо сифатида қабул қилишдан аввал, Исо Масиҳнинг Худо сифатида Шахс эканлигини англаб олишимиз лозим.

Исонинг илоҳий тарзда келиб чиқиши ҳақидаги кескин баҳслар юз йиллар мобайнида давом этган. Ҳар бир авлодлар даврида Исони оддий одам даражасига туширишга уринишлар бўлган. Жамоат Масиҳ – Худо ва Одам эканига, Унинг икки хил табиатли – инсоний ва илоҳий – битта Шахс эканлигига амал қилади. Эрамизнинг 451-йилида Халкидон жамоати Исонинг ҳақиқий одам (*vere homo*) ва ҳақиқий Худо (*vere deus*) эканлигини эълон қилган.

Жамоат тарихида тўрт юз йил Масиҳнинг илоҳий табиати ҳақидаги қизғин баҳслар билан алоҳида ажралиб туради. Бу тўртинчи, бешинчи, ўн тўққизинчи ва йигирманчи асрлар. Мен бу ҳақда эслатиб ўтаётганимнинг сабаби, биз Масиҳнинг илоҳийлиги ҳақида тобора кескин баҳслар бораётган асрда яшайпмиз. (Дарҳақиқат, бундан бир неча йиллар муқаддам Исонинг илоҳий келиб чиқишини жиди шубҳа остига қўйган “Худо тимсоли ҳақидаги афсона” китоби оммавийлашиб қолганди. Афсуски, уни жамоатдан четдаги одамлар эмас, балки нуфузли илоҳиёт ўқитувчилари ёзишганди.) Масиҳга турлича назар билан боқишади: энг буюк одамлардан бири, ноёб пайғамбар, одоб-ахлоқ ва экзистенциал мувофиқликнинг олий намунаси, инсоннинг инқилобий руҳи тимсоли, шунингдек, фаришта куч-қудрати ва ҳатто Худонинг “асранди” Ўғли. Бироқ барча бу таърифлар Исо – *ижод*: Худо яратган одам (ёки фаришта) эканлиги ҳақидаги тахминларга асосланган. Бундай қарашлар Масиҳнинг Шахси макон ва вақтда ибтидога эга эканлиги ҳақидаги фикрларга таянади. Улар Исонинг абадийлигини ва Ота билан моҳиятан бирга эканлигини рад этишади.

Айрим замонавий диний оқимлар Исонинг Шахсини шу даражада улуғлашадики, Унга ижод сифатида муносабатда бўлишларига қарамай, У диний сажданинг асосий объектига айланади. Мормонлар ҳам, Йегово гувоҳлари ҳам Унга катта садоқат кўрсатишсада, Уни яратилган мазмун-

моҳият деб билишади. Агар бундай садоқат ўзида сажда қилишни ҳам акс эттирса, бу ҳолда мазкур эътиқодларнинг асосий моҳияти – бутпарастлик эканини афсус билан қайд этишимизга тўғри келади. Бутпарастлик Абадий Худога сажда қилиш ўрнига кимгадир ёки нимагадир сиғиниш демакдир. Мормонлар Исо – оламни Яратувчи деб ҳисоблашади, бироқ Унинг ижодиёти Худо Исони яратганидан сўнг бошланган. Бу фикр бемаъниликдек кўринади: Худо Исони яратган, кейин эса Исо дунёни яратган. Бу ўринда Исо бир вақтнинг ўзида ҳам Яратувчи, ҳам яратилган ижод бўлиб қолади.

Агар Исо Худо бўлмаса, демак, масиҳийлик ўз замирида хурофотга ботган экан. Исонинг Худо эмаслигини тасдиқлаш Худонинг ягона эканини инкор қилади, модомики бу Ўғил ва Муқаддас Рухнинг илоҳийлигини рад этиб, шу билан биргаликда уларга сажда қилишни буюради. Бошқа тарафлама, агар Ўғил ва Муқаддас Рух чиндан ҳам илоҳий бўлишса, бу ҳолда биз Иегова гувоҳларини – Иегованинг *сохта гувоҳлари*, мормонизмни эса – хурофий номасиҳий секта деб эълон қилишимиз лозим. Кўплаб (жуда кўплаб) масиҳий деноминациялар мавжуд бўлиб, улардан аксарияти бир-бирини *ҳақиқий* деб тан олади, гарчи масиҳийликнинг номукаммал шаклида бўлса ҳам. Баптистлар, мисол учун, одатда пресвитерианликка умумий масиҳийлик жамоатининг бир қисми сифатида қарашади. Пресвитерианлар лютеранларнинг чиндан ҳам масиҳий эканликларини маъқуллашади. Турли масиҳий жамоатлари ўртасидаги сабр-тоқат улар ўртасида иккинчи даражали масалалар бўйича назарий келишмовчиликлар бўлишига қарамай, уларнинг ҳақиқий масиҳийлик моҳиятига бўлган диққат-эътиборлари жамланишида намоён бўлади. Масиҳнинг ва Муқаддас Рухнинг илоҳий табиатини тан олиш Муқаддас Китобга таянадиган масиҳийликка тегишли бўлишнинг асосий шартидир. Шу боис масиҳийлар мормонларни ҳам, Иегова гувоҳларини ҳам масиҳийлик жамоатлари дея аталишга ҳақли эканини тан олишмайди. Ўғил ва Муқаддас Рухнинг илоҳийлигини рад этадиган бирлашмалар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Агар Масиҳнинг илоҳий табиати масаласида кескин баҳслар олиб борилган бўлса, унга нисбатан Муқаддас Рухнинг илоҳийлиги ҳақида камдан кам мунозара юритилган. Муқаддас Китобда Яратувчининг режасини амалга оширадиган Муқаддас Рухнинг илоҳий хусусиятлари шунчалик аниқ кўрсатилганки, тўртинчи асрдан бошлаб Унинг Шахсини тан олганлар томонидан Унинг илоҳий табиати ўта кам ҳолларда рад этилган. Муқаддас Рух шахс ёки “мавҳум” куч эканлиги ҳақидаги узундан узок баҳслар Унинг Шахс эканлигини, хусусан, *илоҳий* Шахс эканлигини тан олиш билан якунланган. (Бунга ҳайрон бўлмаслик керак. Муқаддас Рух ҳеч қачон одам қиёфасини қабул қилмаган ва Ўғил каби оддий одам сиймосида гавдаланмаган. Исонинг одам қиёфасига киришига эса кўплаб хурофий изоҳлар берилган. Шубҳасизки, Рух руҳий табиатга эга бўлиши керак.)

Биз Каломдан Муқаддас Рухнинг илоҳийлигини биламиз. Қадимги Аҳдда Худога тегишли бўлган сўз Худонинг Рухига ҳам тааллуқли. “Худо айтди” ва “Рух айтди” ифодаси бир хил маънога эга. Айтиладики, Муқаддас Рухнинг намоён бўлиши – бу Худонинг фаолиятидир.

Биз буни Янги Аҳдда ҳам кўрамиз. Ишаё Пайғамбар Китобининг 6-боб 9-оятида Худо пайғамбарга мурожаат қилиб: “Бор, мана шу халққа айт” дейди. Павлус Ҳаворийлар фаолияти Китобининг 28-боб 25-оятида ушбу сатрлардан иқтибос келтириб айтади: “Муқаддас Рух Ишаё пайғамбар орқали ота-боболарингизга ушбу гапни тўғри айтган экан”. Бу ўринда ҳаворий Муқаддас Рух Худо номидан гапиришга ҳақли эканини билдиради.

Шунингдек, ҳаворий имонлилар – бу Худонинг маъбади эканлигини эълон қилади, чунки Муқаддас Рух уларда яшайди (қаранг: Эфес. 2:22; 1 Кор. 6:19; Рим. 8:9-10). Агар Муқаддас Рухнинг Ўзи Худо бўлмаса, биз Муқаддас Рухга эга бўлган ҳолда ўзимизни Худонинг маъбади дея аташимиз мумкинми? Айримлар бу саволга жавоб бериб, Муқаддас Рух Худо томонидан юборилганини ва Унинг вакили эканлигини исботлаб беришади. Бундай ҳолатда Худо Ўзининг элчиларидан бири бўлган “жойда” иштирок этишини айтиш мумкин. Бироқ бу матннинг аниқ маъносини ўта эркин талқин этишдир. Каломнинг барча қисмида Муқаддас Рух Худонинг ваколатли вакили сифатида эмас, балки Худонинг Ўзи билан тенглаштирилади.

Ҳаворийлар фаолияти китобининг 5-боб 3-4 оятларида ўқиймиз:

Бутрус ундан сўради: Ханоний, нимага шайтонга қалбингдан жой бериб, Муқаддас Рухга ёлғон гапирдинг? Ернинг пулидан бир қисмини олиб қолдинг-ку! ...Сен одамларга эмас, балки Худога ёлғон гапирдинг!

Биз бу ерда бир хилликни кўрамиз: Муқаддас Рухга ёлғон гапириш – Худога ёлғон гапириш демакдир.

Масих ва ҳаворийлар Муқаддас Рухни бир неча бора илоҳий хусусиятлар ва мукамаллик эгаси сифатида тасвирлайдилар. “Лекин Муқаддас Рухга куфрлик қилганлар кечирилмайди”, - деган Масих (Матто 12:31). Агар Муқаддас Рух Худо бўлмаганида, Унга нисбатан куфрлик кечириб бўлмас гуноҳ сифатида қаралишининг эҳтимоли камроқ бўларди.

Муқаддас Рух ҳамма ёқда ҳозир. Унга барчаси маълум. Шу тариқа, Муқаддас Рух Худонинг хусусиятларига эга, чунки ҳамма нарсани билиш – бу ижод эмас, балки илоҳий хусусиятдир. Яратилган жонзот вақт ва макон билан чегараланган. Бу уларнинг билим олишлари имконини қисқартиради. Ҳаворий Павлус уқтиради:

Чунки Муқаддас Рух ҳамма нарсадан, ҳатто Худонинг чуқур ўй-фикрларидан ҳам огоҳдир. Инсоннинг ўй-фикрларини унинг ичидаги ўз руҳидан бошқа яна ким билади?! Худди шу сингари, Худонинг ўй-фикрларини Худонинг Руҳидан бошқа ҳеч ким билмайди (1 Коринф. 2:10-11).

Муқаддас Рух ҳамма ёқда ҳозир. Забурчи риторик савол беради:

Сенинг Руҳингдан қочиб, қаерга ҳам бора оламан?! Сенинг ҳузуриңдан қаерга ҳам кета оламан?! Агар осмонга чиқсам, Сен ўша ердасан! Ўликлар диёрига тушсам ҳам, Сен ўша ердасан (Забур 138: 7-8)!

Биз бу ерда Муқаддас Рухнинг иштироки Худонинг иштироки билан баробар қўйилганини кўрамиз. Рух қаерда бўлса, Худо ҳам ўша ерда. Забурчининг риторик саволида Муқаддас Рух иштирокидан яширинишнинг иложи йўқлиги ҳақидаги жавоб мавжуд. У ҳамма ерда ҳозир. Бу ҳам Худонинг ҳамма нарсани кўра олиши каби Унинг хусусиятларидан бири, асло яратилган ижод эмас. Ҳатто фаришталар каби илоҳий мавжудотларда ҳам бир вақтнинг ўзида турли жойларда бўлиш қобилияти мавжуд эмас. Ҳарҳолда фаришталар (қулаган фаришта – шайтонни ҳам қўшган ҳолда) – руҳлар бўлишсада, уларнинг имкониятлари чегараланган. Улар макон ва вақтга боғланган. Улар яратилганлар тоифасига мансубдир, ҳеч бир яратилган ижод эса ҳамма ёқда бўлишга қодир эмас.

Муқаддас Рух ҳамма нарсани билувчи, ҳамма ёқда ҳозир ва *абдий*. У ҳамиша мавжуд бўлган. Муқаддас Рух *ҳар нарсага қодир*, чексиз қудратга эга. Каломдан кўриниб турадики, Рух фақат Худо амалга ошириши мумкин бўлган ишларни қилади. Биз буни яратилиш актида ҳам, покланиш актида ҳам кўрамиз.

Биз дунёнинг яратилиши ҳақида мулоҳаза юритганимизда, фикрларимиз эҳтиром билан Самовий Отамизга мурожаат қилади. Аммо Калом билан яқинроқ танишгач, яратилиш жараёнида учта Илоҳий Шахс иштирок этганини билиб оламиз. Юҳанно Масихнинг моҳиятини (Унинг одамга айлангунича), *Логос* Калом каби тасвирлаб, эълон қилади:

Бутун борлиқ Калом орқали яратилган, Усиз яратилган бирон нарса мавжуд эмас (Юҳанно 1:3).

Павлус Юҳаннонинг таълимотидаги асосий мазмунни такрорлайди:

Худо бутун борлиқни Масих орқали яратган. Еру кўкдаги бор мавжудот, Кўринадиган ва кўринмайдиган ҳар бир нарса, Ғайритабиий кучлар, тахту салтанатлар, Буларнинг ҳаммаси Масих орқали, Унинг Ўзи учун яратилгандир. Масих бутун борлиқдан олдин мавжуд эди, Бутун борлиқ У туфайли мустаҳкам турибди (Кол.1:16-17).

Шунингдек, биз Муқаддас Китобнинг биринчи саҳифаларидаёқ Муқаддас Рух ҳақида ўқиймиз:

Худо азалда осмон билан ерни яратди. Ер шаклсиз ва бўм-бўш бўлиб, тубсиз денгизлар устини зулмат қоплаган эди. Худонинг Рухи сувлар узра юрарди (Ибтидо 1:1-2).

Каломда Муқаддас Рухнинг яратилиш ишидаги иштироки бир неча бора эслаб ўтилади.

Забурчи хитоб қилади:

Рухингни юборганингда улар яратилади, Ер юзига янгидан ҳаёт берасан (Забур 103:30).

Аюб ҳам шу фикрни тасдиқлайди:

Мени Худонинг Руҳи яратган, Қодир Худонинг нафаси менга ҳаёт бериб турибди (Аюб 33:4).

Муқаддас Руҳ – ҳаёт ва инсон онгининг яратувчиси (қаранг Аюб 32:8; 35:11). У Марямнинг Исога ҳомиладор бўлиб қолишига кўмаклашган куч манбаидир.

Фаришта жавоб берди: “Муқаддас Руҳ сени қамраб олади, Худойи Таолонинг қудрати сени қоплайди. Шу боис туғиладиган ўғлинг муқаддас бўлади. У Худонинг Ўғли деб аталади (Луқо 1:35).

Муқаддас Руҳ пайғамбарларни, ҳакам ва шоҳларни мойлаган. Исо Ўз хизматини бошлаши учун У томонидан мойланган. Янги Аҳдда Муқаддас Руҳ Масиҳни ўликдан тирилтиргани айтилади.

Исони ўликдан тирилтирган Худонинг Руҳи қалбингизда яшаяпти. Исо Масиҳни ўликдан тирилтирган Худо юрагингизда яшаётган Ўз Руҳи орқали сизларнинг фоний танангизни ҳам ўликдан тирилтиради (Рим.8:11).

Руҳ фақат Худо қодир бўлган ишларни амалга ошириш учун қудратини намоён этади. Павлус Худонинг Иброҳим билан ўзаро муносабатлари ҳақида эслаб, ёзади:

Муқаддас битикларда қуйидагича ёзилган-ку: “Мен сени кўплаб халқларнинг отаси қиламан”. Ўликларни тирилтирувчи ва мавжуд бўлмаган нарсаларни вужудга келтирувчи Худога ишониб, Иброҳим ҳаммамизнинг отамиз бўлди (Рим.4:17).

Ўлимдан сўнг қайта туғилиш ва ҳеч нимадан ниманидир яратиш учун Худонинг ҳар ишга қодир қудрати керак. Ҳеч қандай яратилган ижод йўқ нарсдан ниманидир ярата олмайди. Ҳеч қандай яратилган ижод ўлимдан сўнг янги ҳаётни бошлаб беролмайди, руҳан ўлик қалбларни тирилтира олмайди. Бундай иш учун Худонинг куч-қудрати зарур. Буларнинг барчасини Муқаддас Руҳ бажаришга қодир.

Муқаддас Китобда Муқаддас Руҳ сажда қилиш объекти сифатида бизга гавдаланади. Янги Аҳднинг чўмдирилиш амрига Муқаддас Руҳ ҳақидаги сўзнинг киритилиши катта аҳамиятга эга. Жан Кальвин бу сўзни шундай изоҳлайди:

Павлус Отани, имонни, чўмдирилишни ва уларни боғлайдиган сабабни бирлаштиради, яъни: агар битта эътиқод бўлса – демак, битта Худо мавжуд; агар битта чўмдирилиш бўлса, демак, битта эътиқод бор. Ўз навбатида, агар биз битта эътиқод асосида чўмдирилсак ва битта Худога итоат этсак, ҳақиқий Худо биз Унинг номи ила чўмдириладиган Худо эканлигига ишонишимизга тўғри келади. Ва бу ўринда Нажоткорнинг мукаммал имон-эътиқодининг намоён бўлган ёруғлигини тасдиқлаш учун Унинг Ўзи тантанавор айтган сўзларига шубҳа бўлиши мумкин эмас: “Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдилинглар” (Матто 28:19). Ўшандан буён Ота, Ўғил ва

Муқаддас Рух номи билан чўмдириш Худо номи билан чўмдириш каби бир хил кучда тўла-тўқис намоён бўлмоқда. Агар Нажоткорнинг Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан чўмдирилиш ҳақидаги амри битта эътиқодга кўра уларга ишонишимиз зарурияти ҳақида бўлмаса, бу амрнинг маъноси нимадан иборат? Ахир бу Ота, Ўғил ва Рух – ягона Худо эканлиги ҳақидаги даъводан фарқ қиладими? Мана шунинг учун битта Худодан бошқаси мавжуд эмаслиги ҳақидаги аниқ таърифга бўлган заруриятдан келиб чиққан ҳолда биз Каломнинг ва Худо Рухининг моҳиятан бир эканлиги ҳақидаги хулосага келамиз (“Масиҳийлик эътиқодидаги панд-ўғитлар”, I/XIII/16).

Муқаддас Рух ҳақидаги сўзлар нафақат чўмдирилиш амрига, балки хаворийларнинг марҳаматларига ҳам киритилган:

Раббимиз Исо Масиҳнинг инояти, Худонинг меҳр-муҳаббати ва Муқаддас Рухнинг ҳамроҳлиги ҳаммангизга ёр бўлсин! (2 Кор. 13:13).

Демак, биз Муқаддас Китоб Муқаддас Рухнинг илоҳийлигини аниқ тасдиқлаётганини кўриб турибмиз. Рух – бу Шахс. Рух – бу Худо.

Биз бу иккала тасдиқни кўриб чиқиб, масиҳийлик эътиқодидаги энг муҳим ва мураккаб таълимот – Учлик ҳақидаги таълимотга келамиз.

Хўш, Учликни – Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухни – тан олиб, шу билан биргаликда *ягона* Худога ишонишимизни тасдиқлаш қандай бўлиши мумкин?

Биз навбатдаги бобда масиҳийлик эътиқодининг ана шу чуқур сирини тадқиқ этамиз.

УЧИНЧИ БОБ УЧЛИКНИНГ СИРИ

*Учликнинг мустаҳкам номи билан
Бугун мен бўлинмас, муштарақман,
Ягонага ва Бирликдаги
Бу учта кўринишдаги
Учта тенг Шахсга мурожаат қиламан.
АВЛИЁ ПАТРИК*

Муқаддас Китобдаги энг машҳур қонунлардан бири – бу энг буюк амр:
*Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун
вужудингиз билан севинглар (Қонунлар 6:5).*

Исо мазкур амрни эслатиб ўтиб, айтади:

*Бу биринчи ва энг буюк амр. Иккинчиси эса шунга ўхшашидир: “Ўзгани
ўзингизни севгандай севинг”. Бутун Таврот ва пайгамбарларнинг ҳамма
битиклари мана шу иккита амрга таянади (Матто 22:38-40).*

Исо буюк амр амрни “биринчи” деб айтганида, У кетма-кетликни назарда тутмаган. Худо кўп амрларни улардан каттароғи очиқланмасидан

аввал берган. Исо бу амрни “биринчи” деганида, унинг аҳамият жиҳатдан биринчи эканлиги ҳақида аниқ тушунча берган. Айнан шунда бошқа барча амрларнинг мазмуни ифода этилган ва унга Мусонинг бешта китоби ҳамда пайғамбарлар китобида барча баён этилганларнинг асоси келтирилган.

Биз Худони қачонлардир қалбимиз билан, руҳимиз ва онгимиз билан севиб қолишимиздан аввал, севишимиз зарур бўлган Худо ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишимиз керак. Энг буюк амр ўша даврга хос бўлган муҳитда биринчи эди. Яҳудий халқи уни *Шема** деб атаган.

**Қулоқ сол (қадимги ибронийча). – Мухаррир изоҳи*

Шема Қадимги Аҳд даврида яҳудий катта ибодатининг мазмун-моҳияти ҳисобланган. У яҳудийларнинг диний хизматларида бир неча бора такрорланган ва албатта, Исога эрта ёшлик пайтидаёқ яхши маълум бўлган. *Шема* ушбу сўзлар билан Буюк Амрда огоҳлантиради:

Эй Исроил, қулоқ сол! Эгамиз Худо танҳо Эгадир (Қонунлар 6:4).

Худо ягона! Бундай эътиқод Исроилни монотеистик миллат сифатида ифодалайди. Монотеизм битта Худога ишончни англатади. Бу қадимги Аҳдни полетеизмнинг бошқа шакллардан кескин ажратиб туради. Исроилнинг барча қўшниларида кўп худолик ривожланганди. Эътиқоднинг негизи уларда турли худоларга ва маъбудаларга сиғиниш ҳисобланган. Уларда уруш, ҳосилдорлик, севги, табиат ҳодисалари ва бошқа ҳолатларга хос ўз маъбадлари бўлган. Фақат Исроил ягона Қодир Худога садоқати билан ажралиб турган. Ўнта амрнинг биринчи амри шундай сўзлар билан кучайтирилган:

Мендан бошқа худоларга сажда қилманг (Чиқиш 20:3).

Бу қонун Яхве – ҳақиқий Худодан бошқа яна қандайдир маъбад ёки маъбудаларга сиғинишни мутлақо инкор этади. Қонунда Худонинг “Менинг олдимда” айтган сўзи мутлақо “устунлик ҳуқуқи”ни англатмайди. Аксинча, Биринчи Амрда яҳудийларнинг бошқа илоҳларга сиғинишлари ва хизмат қилишлари мумкинлигига ҳаттоки ишора ҳам йўқ.

“Менинг олдимда” сўзи “Менинг ҳузуримда” маъносини билдиради. Худо аниқ-равшан қилиб, У ҳеч қаерда ва ҳеч қачон бошқа худоларга сиғинишларига тоқат қилолмаслигини айтган. Яхведан бошқа кимгадир ёки нимагадир сиғиниш бутпарастлик билан баробар бўлиб, Худонинг ғазабини келтирган.

Қадимги Аҳддаги монотеизмга бўлган айнан шу жўшқин даъват Учлик тушунчаси бўйича кўплаб таъналар келиб чиқишига сабаб бўлган. Агар Худо ягона бўлса, бизнинг уч шахсга – Отага, Ўғилга ва Муқаддас Рухга сажда қилишимизни қай тарзда оқлай оламиз?

Учлик тушунчаси ана шу саволга жавоб беришга даъват этилган. Учликнинг таърифи шундай жаранглайди: “Худо моҳиятан ягона, аммо уч қиёфада намоён бўлади”.

Бундай ифода масихийликни турли томонлардан бўладиган жиддий хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга интилади. Бир тарафлама, жамоат ўзининг монотеизмга бўлган қатъий содиқлигини асраб қолишни истади. Мана нима учун таърифнинг биринчи қисми шундай дейилган: “Худо Ўз моҳиятига кўра ягона”. Бу эса биз *Худо* деб атайдиган биргина Зот борлигини англатади.

Бошқа томонлама, жамоат Муқаддас Китобда Масихнинг ва Муқаддас Рухнинг илоҳий табиати ҳақида билдирилган аниқ сўзларга содиқ. Шу боис жамоат Худонинг учта қиёфасини – Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухни - ажратиб кўрсатади. Бу билан эса таърифнинг иккинчи қисми – “учта қиёфада” – изоҳланади.

Мазкур таърифнинг маъносини теранроқ тушунишга уринишдан аввал, Учлик ғоясининг рақиблари томонидан келтириладиган айрим умумий эътирозларни қараб чиқиш фойдали бўларди.

1 ЭЪТИРОЗ: “УЧЛИК” СЎЗИ МУҚАДДАС КИТОБГА ТААЛЛУҚЛИ ЭМАС ВА БУ ҲОЛАТ БОШҚА ФАЛСАФАНИНГ МУҚАДДАС КАЛОМГА СУҚИЛИБ КИРГАНИНИ БИЛДИРАДИ.

Жан Кальвин бундай танқидларга нисбатан ўта таъсирчан бўлган. Илоҳий сўзни чеклаш ва уни Каломдаги иқтибосларга қўшиб қўймоқчи бўлганларга жавобан, у ёзган:

Агар улар Каломда бошқа топиб бўлмас даражада кўп ишлатиладиган катта миқдордаги мазкур сўзни хорижий десалар, сўзсиз, улар Каломнинг лугатига бевосита кирмайдиган сўзлардан тузилган ҳар қандай талқинни муҳокама қиладиган адолатсиз қонунни жорий этган бўладилар (“Масихийлик эътиқодидаги панд-ўғитлар” 1/13/3).

Кальвин ва унинг ҳамфикрлари масала Каломдан ўзлаштирилган қандайдир муайян сўзларда эмас, балки Муқаддас Китоб тушунчасини аниқ етказиб беришдан иборат эканлигини уқтиришган. Агар Муқаддас Китоб тушунчасига тўғри келса, биз илоҳий мулоҳазаларни ифода этиш учун Каломда бўлмаган сўзлардан ҳам фойдаланишимиз мумкин.

Кальвин инсон тилининг кучли ва заиф жиҳатларини яхши англаган. У ёзади:

Бизнинг у ҳақдаги фикрларимиз қанчалик аҳмоқона бўлса, унга тааллуқли ўз тилимиз ҳам ҳам шу даражада бемаъни. Қандайдир ўрталикни танлаш зарур. Бегубор андазага асосланган фикрлаш ва гапириш Каломдан ўзлаштирилган бўлиши керак: онгимизнинг барча ўй-фикрлари ва биз айтадиган сўзлар ана шу андаза асосида текширилиши лозим (ўша китоб, I/XIII/3).

Бизнинг тушунчаларимизни текшириб кўриш учун савол бериш зарур: улар чиндан ҳам Каломдан олинганми?

Изчил масихийлик Худони англаб бўлмаслигини таъкидлайди. Мен бу ҳақда гапираётганимда, биз *Худо* ҳақида ҳеч нимани билиб

ололмаслигимизни назарда тутмаяпман. Худо Ўзи ҳақида билдирадиган маълумотлар муайян даражада биз учун очиқ. Бироқ бизнинг Худони тушуниш лаёқатимиз чекланган. Одамлардан ҳеч қайси Уни тўлиқ тушуниш даражасига эга эмас. Бизнинг У ҳақидаги билимларимиз бутунлай чекланмаган. У ҳатто Ўзини Каломда очиб бераётганда ҳам, фақат муайян даражадаги илоҳий ёндашуви билан бизнинг чекланган ўзлигимизга мослашади. Худо бизга бизнинг инсоний тилимизда мурожаат қилади. Ва яна Кальвин Муқаддас Китобда Худони тасвирлаш учун инсоний тушунчанинг кенг қўлланилишини қайд этади:

Наҳотки Худонинг биз билан мулоқоти худди энаганинг болакайлар билан чақалоқлар лаҳжасида гаплашишини бизга эслатиб юборишини тушуниб етолмасак? Худонинг бу ғамхўрлиги Худо ҳақида ва Унинг бизнинг чекланган қабул қилиш лаёқатимизга қай тарзда мослашиб олишни уддалаётгани ҳақида алоҳида бир тасаввур бермайди. Шу билан биргаликда, У Ўзининг юксаклигидан тушишига тўғри келади, албатта (ўша китоб, I/XIII/I).

Жамоат Муқаддас Китоб ҳақиқатларини тушунтириш учун илоҳиётга тааллуқли бўлмаган сўзлардан фойдаланишга мажбур бўлишига бир қатор сабаблар мавжуд. Биринчидан, жамоатнинг шундай қилишига тўғри келади, негаки еретиклар Муқаддас Китобдаги сўзларнинг аҳамиятини ўзгартириб, уларни бузиб, нотўғри талқин қилишади. Еретиклар ўз таълимотларига Муқаддас Китоб орқали сайқал беришга уриниб, ҳамиша бу найрангдан фойдаланишган. Павлус айнан шу ҳақда эфесликларни огоҳлантирган:

Ўшандай гуноҳларни қилишга баҳона излаганлар сизларни қуруқ гаплар билан алдамасин, чунки Худонинг қаҳр-ғазаби Унга итоатсиз бандаларнинг бошига тушади (Эфес. 5:6).

Ҳаворий айтган “қуруқ гаплар” - бу ўз аҳамиятини йўқотган ва ўз моҳиятидан айрилган сўзлар. Жамоат асрлар мобайнида Муқаддас Китоб тилининг бундай бузилиши ва суиистеъмол қилинишига қарши курашган.

Аниқ маънога эришиш учун, шунингдек, халқ учун айёрона ва ўта бузиб кўрсатилишдан холи таълимотни сақлаш мақсадида махсус теологик терминология зарур. Имон-эътиқоднинг ёки бирор маслакнинг таърифи қанчалик ихчам ва теран бўлмасин, ўзларининг манфаати учун ўша эътиқоднинг сўзларидан фойдаланиб, унинг мазмунини бузишга тайёр бетайин одамлар ҳамиша топилади.

Илоҳиёт масаласида баҳсга киришиш еретикларнинг сеvimли тактикасидир. Кальвин бу ҳақда жамоатнинг Учликка бўлган ишончи мисолида шундай ёзган:

Бу янгилик (агар уни шундай аташ мумкин бўлса) ҳақиқатни ғийбатлардан баҳслар ёрдамида тўсиш учун ўта муҳим заруриятга айланади. Мазкур масалада бугунги кунда бизнинг бой тажрибамиз тўпланган, чунки покиза ва соғлом таълимотни душманлар томонидан бўладиган ҳужумлардан ҳамиша бартараф этишимизга тўғри келади. Агар

бу силлиқ илонларни шиддат билан таъқиб этмаса, улар ўзларининг чаққон ҳаракатлари билан чап беришга уринишади. Ушлаб олганда эса маҳкам ушлаш керак. Шу тариқа, бидъат туфайли пайдо бўлган баҳслардан ташвишга тушган илк масиҳийлар ўз туйғуларини ўта аниқ сўзлар билан ифодалашга кўникканлар: бунинг шарофати билан эса имонсизларда Калом изоҳларини бузиш учун заррача ҳам баҳона қолмаган (“Масиҳийлик эътиқодидаги панд-ўғитлар”, 1/13/4).

Бу масаланинг тарихий асосига мурожаат қилайлик. Тўртинчи асрда Арий келтириб чиқарган инқироз Учлик ҳақидаги таълимотнинг аниқ таърифига зарурият борлигини яққол кўрсатиб берди. Келишмовчиликларнинг бош “силлиқ илони” Арий исмли жамоат хизматчиси (пресвитер) эди. Арий Масиҳнинг “Худо” ва “Худонинг Ўғли” эканлигини тан олган. Шундай бўлсада, унинг қарашларига яқиндан назар солинганида, Арий «Худо» сўзини куруқ бир товушгача бемаънилаштириб юборгани аён бўлади. Арийда “Худо” сўзи икки хил маънога эга бўлган. У Исонинг яратилган ижод эканлигини, У фақат илоҳий тарзда ўғил қилиб олингани боис “Худо” бўлганини уқтирган. (Агар “Худо” сўзи энди “*абадий Худо*” маъносини англатмаса, бу ҳолда “Худо” сўзи куруқ товуш бўлиб қолади.) Бу Арий томонидан шакллантирилган мазҳабда яққол таъкидланган:

Биз ибтидоси бўлмаган ягонани, бир Ўзи тугилмаган, абадий ягона Худони тан оламиз.*

* Ж.Н.Д.Келли. Создание символов веры. London: Longmans, 1972, 232-бет.

Унинг мазҳабида “ягона” сўзи уч марта такрорланади ва ҳар бирида Арийнинг Ўғил ёки Калом Отага – ягона Худога бўйсунушига бўлган қараш таъкидланади. Худо оламни яратишни истаган ва шу мақсадда ҳаётга Ўғлини чорлаган. Гарчи Ўғил юксакликка кўтарилган бўлсада, Арийнинг издошлари мунтазам равишда У – *ktissis*, яъни яратилган ижод эканини таъкидлашган. Кўплаб жиддий имонлилар бундай эълондан сўнг Арий қандай қилиб “Ўғил – бу Худо” эканлигини уқтиришини тушунишмаган. Мана нима учун православ масиҳийлари тўлиқ бир маъно билан ушбуни ойдинлаштириб берадиган аниқ сўзни излашган: Ўғил илоҳий табиат эгаси ва *шу боис Ота билан абадийликка ва У билан бир хил моҳиятга эга*.

Арийга мансуб деб билишадиган теологик термин юнон фалсафаси тилидан олинган. Мана ўша термин – *homoousios***. Мазкур термингача илоҳиётга тегишли ҳеч қандай тушунча бу каби кўплаб баҳсларни келтириб чиқармаган эди. (Илк масиҳийларнинг “*бир моҳиятли*” сўзи ҳақидаги полемикани Муқаддас Китобда “*беайблик*” тушунчаси қизгин қўлланилиши туфайли ҳозирги кунда келиб чиқаётган келишмовчиликлар билан таққослаш мумкин.)

** Бир моҳиятли (греч.) – Мухаррир изоҳи.

Homoousios сўзи “ўша субстанция” ёки “ўша моҳият” маъносини англатади. Арий Исонинг Худо эканлигини инкор этмаган. Бироқ у Исонинг

Ота каби бир хил моҳиятга эга эканлигини тан олмаган (юнонча *homos* сўзи “тенг, бир хил, умумий” маъносини англатади ва ўзбек тилида “битта...”ни билдиради; *ousios* – “моҳият”). *Homoousios* сўзи Арийнинг силлиқ илон бўйнини ерга ёпиштирган теологик қурол ҳисобланади.

Бироқ Арий *homoiousios* сўзини *homoousios* сўзи ўрнида ишлатишга тайёрланган. *Номо* сўзидан кейин келадиган *i* ҳарфига эътибор беринг. Энди баҳслар сўзга эмас, фақат биргина ҳарфга қаратилганди. Юнон тилидаги *homoī* ва *homo* сўзлари ўртасидаги нозик, аммо ўта муҳим фарқ “монанд” (ёки “ўхшаш”) ва “худди шундай” сўзларидаги фарқланишдан иборат.

Homoiousios “монанд ёки ўхшаш моҳият” маъносини берса, *homoousios* “ўша моҳият” деган сўзни англатади.

Арий жамоатнинг аввалги ҳукмномасига шикоят билдирган бўлса, бошқа еретик – Савелий – *homoousios* сўзини ишлатгани учун ҳукм қилинган. Савелий ва унинг издошлари: Исо – Ота каби бир хил моҳиятга (*homoousios*) эгаллигини уқтиришгани боис ҳукм этилишган, жамоат эса *homoiousius* сўзида туриб олган.

Мунозаралар чўзилиб кетган. Агар жамоат иккала терминга нисбатан ҳам ўз нуқтаи назарини ўзгартирганини эътиборга олсак, барча баҳслар ўта чалкашиб кетишини кузатиш мумкин.

Гап шундаки, Савелийни *homoousios* сўзини ишлатгани учун ҳукм қилишган, зеро у бу сўз остида жамоат тўртинчи асрда тушунганидан бутунлай бошқа моҳиятни назарда тутган. Савелийнинг таълимоти гностик тасаввурларга тўлиб тошган. Гностицизм – бу илк масиҳийлик жамоати тўқнаш келган энг биринчи ва энг хавфли бидъатлардан биридир. Гностиклар борлиқни Худо Ўзидан ҳосил қилган ижоди сифатида, яъни Худо моҳиятининг кенгайиши тариқасида қабул қилишади. Барча яратилган борлиқ – бу ўзига хос равишда Худо моҳиятининг маҳсулидир. Моҳият марказдан узоқлашгани сайин ҳақиқийлик ўз мукамаллигини йўқотиб боради. Рух ва онг марказ яқинида жойлашган, ундан нарида жонли моддалар, жонсиз борлиқ эса (минераллар каби жонсиз моддалар) марказдан янада узоқроқда жойлаштирилган. Бироқ Худонинг моҳиятидан келиб чиқадиган барча-барчаси – Худонинг *модус* (кўриниш)ларидир.

Савелий Ўғил Худо билан *homoousios* эканлигини, аммо Худо бўлмаганини таъкидлаган. У Худога моҳиятан яқин бўлган, аммо Худо моҳиятининг марказидан узоқлаштирилган. Савелий шундай ўхшашликни таклиф этган: куёш нурлари куёшга нисбатан қандай бўлса, Исо ҳам Отага нисбатан худди шундай. Нурлар куёшдан чиқади, аммо бу куёшнинг ўзи эмас.

Шу боис Савелийнинг *homoousios* термини ўрнига жамоат *homoiousios* сўзидан фойдаланган. Бу сўзнинг афзалроқ кўриниш сабаби аниқ. Савелий Худо ва Исо ўртасидаги фарқни кўрсатиш учун *homoousios* терминини ишлатган. Жамоат эса Худога *ўхшаш* Исога бўлган имонини эълон қилиш учун *homoiousios* (“моҳиятан ўхшаш”) сўзини танлаган.

Арий вазиятни тубдан ўзгартирган. У Исо ва Худо ўртасидаги *фарқни* кўрсатиш учун *homoiousios* сўзини ишлатган. У Исонинг Худога чиндан ҳам

ўхшаш эканлигига қарамай, Худо билан моҳиятан бир эмаслигини назарда тутган. Жамоат тўртинчи асрда Арийга қатъий тарзда “Йўқ!” деб билдирган. Жамоат терминни ўзгартириб, бу билан Исонинг Худога фақат ўхшаш эмас, балки Унинг ягоналиги – Худонинг моҳияти эканлигини таъкидлаган. У – *homoousios*, У – Худо. Бундай хулоса гностикларнинг хулосасига жуда қарама-қаршидир.

Ария туфайли келишмовчиликлар арзимаган сабаб билан бўлган ғавго ҳам, илоҳиёт масаласидаги яширин фитна ҳам эмасди. Бу ўринда жамоат Исо ва Муқаддас Рухнинг мутлоқ илоҳийлигини тан олиши зарба остига қўйилганди. Бу мисли қўрилмаган инқироз жамоатни илоҳиёт луғатига айрим ўзгаришлар киритишга ундади. Савелий бидъати йўқолиб улгурмасидан янги хавф – арийчилик – шунчалик жиддий тус олдики, уни бартараф қилиш учун анчайин таваккал бўлган *homoousios* сўзини ишлатишга тўғри келди.

Гарчи жамоат Масиҳнинг ва Муқаддас Рухнинг илоҳий моҳиятини ифодалаш учун сўзни ўзгартирган бўлсада, уларнинг илоҳийлиги ҳақидаги тушунча аввалгидек қолаверди. Жамоат полемикада савелийчилар билан ҳам, арийчилар билан ҳам Учликнинг Муқаддас Китобга хос тушунчасини уқтириш ва сақлаш учун ўзининг бутун тилшунослик заҳирасини ишга солди. Жамоат Муқаддас Китоб тушунчаларини кўп маъноли ифодалаш йўли билан устомонларча бузишга уринган еретиклардан ҳимоя қилишга интилди ва Каломдан ҳам узоқлашиб кетмасликка ҳаракат қилди.

Арийдан бошланган мунозараларнинг маҳсули эътиқодда Никей эътиқод тимсолининг қабул қилиниши бўлди. Бу тимсол Худо моҳиятининг ягоналигини таъкидлаб, Худонинг Иккинчи Шаҳсини ижод дея ҳисоблашга бўлган ҳар қандай уринишларга чек қўйди ва Исони шундай таърифлади: “яратилмаган туғилган Зот”.

Шунингдек, мазкур баҳсларнинг натижаси сифатида Учлик таълимотига ишонадиганларнинг жамоат мадҳияси *Gloria Patri* – “жанговор мадҳия” яратилди. Арийчилар Учлик тарафдорларига қарши тарғибот кампаниясининг бир қисми тариқасида беадаб ва илтифотсиз қўшиқлар тарқатишди. Учлик тарафдорлари бунга жавобан жўр бўлиб куйлашди:

*Барча асрлардан аввал,
Ва ҳозирда ҳам,
Ва то абад, ҳар дам
Отага шарафлар бўлсин,
Ва Ўғилга ҳам
Муқаддас Рухга ҳам.
Омин.*

Ушбу мадҳия билан илоҳий хусусият – *шон-шухрат* – Худонинг учта тимсолига ҳам тааллуқли эканини таъкидлаб, Учликни улуғлашади. Бир вақтнинг ўзида Учликнинг барча тимсолларининг абадий эканлиги эътироф этилади.

Демак, биз “Учлик” сўзи жамоатнинг беҳуда фалсафий фикрларга берилишидан ёки юнонча тушунчанинг юзаки ўйинларидан келиб чиқмаганини кўряпмиз. Кальвиннинг уқтиришича, жамоат Худо ҳақида Муқаддас Китобда айтилганларни бузиб кўрсатган бидъатчилар туфайли ана шундай терминологияни қўллашга мажбур бўлган.

Бундай мунозаралар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда ва бу сафар гап Каломнинг ўзлиги ҳақида боради. Муқаддас Китобнинг мутлоқ илоҳийлигини рад этадиганлар унда баён этилганлардан “Худонинг Каломи” ёки ҳатто У “беҳато” дея ҳеч иккиланмасдан далиллар келтиришади, бироқ уларни бундаги “бенуқсон” термини тўхтатиб қолади. Агар Муқаддас Китоб чиндан ҳам беҳато ва Худонинг илоҳий Каломи бўлса, нега бу ҳолда айримларни “бенуқсон” сўзи бунчалик таажжубга солади? Ахир Худонинг Каломида қандайдир гуноҳ бўлиши мумкинми? Наҳотки Худо чалкашликни сингдирса? Қандайдир беҳатолик ёлғон бўлиб чиқиши мумкинми?

Муқаддас Китобнинг бенуқсонлигини астойдил ҳимоя қилувчи Ж.И.Пакер “бенуқсон” сўзини “шиболет” деб атади. Қийин талаффуз қилинадиган “шиболет” сўзи худди жосусни ҳақиқий исроилликдан фарқлаш учун ишлатиладиган паролга ўхшайди (Ҳакамлар 12:6), шу боис “бенуқсон” терминига ана шу вазифани юклашган. Кимдир бу сўз билан Каломнинг мутлоқ ҳақиқийлигини тасдиқлагани заҳоти унга шу заҳотиёқ ташланиб қолишади. Ишонаверинг – “бенуқсон” сўзини худди “Учлик” сўзи каби нотўғри талқин қилиб, хиралаштирмоқчи бўладиган одамлар ҳамиша топилади. Бироқ бу ҳолат сафсатабозларнинг ўзларини фош қилиб қўяди.

2 ЭЪТИРОЗ: УЧЛИК ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ БИР-БИРИГА ЗИД ВА ШУ БОИС АҚЛ БИЛАН АНГЛАБ БЎЛМАЙДИ

Мен кунлардан бирида масиҳийликнинг ақл бовар қилмас жиҳатлари очик кўриниб туришидан арз қилиб қолган фалсафа ўқитувчисини учратдим. У айтди: “Масиҳийликнинг барча тизими бир-бирига яққол қарама-қаршилик асосида тузилган”. Мен шунда ундан қандай қарама-қаршиликни назарда тутаётганини сўрадим. “Учлик!” – шу ондаёқ жавоб янгради. У сўради: “Қандай қилиб учта худо мавжуд бўлиши ва бир вақтнинг ўзида биргина Худо бўлиши мумкин?”

Мен ҳозир бу кулгили вазиятни атайин келтириб ўтдим. Моҳир файласуфлар одатда чуқур билимга эга бўлишади ва мантиқий тушунчалардан ўта маҳорат билан фойдаланишади. Уларнинг иши турли хил фикр ва таклифларни диққат билан таҳлил қилишдан иборат. Тажрибали файласуфнинг жамоатга хос Учлик таърифини бундай қатъийлик билан очикдан очик рад этаётгани мени ҳайрон қолдирди.

Мен кўпчилик масиҳийлар бу фалсафа ўқитувчисининг фикрларини қисман баҳам кўришларини англаб турибман. Улар ўша ўқитувчи каби масиҳийликни рад этишмайди, аммо Учлик тушунчасида қарама-қаршиликни кўришади. Бироқ бу ҳолат ана шундай масиҳийларни унчалик ҳам безовта қилавермайди, негаки улар масиҳийликда қарама-қаршилик

бўлиши эҳтимолига йўл қўйишади, эмишки, “Худонинг йўли – бизнинг йўлимиз эмас”. Айримлар бунда олий тартибнинг ҳақиқат белгиларини кўриб, ҳатто қарама-қаршиликни ижобий ҳол сифатида қабул қилишади. Бу эса Карл Барт ва Эмиль Бруннер туфайли машҳур бўлган неоортодоксия ёки диалектик теология каби илоҳиёт йўналишларининг қайғули натижасидир. Барт уқтирган: “Кимки қарама-қаршиликни қабул қилмаса ва бу зиддият билан яшамаса, у ҳали баркамол масихий эмас”. Бруннер масалага янада чуқурлашиб, қарама-қаршилик – ҳақиқатга хос аломат эканини айтган.

Масихийлик қарама-қаршиликка таяниши ҳақидаги фикрлар илоҳиёт мутахассисларини безовта қилмаслиги мумкин, бироқ бу ҳолат мени чуқур ташвишга солади. Муқаддас Китобда қарама-қаршилик – ҳақиқат белгиси эмас, балки ёлғонга хос белги, шайтоннинг нозик курули эканлиги билдирилган. Худо Одам Атога айтган:

Сен боздаги ҳамма дарахтнинг мевасидан бемалол еявер. Лекин яхшилик ва ёмонликни билиш дарахтининг мевасидан емайсан, ундан ейишинг биланоқ, шубҳасиз, ўласан. (Ибтидо 2:16-17).

“Ўласан”. Бу Худонинг аниқ ва оддий огоҳлантириши. “Ундан ейишинг биланоқ, ... ўласан”. Мантиқ нуқтаи назаридан шундай ифодалаш мумкин: агар сен А юриши қилсанг, Б юришидан қочиб қутула олмайсан.

Шайтон келиб айтди: “Йўқ, ўлмайсизлар”. Унинг фикр мана бундай эди: агар сен А юриши қилсанг, унинг ортидан Б юриши бўлмайди. Бошқача айтганда, шайтон Момо Ҳавонинг олдига қарама-қаршиликни яққол ифода этиб келди. Биз бўлиб ўтган суҳбатни қуйидагича тасаввур қилишимиз мумкин:

Шайтон: Еявер, Момо Ҳаво, сен ўлмайсан.

Момо Ҳаво: Бироқ, жаноб Илон, сиз менга Худо ва Яратувчи айтган гапларга мутлақо қарама-қарши гапларни айтяпсиз.

Шайтон: Момо Ҳаво! “Худонинг йўли – бизнинг йўлимиз эмас”, демак шундай экан, бу сени ташвишга солмасин. Бизга нимаики зиддият бўлиб туюлса, Худо учун бу зиддият ҳисобланмайди. Бундан ташқари, биласан-ку, қарама-қаршилик – ҳақиқатга хос аломат. Менга ишонавер. Мендаги қарама-қаршилик сенинг олдинга олий тартибнинг ҳақиқати билан келганимни исботлаб турибди.

Момо Ҳаво: Бу гаплар жуда қизиқ эшитилади, жаноб Илон, дарахт меваларининг кўриниши ҳам иштаҳани кўзғаяпти, лекин мен ҳануз иккиланиб турибман.

Шайтон: Бас, Момо Ҳаво. Бунчалик содда бўлмагин. Сен юнон фалсафасининг тушунчаларига ўралашиб қолибсан. Қачон улғаяр экансан-а? Агар чиндан ҳам баркамол имонли бўлсанг, қарама-қаршиликларга ҳеч чўчимамай ёндашгин. Менинг қарама-қаршилигимга ишонсанг, хато қилмайсан, балки инсоният бахти учун катта сакрашни амалга оширган бўласан.

Момо Ҳаво: О, мен тушундим. Дарахт томон биргина қисқа қадам – бу инсоният бахти учун катта сакраш қилиш. Қани, бир мазасини тотиб кўрайчи!

Бирор бир ғоянинг ҳақиқийлигини қарама-қаршилик қонунисиз синовдан ўтказиб бўлмаслиги каби, бизда ҳалолликни нопокликдан, бебошликни итоатдан, ҳақиқатни ёлғондан, Масихни Шайтондан фарқлаб олишнинг бошқа усуллари йўқ.

Қарама-қаршилик қонуни ҳеч қандай маълумотлар билан таъминламайди. У тўсиб қўйилган, бирор-бир янги билимлар беришга лаёқатсиз. Унинг ҳукмронлиги қатъий мантиққа асосланган. У худди биз қонун доирасидан чиққанимизда чинқирадиган полиция сиренасига ўхшайди. Қарама-қаршиликлар қонуни – бақувват ҳўжайин. У бизнинг барқарорлик ва изчилликка бўлган тасаввуримизни синовдан ўтказади, тартибсизликка бўлган нафратни сингдиради ва аниқликни олқишлайди.

Худо барқарор. Худо изчил. Бир сўз билан айтганда, Худо доно. У Онгнинг ўзидан ҳам ортиқ даражада доно. Бироқ биз Муқаддас Китобга таянган ҳолда, Худонинг барқарор эканлигини кўрамиз. Кимга зиддиятлар ва беқарорлик Худоси ёкса, ўз шахсий худосини яратиб олаверсин, чунки ҳақиқий Худо уларга тўғри келмайди.

2 эътирозда мен маъқуллайдиган битта нуқтаи назар бор. Бир бандда мантиқ кучга эга: агар Учликнинг тушунчаси қабул қилинадиган бўлса, бундан унинг ақл бовар қилмас фалсафа эканлиги ҳақида хулоса чиқармасликнинг иложи йўқ. Мен масалага янада чуқурлашган бўлардим. Агар уни ақл билан англаб бўлмаса, у бизнинг эътиқодимизга номуносиб экан. Худони бемаъни панд-насихатлар билан улуғлаб бўлмайди. Агар Учлик ҳақидаги бизнинг таърифимиз зиддиятли бўлса, ундан бемаънилиги учун воз кечиб юбориш керак.

Демак, энг муҳим савол очиқ қоляпти: Учлик тушунчасининг таърифи зиддиятлими? Мен ўз саволимга оддий қилиб, “йўқ” дея жавоб қайтарган бўлардим. Бироқ бунинг ўзи етарли эмас. Жавоб шунчаки раддиядан кўра ишончлироқ бўлиши керак. Шу боис мен мутлақо сўзини алоҳида ажратиб жавоб қайтараман: “Мутлақо йўқ!”. Жамоатнинг Учлик ҳақидаги таърифида заррача ҳам қарама-қаршилик мавжуд эмас.

Мантиқ қонунлари объектив ва ўзига хосликдан холи. Ҳеч иккиланмай, уларни ҳар қандай фикрларга нисбатан қўллаш мумкин. Улар худди математик тенгламалар каби ҳис-туйғуларга эга эмас. Бу аниқ қонидани Учлик тушунчасининг таърифига нисбатан қўллаганларида, қарама-қаршиликнинг йўқлиги аён бўлиб қолади.

Келинг, яна бир бора Учликнинг таърифига мурожаат қилайлик:

Худо моҳиятан ягона, бироқ уч қиёфага эга.

Мазкур таърифда Худо ҳақидаги иккита фикр бор, иккита турлича, аммо бир-бирини рад этмайдиган фикр мавжуд. Бир томонлама, Худонинг моҳиятан ягона эканлиги айtilса, бошқа томонлама, Худо уч қиёфада намоён бўлиши билдирилган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин:

Худо А да ягона; Б да уч қиёфада.

Агар А ва Б бир-бирларига қарама-қарши бўлишганида, таъриф чиндан ҳам зиддиятли бўларди. Б, агарда, А ни рад этса, ўз навбатида, Б аслида А эмаслиги келиб чиқади. Ушбу ҳолатда таъриф мана бундай кўринишда бўлади:

Худо А да ягона; Худо А да уч қиёфага эга эмас.

Хаттоки бу фикр адолатли бўлса ҳам (аслида эса ундай эмас), таъриф қарама-қаршилик тусини олмайди. Агар моҳият ёки бирор нарса тўртта параметрга эга бўлса, биз унинг А да ягона эканини, шунингдек А бўлмаган жойда ҳам учта хусусиятга эга эканлигини айтишимиз мумкин. Буни исботлаш учун қарама-қаршилик қонуни (баъзан у нозиддият қонуни деб ҳам аталади) таърифидан фойдаланамиз. Қонун таъкидлайди:

А бир вақтнинг ўзида ва ўша битта ўзаро муносабатлар тизимида А-эмас бўлолмайди.

Бу нимадир нарса бир вақтнинг ўзида ягона ва ўша муносабатлар тизимида ўз ҳолида қолиши мумкин эмаслигини англатади. Бунга мисол келтиришимга изн беринг.

Мен эркакман. Менга бир вақтнинг ўзида эркаклигим юзасидан бир қанча фикрларни билдириш мумкин. Мен – ота, ўғил ва эр. Бу учта турли хил функциялар бир вақтнинг ўзида мавжуд, аммо битта ва ўша муносабатлар тизимида эмас. Мен бир вақтнинг ўзида ота ва ўғил бўлишим мумкин, бироқ бир хил муносабатлар тизимида эмас. Ўғлимнинг отаси сифатида ва отамнинг ўғли сифатида мен ўзимнинг отам бўлиб қололмайман. Ўзининг отаси ёки ўзининг ўғли бўлиб қолишнинг иложи йўқ.

Келинг, Учликнинг таърифига қайта қолайлик. Агар биз Худонинг моҳиятан ягона эканлигини айтиб, сўнгра Худо моҳиятан учлик эканини кўшиб қўйсак, бизда бемаъни қарама-қаршиликлар юзага келмаган бўларди.

Ҳеч нима бир вақтнинг ўзида битта муносабатлар тизимида ягона ва кўплик бўлолмайди. Шу боис, агар биз Худо уч қиёфада намоён бўлиб, бир вақтнинг ўзида ягона қиёфада эканлигини уқтирганимизда, бу ўринда ҳам зиддият яққол кўринган бўларди.

Бироқ Учликнинг таърифи бундай нарсалар билан тасдиқланмайди. Айтилишича, Худо бирида ягона (моҳият) ва бошқасида учликдир (шахс). Агар моҳият ва шахсият – иккаласи ҳам бир эканлиги исбот қилинмаса, таъриф қарама-қаршиликка эга бўлмайди.

Моҳият ва шахсият ўртасидаги фарқ Худо ҳақидаги фикрларда қарама-қаршилик бўлмаслиги учун жамоат томонидан пухталиқ билан ўйлаб топилган.

Савол шундаки, моҳият ва шахсият ўртасидаги фарқ қанчалик муҳим? Эҳтимол, бу чинакамига эмас, балки оғзаки тафовутни белгилайдиган шунчаки сўз ўйинидир?

Биз кейинги бобда мана шу масалани тадқиқ этамиз. Шунга кўра хулоса қиламизки, агар моҳият ва шахсият ўртасида фарқлар чиндан ҳам

мавжуд бўлса, бу ҳолда Учлик таърифи бир-бирига зид эмас ва уни ақл билан англаш мумкин. Бу эса мантиқан асосланган бўлиб, Муқаддас Китобга ҳам мувофиқ келади.

ТЎРТИНЧИ БОБ **МОҲИЯТ ВА ШАХСИЯТ: УЧЛИК СИРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**

*Масихий бўлиш учун катта ақл талаб этилмайди,
аммо масихий бўлгач, бор ақлингни тўлиғича бахшида этасан.*
РИЧАРД РЕЙНС

Учлик тушунчаси учун ўта муҳим бўлган моҳият ва шахсият ўртасидаги фарқни таҳлил қилишга киришишдан аввал ушбу сирнинг хусусиятини муҳокама қилиб олиш зарур.

Демак, Худони ақл билан англаш мумкин, деган хулосага келдик. У изчил ва зиддиятли эмас. Унинг Каломи мақсадга мувофиқ. Бироқ бу масихийлик сирлардан холи эканлигини англатмайди.

Бошқача айтганда, одамлар кўпинча аралаштириб юборадиган учта тушунчани чегаралаб қўйган бўлардим, улар: *қарама-қаршилик, парадокс (соғлом ақлга зид фикр) ва сир-синоат.*

Биз қарама-қаршилик нима эканлигини аниқлаб олдик, шу сабабдан қолган иккита тушунчани кўриб чиқамиз.

ПАРАДОКС

“Парадокс” ва “қарама-қаршилик” сўзларини баъзан синонимлар сифатида ишлатишади. Бироқ улар орасидаги муайян тафовутларни сўзларининг келиб чиқишига қараб ўрганиб чиқиш мумкин. “Парадокс” сўзи қўшимча ва туб сўздан иборат. *Пара-* қўшимчаси “...нинг ёнида” демакдир. Биз кўмакчи йўналишдаги мутахассисларни ёдимизга келтирайлик (мисол учун, парапсихологларни), бунда *пара-* деганда, асосий нарсалар ёнида ишлайдиган одамлар назарда тутилади. “Парадокс” сўзига кўпроқ мос хусусият унинг туб сўзида жойлашган. *Докс* сўзи юнонча *dokein* сўзидан келиб чиққан бўлиб, “ўйламоқ”, “туюлмоқ” ёки “пайдо бўлмоқ” маъносини билдиради. Парадокс – бу қандайдир ҳодисага ҳамроҳлик қиладиган тушунча бўлиб, уни зоҳирий ўхшашлик асосида қабул қилишади. Парадокс қарама-қаршиликка ўхшаш бўлиб *туюлади*, аммо бу қарама-қаршилик эмас.

Парадокс қарама-қаршиликка шу қадар ўхшаб кетадики, уни кўпинча айнан қарама-қаршилик сифатида қабул қилишади. Учлик таърифи – бу доҳиёна парадокс. Биринчи қарашда у зиддиятлидек бўлиб тублади, лекин яқиндан қаралганда бундай эмаслиги маълум бўлиб қолади.

Чарлз Диккенснинг “Икки шаҳар ҳақида қисса”даги дастлабки сатрлар ёдингиздами? Диккенс самарали адабий усул сифатида парадоксни маҳорат билан қўллаган:

Бу жуда яхши даврлар эди, бу жуда ёмон даврлар эди.

Давр қандай қилиб бир вақтнинг ўзида ҳам яхши, ҳам ёмон бўлиши мумкин? Фақат уларга иккита турли муносабатлар тизимидан қаралсагина, албатта. Диккенс тасвирлаган вақт, бир тарафдан, қаҳрамоннинг ҳаётидаги энг яхши давр бўлган, бошқа томонлама эса, тарихнинг кўпроқ можароли палласига тўғри келган. Айримларда саноат ишлаб чиқарилишидаги қизгин ривожланиш билан боғлиқ ҳолда катта бойлик тўплаш имконияти туғилган. Бошқалар учун эса бу ёмон даврни, яъни тобора қашшоқланишни ва азоб-укубатлар кўпайишини англатган.

Парадокс ва қарама-қаршилик ўртасидаги тафовут учинчи бир сўзнинг пайдо бўлиши билан янада камроқ кўзга ташланади. Бу “*антиномия*” сўзидир. *Антиномия* “қонунга қарама-қарши” (*anti-nomos*) ниманидир англатади. Дастлаб “*антиномия*” сўзи “қарама-қаршилик” сўзининг синоними тариқасида ишлатилган.

Тил ривожланиб, айрим ўзгаришларга учрагани сайин, *антиномия* сўзини “парадокс” сўзининг синоними сифатида ишлата бошладилар. Бу сўз Буюк Британияда кўпроқ қўлланилган. Энди мен “*антиномия*” сўзини эшитганимда, қарама-қаршиликми ёки парадокс – нима назарда тутилаётганига тўлиқ ишона олмайман.

Масиҳийлик тафаккурида мантикқа тўғри келмайдиганлари талайгина. Исо – ҳам одам, ҳам бир вақтнинг ўзида Худо. Муқаддас Китобда биз кул бўлганимиздагина, озод бўлишимиз мумкинлиги айтилган. Бу тушуниш кийин бўлган парадокслар, аммо ҳеч қандай ҳолатда ҳам зиддиятли эмас.

СИР-СИНОАТ

“*Сир-синоат*” сўзи аввало бизга номаълум бўлган нимадандир дарак беради. Агар нимадир махфийликка бурканган бўлса, бу унинг ҳали ҳақиқат эмаслигини англатмайди. Эҳтимол, биз кўшимча маълумот олиб, ҳозир биздан яширин ниманидир билиб оламиз. Муқаддас Китобда айтилган:

Шу сингари, биз ҳозир хира ойна орқали кўргандай бўляпмиз, аммо вақти келганда аниқ кўрамиз. Ҳозир билганларим тўлиқ эмас. Ўша пайтда эса Худо мени тўлиқ билгани каби мен ҳам ҳамма нарсани тўлиқ тушунаман (1 Кор. 13:12).

Муқаддас Китоб бизга кўп сирларни очиб беради. Мисол учун, Павлус ёзади:

Мен сизларга бир сирни билдирмоқчиман: биз ҳаммамиз ҳам ўлмаймиз, аммо ҳаммамиз ўзгарамиз. Тўсатдан, кўз очиб юмгунча, охирзамон карнайи чалинганда ўзгарамиз (1 Кор. 15:51-52).

Яна Павлусни ўқиймиз:

Бу Хушхабар асрлару наслар давомида сир тутилган эди, энди эса у Худонинг азизларига ошкор қилинди. Худо барча халқлар ҳам Масиҳ орқали бой улугворликка етишишларини ҳаммамизга кўрсатишни истади. Бу

сирнинг моҳияти шудир: Масиҳ, яъни улугворликка етишиш умиди сизларнинг орангиздадир (Кол.1:26-27).

Худо айрим сирларни бизга очган. Бошқалари ҳануз гўё парда ортида яширин. Павлус никоҳдаги эркак ва аёлларнинг бирлиги ҳақида гапирганида қўшиб ўтади:

Бу буюк сирдир, энди бу сир Масиҳ ҳамда жамоатга ҳам тааллуқлидир (Эфес.5:32).

Яқинда кимдир менга шундай савол берди: “Нурни секундига 300000 км. тезликда ҳаракатланишга нима мажбур қилади?” Мен қотиб қолдим. Ҳойнаҳой, физиклар ёки астрономлар бу саволга жавоб беришлари мумкин. Менга нурнинг бундай тезлиги маълум, аммо нима учун айнан шундай тезликда ҳаракатланишини тушунтира олмайман. Файласуфлар ва олимлар минг йиллар мобайнида ҳаракат моҳиятини ўрганишади. Атрофимиздаги оламнинг қўплаб ҳодисалари биринчи қарашда ноаниқ бўлиб туюлади, шундай бўлсада тушунчамиздаги камчиликлар туфайли улар янада мавҳумроқ бўлиб қолмайди.

Сир-синоатни қўпинча тўлиқ муайян сабабга кўра қарама-қаршилик билан адаштириб қўйишади: униси ҳам, буниси ҳам тушунарсиз бўлиб туюлади. Фарқ шундаки, сир қўшимча маълумотлар орқали очикланади, қарама-қаршилик эса ҳеч қачон тушунарли бўлиб қолмайди. Биз қарама-қаршиликни қабул қилолмаймиз, негаки уни ўзига хос мантиқсизлик фарқлаб туради, мантиқсизлик эса ўз моҳиятига кўра ҳатто энг истеъдодли одам учун ҳам тушунчани инкор этади.

Масала Учликка бориб тақалганида, мен унинг бебаҳо сир эканлигини сўзсиз тан оламан. У биздан яширилган, негаки биргина моҳият қандай қилиб уч шахсни ўзида акс эттиришини тушунишимиз қийин. Биз битта моҳият биргина шахсга ўхшашлиги ҳақида фикрлашга кўникдик. Бизга маълумки, ҳар қандай шахс – бу алоҳида моҳият. Бироқ кўникмамиздаги битта шахснинг битта моҳият билан ўхшашлиги ҳали моҳиятнинг мутлоқ тушунчаси бу каби чекловларни талаб қилишини англабмайди.

Биз Масиҳнинг шахсини англашга уринганимизда, ана шундай сир билан тўқнашамиз. Масиҳ, жамоат таърифига кўра, иккита табиатга эга: инсоний ва илоҳий. Бу тағин биз кўникиб қолган доирага жойлаша олмайди. Бир шахснинг икки хил табиатга эга эканлиги ҳақидаги фикр тажрибаларимиз билан тасдиқланмайди. Аммо бир шахснинг икки хил табиатга эга бўлолмаслиги ҳақидаги мантиқ қонуни мавжуд эмас.

Таълимотни бидъатдан ҳимоя қилиш истаги жамоатни Учлик тушунчасини таърифлашга ундади. Бир томонлама, жамоат политеизмнинг (кўп худоликнинг) бир тури бўлган тритеизмга (уч худонинг мавжудлиги ҳақидаги ғояга) қарши туриши керак бўлса, бошқа томонлама, Масиҳни ва Муқаддас Рухнинг илоҳийлигини инкор этадиган ҳар қандай унитаризмдан (бир худоликдан) сақланмоғи керак эди.

451 йилда Халкидон соборида жамоат зарурий мезонларни ишлаб чиқди. Жамоат Исони *vere homo* (ҳақиқий одам) ва *vere deus* (ҳақиқий Худо) деб эълон қилиб, Масихнинг тўлиқ илоҳийлигини рад этадиганлар ва Унинг асл инсоний табиатини инкор қиладиганлар ўртасида ягона тўғри йўналишни белгилади.

Семинариядаги сабоқларим даврида илоҳиёт ўқитувчиси (сўнгра у Йельс диний мактабида декан бўлди) кунлардан бирида шундай танбех берганди: “Жаноблар, агар сиз Халкидон доирасидан чиқишни истасангиз, бидъатлардан бирини танлашингизга тўғри келади”.

МОҲИЯТ ВА ШАХСИЯТ

Биз Учлик ҳақидаги суҳбатимизда моҳият ва шахсият ўртасидаги фарқни бир неча бора таъкидлаб ўтдик. Хўш, бу сўз қаёқдан пайдо бўлди? Биз Худо ҳақида суҳбат қилганимизда, уларни қандай тушунишимиз керак?

Биз Худонинг моҳияти ҳақида гапирганимизда, юнон фалсафасидаги тафаккур – *ибтидо* тушунчасини ишлатамиз. Айрим илоҳиёт мутахассислари ушбу тушунчанинг ишлатилишига қаршилиқ билдиришади. Аввал айтиб ўтганимиздек, уларнинг фикрича, мажусийлар фалсафаси шу тариқа яҳудийлар ғоясининг тозаллигини бузади.

Шундай тасаввур пайдо бўладики, юнон тилининг ишлатилиши масаласи айрим илоҳиётчиларни Муқаддас Рухнинг Ўзидан ҳам кўра кўпроқ безовта қилади. Муқаддас Рух юнон тилининг имкониятларидан Янги Аҳд ваҳийсини маълум қилиш учун мамнуният билан фойдаланади. Янги Аҳднинг юнонча луғатида биз “ибтидо” маъносини англатадиган *ousia* сўзининг турли кўринишларини тез-тез учратиб қоламиз. Бу «бўлмоқ» сўзидан ҳосил бўлиб, феълдан ясалган от ҳисобланади.

Ибтидо тушунчаси инглиз тилида муҳим ўрин тутати. Қизиқ, “бўлмоқ” феълининг бирор-бир шаклини ишлатмаган ҳолда, қанчалик узоқ гапиришингиз ёки ёзишингиз мумкин. *Am, is, are, were, was* ва *shall* каби сўзлар – барчаси ибтидо тушунчаси билан боғлиқ. Ибтидо нимаики мавжуд бўлса, барча-барчасига тегишли. Қадимги юнон файласуфи Парменид ибтидо ҳақидаги фикрини чуқур маъно билан ифода этган: “Ибтидо мавжуд”.

Биз ибтидо ҳақида ёки Худонинг моҳияти ҳақида гапирганимизда, Худонинг Қандай эканлиги ҳақида гапирамиз. Худо Ўзининг хусусиятлари орқали очилиши ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. У – ягона моҳият. Унда бир-бирини тўлдириб, Унинг ибтидони ташкил этадиган кўшимча қисмлар йўқ. Худо алоҳида қисмларга ажралмаган. У моҳиятан ягона. Мана нима учун жамоат Худонинг уч қиёфаси битта моҳиятга эга эканлигини таъкидлайди. Худонинг Кўплик Шахси Унинг моҳиятан ягона эканлигини рад этмайди. Учликни Худони уч қисмдан иборат дея қабул қилиш – бу Худонинг бирлиги ҳақидаги тушунчани барбод қиладиган тритеизм. Жамоат бор кучи билан бутунликни, Муқаддас Китобда келтирилган якка худоликни сақлашга ҳаракат қилган.

Жамоат Худонинг уч Шахси ҳақидаги муҳокамаларда Муқаддас Китобга таянади. Муқаддас Китобда бу масалада муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча парчалар берилган.

ЮХАННО БАЁН ЭТГАН ХУШХАБАРНИНГ МУҚАДДИМАСИ

Масиҳийлик тарихидаги дастлабки уч юз йил мобайнида Юҳанно баён этган Хушхабар (Юҳанно 1:1-8) жамоат Масиҳнинг табиати ҳақида фикр юритиши учун асос бўлган. Юҳанно Масиҳга нисбатан ишлатган Логос (Калом) тушунчаси илоҳиётчиларнинг ақлини асир этган. Унда Янги Аҳднинг Исо ҳақидаги янада мавҳум ва эҳтимол, энг теран таълимоти берилган.

Юҳанно баён этган Хушхабар шундай сўзлар билан бошланади:

Азалда Калом бор эди. Калом Худо билан бирга эди, Калом Худо эди. Азалда У Худо билан бирга эди (Юҳанно 1:1-2).

Юҳаннонинг бу оятларида Калом (юнонча Logos) ҳақидаги ғаройиб фикрлар мавжуд. Биринчиси шундан иборатки, Калом “азалда” бор эди. Сўнгра эса Калом - Ижоднинг ҳаракатдаги кучи эканлиги ҳақида ўқиймиз. “Азалда” яратилиш даврига тааллуқли ва Калом олам яратилишидан аввал ҳам мавжуд бўлганидан дарак беради. Бу Логос ибтидосининг борлиқ яратилгунича бўлганини англатади. Илоҳиётчилар Масиҳнинг “аввал ҳам мавжд бўлган”ини айтишганида, айнан шуни назарда тутишади. Жамоат Масиҳнинг мутлоқ илоҳийлигига риоя қилганида, У нафақат оламда яшаганини, балки абадий мавжудлигини таъкидлайди.

Мормонлар ва Иегова гувоҳлари Исонинг азалдан мавжуд бўлганини маъқуллашади, бироқ Унинг абадийлигини инкор этишади. Муқаддас Китобда Масиҳни “бутун борлиқнинг тўнғичидир” (Кол.1:15), “ягона Ўғил” деб аташгани боис, бу диний оқимлар Масиҳ Отанинг илк ижоди эканлиги ҳақидаги фикрларни олдинга суришади. Улар Исонинг олам яратилишидаги кейинги иштирокини тан олишади, холос. Юҳанно эса Логоснинг оламда шунчаки яшамаганини, балки Калом Худо билан бирга бўлганини айтган.

Бу фикр иккита муҳим нуқтаи назарга эга. Биринчиси: “*билан*” кўмакчисидан фойдаланиш. Юнон тилида инглизча “билан” кўмакчиси билан таржима қилиш мумкин бўлган учта сўз бор. Қўшимча сифатида ишлатиладиган *syn* сўзи бор (мисол учун, *synthesis* (синтез), *synagogue* (синагога), *synchronise* (синхрон равишда, яъни бир вақтда содир бўлиш). Биз соатларимизни бир вақтга тўғрилаганимизда, унинг ва эталон соати кўрсаткичларини бир-бирига бирлаштирамиз. *Synagogue* (синагога) сўзида одамлар бир-бирлари “билан” биргаликда бўлишлари учун йиғиладиган жойни кўрсатиш учун ўша қўшимчадан фойдаланилади.

Юнонча иккинчи сўз – *meta*. Бу сўз “унинг ёнида” маъносини англатади. Мен хотиним билан кўчада сайр қилганимда, унинг қўлидан ушлайман, яъни *meta* маъносида “унинг ёнида” бўламан.

Шу учала сўз орасидаги энг кўпроқ интим аҳамият учинчи сўзда мавжуд. Бу юнонча қисқагина кўмакчи сўз *pros* – кенг қўлланиладиган

юнонча *prosopon* сўзи бўлиб, “қиёфа” деганидир. *Pros* ким биландир яқин муносабатда бўлишни англатади. Юҳанно ундан кўшимча сифатида фойдаланади. Ҳаворий Логос азалда “Худо билан” бўлганини эълон қилганида, у Логоснинг Худо билан уйғун, қалин ва яқин муносабатларда бўлганини билдиради.

Иккинчидан, Юҳанно бу фикри билан Логоснинг Худодан фарқланишини таъкидлайди. Биз бу асосий далил шарофати билан Худодаги учта турли қиёфа ҳақида гапиришимиз мумкин: Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух ҳақида. Юҳанно Хушхабари – бундай даъвонинг намунаси.

Бироқ Юҳаннонинг айнан учинчи жумласи этиборимизни кўпроқ ўзига тортади. Бу жумла “Калом Худо билан бирга эди” сўзлари билан якунланмайди, балки “Калом Худо эди” сўзлари билан давом этади.

Янги Аҳдда бу Масихнинг илоҳий табиатига берилган энг аниқ-равшан фикрдир. Юҳанно аввалги парчада Логос ва Худонинг ўртасидаги фарқни кўрсатган, энди эса уларнинг ўхшашлигини эълон қилмоқда. У “бўлмоқ” феълини қўллаб, Логоснинг ибтидоси ва Худонинг ибтидосини бир-бирига ўхшатади.

Айнан шу боис, жамоат Муқаддас Китобга содиқ қолган ҳолда, Учликнинг барча аъзолари ибтидо бирлигини эълон қилди. Муқаддас Китобда Логоснинг ва Худонинг ибтидоси ўхшашлиги очиқ-равшан эълон қилинади. Иккаласи ибтидода ёки моҳиятда ҳам ҳамжиҳатликдадир.

Аммо барибир Логос ва Худо ўртасидаги фарқни унутмаслик зарур. Биз Юҳаннони диққат билан тинглаб, иккита ҳолатга ажратамиз: 1. Биз Логос ва Худонинг бирлиги ҳақидаги тушунчани асрашимиз керак. 2. Биз Логос ва Худо ўртасидаги фарқни уларнинг моҳиятан ягона эканлиги ҳақидаги тушунчага зарар келтирмаган ҳолда қарашимиз керак. Уларнинг бир-биридан фарқи моҳиятларини бўлиб ташламайди.

Мормонлар ва Иегова гувоҳлари Хушхабар матнларига асосланган аниқ хулосалардан қочиш учун ақл бовар қилмас сўз ўйинини қўллашади. Улар ўз нуқтаи назарларини асослаш учун матни бузиб талқин этишади. Мисол учун, Иегова гувоҳлари ушбу парчани қуйидагича таржима қилишади:

Ва Калом худо бўлди.*

*Инглизча матнда – a god, “худолардан бири”, бу эса артикль ноаниқ берилганини кўрсатади (артикль – отларнинг қайси родга мансублигини, аниқлиги ёки ноаниқлигини кўрсатувчи юклама).

Иегова гувоҳларининг изоҳи тилшунослик нуқтаи назаридан нотўғри. Мазкур матнда белгиланган артикль пастга туширилган, зеро юнон тилида ноаниқ артикль мавжуд эмас.

Агар асл нусхада от аниқ артиклга эга бўлмаса, инглиз тилида контекст учун зарур бўлганида, *a* ноаниқ артиклини қўйиш мумкин. Контекст бундай кўшимчани таъқиқлайдиган ҳолатлар ҳам бўлади – биздаги ҳозирги ҳолат айнан ана шундай. Мормонлар ва Иегова гувоҳлари бу ерда ноаниқ *a* артиклини қўйишганида, улар политеизмнинг энг қуйи даражасигача тойиб кетишади. Агар Логос – “Худо “ эмас, балки “худолардан бири” бўлса, биз

савол беришимиз керак: хўш, бу ерда қанча худолар бор? Бироқ Юҳанно Хушхабарининг муаллифи ҳақида билганимиз шуки, у қатъий монотеист бўлган!

Кўпчилик мормонлар ва Иегова гувоҳлари Хушхабарнинг анча нозик жойларини танқид остига олишади, яъни бунда яҳудийлар мунозара вақтида Исони ёмон сўзлар билан айблашганида, Унинг унчалик ҳам аниқ тарзда йўлланмаган сўзларига эътиборни қаратмоқчи бўладилар:

– Хайрли ишингиз учун эмас, куфрлигингиз учун Сизни тошбўрон қилмоқчимиз. Сиз одам бўла туриб, Ўзингизни Худо деяпсиз!

Исо шундай жавоб қайтарди:

– Сизлар ўзингиз доим ўқийдиган Муқаддас Битикларда: “Айтдимки, ҳаммангиз худоларсиз”, деб ёзилган эмасми?! Ўзларингиз биласизлар: Муқаддас битикларни ўзгартириб бўлмайди. Худонинг каломини олган одамлар “худолар” деб аталган-ку! Мени эса Отам Ўзи учун ажратиб олиб, дунёга юборган. Мен “Худонинг Ўғлиман” деганим учун куфрлик қилган бўламанми?! Агар Мен Отамнинг ишларини қилмаётган бўлсам, Менга ишонмай қўя қолинглар. Борди-ю, Унинг ишларини қилаётган бўлсам, Менга ишонмасангиз ҳам, қилаётган ишларимга ишонинглар. Шунда Ота Менда ва Мен Отада эканимни билиб, англаб оласизлар. (Юҳанно 10:33-38).

Мормонлар ва Иегова гувоҳлари Юҳанно Хушхабарининг 1-боб 1-оятида берилган “Калом Худо бўлди” парчасининг таржимасини оқлаш учун ана шу матнга мурожаат қилишади. Бу ўринда Исо Забур Китобининг 81-саносидаги “аммо оддий одамдай ўлиб кетасиз” оятига эътибор қаратмоқчи бўлган. Шу боис мормонлар ва Иегова гувоҳлари Юҳанно Логосни худолардан бири деб эълон қилганини ва Логос – чиндан ҳам Худо эканлигини аввалдан ўз олдига мақсад қилиб қўймаганини таъкидлашади.

Бироқ Юҳанно Хушхабарининг 10-бобига янада диққат билан қараганимизда, матнда Исонинг илоҳийлиги тасдиқланганини кўрамиз. Яҳудийлар Уни шаккокликда, куфрликда ва Ўзини Худонинг Ўғли деб эълон қилганликда айблашганида, Исонинг илоҳий табиати тўлиқ намоён бўлади. Нега «Сиз одам бўла туриб, Ўзингизни Худо деяпсиз»? Яъни яҳудийлар мормонлар ва Иегова гувоҳлари англамаган далилни ниҳоят тушуниб етишди: Исо амалда Ўзини Худо деб эълон қилган.

Исонинг жавобидаги нозик ишорани У баҳслар давомида қўллаган усулнинг талқини сифатида қабул қилиш керак. Бу *ad hominem* усули билан далил келтиришнинг ажойиб намунасидир. Айримлар “мухолиф ҳақ” деган нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, *ad hominem* сўзини қўллаб баҳс юритишади. Яъни мухолифга далилининг мавҳумлигини кўрсатиб, бу сўзни мантиқий яқунга олиб келиш учун мухолиф тутган йўлни вақтинча қабул қилишади. (Баъзан бу усулни *reduction ad absurdum* – мавҳумликкача олиб бориш деб аташади.)

Мормонлар ва Иегова гувоҳлари Исо айтган сўзни тахминан шундай талқин қилишади: “Мен Ўзимни Худонинг Ўғли деб атаганим учун, сизлар мени шаккокликда айблаяпсизларми? Бироқ Забурчи нимани назарда тутган

бўлса, Мен ҳам шуни айтяпман. Менинг илоҳийлигим Қадимги Аҳд “худолари” деб аталганларнинг табарруклигидан ортиқ эмас”.

Юҳанно Хушхабарининг 10-бобининг бундай талқинида Исо шаккокликда айбланишдан қутулиб қолган бўларди, чунки “худо” сўзи бунда ўз келиб чиқишига кўра тўғридан-тўғри Худони англатмайди.

Бироқ бу мунозарада Исо мутлақо бошқа йўл тутган. Унинг айтганлари кўпроқ мана бу мазмунга эга: “Агар Забурчининг, “хаммангиз худоларсиз, Худойи Таолонинг ўғилларисиз” (Забур 81:6) деб айтганлари шаккоклик бўлмаса, Отадан туғилган Ўғилни Худо деб аташ асло мункирлик бўлмайди. Агар шаккоклик қилмай туриб, Исроилнинг барча болаларини Худонинг фарзандлари деб аташ мумкин бўлган бўлса, Худонинг ягона Ўғлини Худо деб аташ қандай қилиб мункирлик бўлиши мумкин?”

Исо ана шу парчада Ота Уни оламга юборганини айтади ва сўнгра Ота билан Ўзининг бирлигини эълон қилади: “Ота менда ва Мен Отада”.

Биз Юҳанно Хушхабарининг 1-боб 1-оятига қайтиб, “Калом Худо эди” таржимасини инкор этадиган бошқа сабабни кўрамиз. Агар мормонлар ва Иегова гувоҳлари нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу ҳолатда Юҳаннони барчасини бутунлай адаштириб юборишда айблаш мумкин. Ҳар қандай мунозара ва муҳокамаларда агар дастлабки мазмун *ўзгартирилган* бўлса, сўзни кўп маънода қабул қилиш таваккали мавжуд бўлади. Юҳанно ёзади:

Азалда Калом бор эди.

Калом Худо билан бирга эди,

Калом Худо эди.

Юҳаннонинг кейинги фикрларида Худо сўзи артикль борлигига қарамай ўз маъносини сақлаб қолишда давом этади.

Агар дастлаб “Худо” сўзи Худонинг Ўзини англатган бўлса, сўзнинг маъноси иккинчи жумлада ҳам ўзгармай қолаверади. Мормонлар ва Иегова гувоҳларининг далилларига амал қилган ҳолда, биз “Худо” сўзини битта гапда бир қанча маънолар билан ишлатишимиз керак.

Яна бир гап. Юҳанно олдинги жумлани давом эттирган ҳолда, барчаси Логос орқали яратилганини эълон қилади. Бу ўринда Юҳанно Логосни ва Яратувчи-Худони бир-бирига тенглаштираётганига заррача ҳам шубҳа қолмайди.

Хуллас, Юҳанно Хушхабарининг 1-боб 1-ояти бизга бир тарафлама Логос ва Худо ўртасидаги муайян фарқни кўрсатса, бошқа томонлама, уларнинг ўхшаш эканлигини кўрсатиши ҳақида хулоса қиламиз.

ИБРОНИЙЛАРГА МАКТУБДА ШАХС ТУШУНЧАСИ

Ибронийларга мактуб бизнинг эътиборимизни Учликда Худо Шахсиятларининг моҳиятан бир эканликларини англаган ҳолда, уларни фарқлаш кераклигига қаратади. Мактуб муаллифи ёзади:

Худо қадимда ота-боболаримизга кўп марта ва турли тарзда пайғамбарлар орқали гапирган эди. Бу охириги кунларда эса У бизга Ўз Ўғли

орқали гапирди. Худо коинотни Ўғли орқали яратган ва Уни бутун борлиқнинг вориси қилиб тайин этган. Ўғил - Худо шухратининг порлаши, Худо борлигининг аниқ суратидир. У Ўзининг қудратли каломи билан коинотни асраб турибди. У Ўз жонини фидо қилиб, бизни гуноҳлардан поклади, сўнг самода Улуғвор Худонинг ўнг томонида ўтирди (Ибронийлар 1:1-3).

Павлус бу ўринда Масихни “Худо шухратининг порлаши, Худо борлигининг аниқ суратидир” дея тасвирлайди. Биз Ота ва бу суратда тасвирланган Зот ўртасидаги фарқни кўрамиз. Жан Кальвин ушбу матнни шундай изоҳлайди:

Ҳаворий Худо Ўғлини “Худо борлигининг аниқ суратидир” (Ибр.1:3) деб атаганида, у муайян даражада Ота ва Ўғилнинг мавжудлигини тасдиқлайди (“Масихийлик эътиқодидаги панд-ўғитлар”, 1/ХН/2).

ШАХСИЯТ, МАВЖУДЛИК ВА ҚИЁФАЛАР

Кальвиннинг иқтибосидан кўриниб турибдики, у биз илоҳиёт тилида кам учрайдиган махсус термин - *мавжудлик* сўзини қўллайди.

Инглиз тилида бир-бири билан қалин боғланган ва айни вақтда маъно жиҳатидан баъзан фарқ қиладиган учта сўз бор: моҳият (*essence*), ибтидо (*existence*) ва мавжудлик (*subsistence*).

Менга кўпроқ шундай савол бериб туришади: экзистенциализм нима ўзи? Ҳар бир киши “экзистенциализм” сўзини эшитган ва кўпчилик одамлар, гарчи ғира-шира бўлсада, бу ҳақда тасаввурга эга. Экзистенциализмнинг адабиётда, драмада, кинода ва санъатнинг бошқа турларида акс этган оқимлари мавжуд.

Йигирманчи асрда экзистенциализмнинг бош даъватчиси 1980 йилда вафот этган француз адиби Жан Поль Сартр бўлган. Сартр – экзистенциализмнинг ўзига хос шиорига айланган машҳур иборанинг муаллифи: “Мавжудлик моҳиятни бошлаб беради”. Ушбу жумланинг фалсафий мазмунини таҳлил қилиб кўрайлик. Мавзумиздан келиб чиққан ҳолда биз учун мавжудлик ва моҳият, ибтидо ва мазмун ўртасидаги кескин фарқланиш биз учун қизиқарлироқ нуқтаи назар бўлади.

Биз одатий нуқтимизда “*мавжудлик*” сўзини “*ибтидо*” сўзи билан ўзгартирган ҳолда қўллаб турамыз. Биз одамларнинг мавжудлиги ва Худонинг ибтидоси ҳақида, одамлар ва Худо – моҳият эканлиги ҳақида гапирамиз. Биз Худонинг ибтидосини ва одамларнинг мавжудлигини фарқлаймиз: ўзимизга одамга қарагандек муносабатда бўламиз, Худони эса Олий Моҳият сифатида англаймиз ва бу билан Худони биз яратилганлар билан таққослаганда юқори даражага кўтарамиз. Биз – бошқаларга боғланган, одамлардан туғилган, ўзгарувчан ва ўлимга маҳкум одамлармиз. Бир сўз билан айтганда – яратилмаган Худодан фарқли равишда биз яратилган ижодмиз. У яратилмаган, бошқага боғланмаган, туғилмаган, абадий ва барқарор. Аммо У – моҳият.

Биз Худо “мавжудлиги”ни таъкидлаб, Унинг амалий ва ҳақиқий хузурини назарда тутамиз. Шундай бўлсада, айрим алоҳида мазмунда худонинг мавжудлиги ҳақида гапириш ўринли эмас.

Бу бир қадар кутилмаган гапдек эшитилади. Мен Худонинг мавжудлиги ҳақиқийлигини асло савол остига қўймоқчи эмасман. Аммо Худонинг ибтидоси оддий “мавжудлик”дан юқори туради.

Exist (бўлмоқ) сўзи латинчадан келиб чиққан бўлиб, сўзма-сўз “ташқарида турмоқ” (*ex* – “ташқарида”, *sistere* – “турмоқ”) маъносини англатади. Хўш, мавжуд нарсанинг “ташқарида турмоқ”лигининг маъноси нима? Дастлабки тушунча шундай эди: бўлмоқ – мавжудликдан ташқарида турмоқ. Бу мавжудликдан ташқарида *барқарор* туришни англатмайди. Агар биз доимо мавжудликдан ташқарида бўлганимизда, бу ҳаётга келмаган бўлардик.

“Ташқарида бўлмоқ” мавжудлик бир оёғи билан ибтидода, иккинчиси билан эса йўқликда бўлишни англатади. Бу нозик фарқнинг маъноси – ўзгарувчан ва ўлимга маҳкум яратилган моҳиятнинг “қуёш остидаги жой”да озод бўлишидир. Бизнинг ибтидомиз *покиза* ибтидо эмас, чунки у бир вақтнинг ўзида шаклланади. Биз доимо ўзгариб борган ҳолда ва потенциал тарзда мавжудмиз. Худо ўзгармайди. Унда потенциал мавжудлик йўқ. У – покиза мавжудлик ва ҳамиша Ўзига монанд. У Мусога айтган: “Мен ҳар доим бор бўлган Худоман”.

Демак, вазият таранглашади (у худди етарли даражада таранглашмагандек гўё). “*Мавжудлик*” сўзи бир қанча бошқача нозик фарқловчи хусусиятларга эга. *Subsist* (мавжуд бўлмоқ) сўзи айнан ниманингдир “тагида турмоқ” маъносини англатади. Илоҳиётда бу сўз орқали ибтидодан *ташқарида* эмас, балки ибтидо *остида* туриш маъноси тушунилади.

Жан Кальвин бошқа илоҳиётчилар Учликнинг Шахсиятлари ҳақида гапиришганида, улар Учликда *битта моҳият (ибтидо)* ва *учта мавжудлик* борлигини назарда тутишади. Худонинг уч қиёфаси илоҳий моҳиятда мавжуддир.

Person (шахс) сўзи Учлик таърифида латинча *persona* (ниқоб, зоҳирий қиёфа) сўзидан келиб чиққан. Бу *per* (орқали) ва *sono* илдиз ости қўшимчасининг бирикмаси ҳисобланади. Рим театрида актёрлар ниқоб орқали гапириб, роль ижро этганлар Ана шу ниқоб *persona* сўзи билан ифодаланган. Биз барчамиз ниқоб-тимсолларни кўрганмиз: комедиялар учун – хушчақчақ қиёфали, трагедиялар учун – қайғули қиёфали.

Илоҳиётда *persona* сўзидан фойдаланиш бу сўзнинг дунёвий театрға тегишли бўлганлиги боис қизғин баҳс-мунозараларни келтириб чиқарган. Биз Янги Аҳдда латинчага *persona* дея таржима қилинган юнонча *hypostasis* сўзини учратамиз. Шу боис биз Учлик ҳақида гапирганимизда, “Худо тимсолларининг иттифоқи”ни назарда тутамиз.

Кальвин Ибронийларга Мактубнинг 1-бобини изоҳлаб, шундай ёзган:

Чунки Худонинг оддий ва ажралмас моҳияти ўзида бўлинишсиз ва камайишларсиз яхлит мукамалликни жамлайди, буни ҳатто Унинг

тимсолининг ифодаси (амалдаги тимсоли) деб аташ ҳам ўринсиз. Бироқ Ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиб турадиган Худо Ўғлида тўлиқ намоён бўлганидан келиб чиқадиган бўлсак, У Ўғлида Ўз тимсолини акс эттирганини ҳақли маънода фараз қилиш мумкин (ўша китоб, 1/13/2).

Масих “Худо шухратининг порлаши, Худо борлигининг аниқ сурати” сифатида намоён бўлган Ибронийларга мактубга таянган ҳолда, Кальвин куйидагиларни таъкидлайди:

Ҳаворийнинг сўзларидан одилона келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бу ўринда Ўғилда нур сочаётган Отанинг (тимсолнинг) мавжудлиги назарда тутилмоқда. Ўз навбатида, ана шу асосга кўра, Отадан фарқланиб турадиган Ўғилнинг (тимсолнинг) мавжудлиги ҳақида осонгина хулоса чиқариш мумкин. Бу Муқаддас Рухга ҳам тааллуқли: чунки Унинг Отадан алоҳида мавжудликка эга эканлигини исботлаш қийин эмас. Буларнинг барчаси моҳиятнинг бўлиниши эмас, ваҳоланки уни кўпинча хато қабул қилишади. Биз ҳаворийнинг гувоҳлигига ишонган ҳолда, Худонинг уч шахсияти (қийёфаси) борлигини англаймиз. Латин тилида гапирадиганлар person сўзини юнончада hypostasis маъносини билдирадиган ўша тушунчани ифода этиш учун қўллашган: бу сўз ҳақидаги ортиқча баҳс-мунозара, негаки унинг аниқроқ таржимаси “мавжудлик” бўлади (ўша китоб, 1/12/2).

Демак, масихийлик жамоати Учбирликдаги Худога имон келтирган ҳолда, битта моҳият (учта эмас) ўзида учта турлича Илоҳий Шахсларни акс эттиришини назарда тутди. Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номлари Худонинг моҳиятан бўлинганини эмас, балки Худонинг шахсий тафовутларини кўрсатади.

Умид қиламанки, ўқувчилар бу хулосани ёдларида сақлаб қолишади. Муқаддас Рух ҳақидаги масалани муҳокама қилиш учун бунинг аҳамияти жуда муҳим. Аксарият имонлилар дин мавзусини илоҳиёт мутахассисларига ҳавола этиб, масихийлик ҳаёти билан яшаб юриш имкониятидан мамнун бўлишади. Бироқ илоҳиёт сабоқларининг асрлар мобайнида ривожланиши ҳалол масихийлик ҳаёти тўғри имоннинг мустаҳкам пойдеворисиз иложсиз эканини яққол кўрсатиб берди. Оддий масихий учун семинарияда илоҳиётнинг нозик жиҳатларини ўқиб-ўрганишга асло ҳожат йўқ, бироқ унинг имони ўзи сажда қиладиган Худонинг табиатини тушунишга тақалади. (Тахмин қилинишича, биз Худони бутун онгимиз билан севамиримиз.) Баъзан бу тушунча Худонинг марҳаматига эҳтиёж сезганида, чин юракдан илтижо қилганида дарров келади: “Раббим! Мен гуноҳкордан марҳаматингни дариф тутма”. Бироқ бошқа ҳолатларда онгининг жиддий меҳнати талаб қилинади. Худо ва Муқаддас Рух ҳақидаги кўплаб баҳсли фикрлар ва даъволарга ўралашиб қолмаслик учун, мулоҳаза юритишни билиш ўта муҳимдир.

Агар барчамиз Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух – битта Худо эканлиги ва айни вақтда Ўғилнинг Ота эмас, Рух эса Ўғил эмаслигини, аммо ҳар бирида Ўзининг ноёб борлиғи мавжудлигини тан олганимизда, биз Учлик ҳақидаги илоҳиётнинг ўзига хос фикр-мулоҳазаларига эҳтиёж сезмаган бўлардик.

Яратилиш ва покланиш ҳақида суҳбат олиб борганимизда, Худо шахсиятлари ўртасидаги *субординация* ҳақида эслатиб ўтишга тўғри келади. Гарчи Худонинг Ўғли абадий ва моҳиятан Ота билан бир бўлсада, Ўғил Отани эмас, балки Ота Ўғилни бу оламга *юборади*. Шунингдек, Каломда Ўғил Отадан туғилгани айтилган: Ота Ўғилдан туғилмаган.

Шу сингари, Муқаддас Рух ҳам юборилган ва Отадан ҳамда Ўғилдан ҳосил бўлган. Рух Ота ва Ўғилни юбормайди. Шунингдек, Ота ҳам, Ўғил ҳам Муқаддас Рухдан келиб чиқмаган. Гуноҳни ювиш амалида Ўғил Отага бўйсунди, шу боис Муқаддас Рух Отага ҳам, Ўғилга ҳам итоат қилади.

Бироқ гуноҳни ювиш амалида субординация қуйроқ даражани англатмайди. Ўғил ва Муқаддас Рух ибтидода, шон-шуҳратда, обрў-эътиборда, куч-қудрат ва аҳамиятда бир-бирлари билан ва Ота билан баробардирлар.

БЕШИНЧИ БОБ МУҚАДДАС РУХ ИЖОДДА

*Оламни буркаган Яратувчи Рух,
Барча итоатгўй юракларга кел;
Ўз қувончинг сочиб, шодликлар билан
Бутун инсониятга ором олиб кел.*

**ЛОТИНЧА МАДҲИЯ
VENI CREATOR SPIRITUS**

Коринфдаги жамоат ўз ичидаги келишмовчиликлар туфайли ташвишга тушганди. Одамлар Муқаддас Рух инъомларидан ва айниқса гапира олиш инъомидан ғаразлик билан фойдаланишар ҳамда нотўғри ишлатишарди. Юз бераётган ҳолатни ҳамма нарсага рухсат берувчи жўшқинлик дея таърифлаш мумкин.

Хаворий Павлус чўпонлик бошқаруви ва имонлиларни огоҳлантириш учун Коринф жамоатига камида иккита мактуб юборди. У Биринчи мактубининг учта бобида руҳий инъомлардан тегишли тартибда фойдаланиш масаласини ишлаб чиқди. Хаворий айтади:

Фақат ҳаммаси одоб ва тартиб билан қилинсин (14:40).

Мен анъанавий тарзда пресвитериан-ислохотчи деб аталадиганлар тоифасига мансубман. Пресвитерианнинг одатий кўриниши – бу ҳар қандай руҳий эркинликка бўлган кичик бир шамага ҳам қовоғини уядиган жиддий, бадқовок диндор. Бир латифа бу ҳолатни яхшигина тасвирлаб беради:

Ўзга сайёралик Ерга тушиб, учта жамоатни бориб кўрибди. Биттаси – методист, иккинчиси – баптист ва учинчиси – пресвитериан экан. У ўзининг бошлиқлари олдида қайтиб ҳисобот бераётганида айтибди: “Мен методист жамоатига кирганимда, эшитганим шу бўлди: “Олов! Олов!” Баптист жамоатида айтишди: “Сув! Сув!”. Пресвитериан жамоатида эса эшитганим фақат мана шу бўлди: “Тартиб! Тартиб!”

Баъзан Коринфликларга Биринчи мактубдаги бу оятни гўё пресвитерианлардан кимдир айтгандек таассурот уйғотади: “Фақат ҳаммаси одоб ва тартиб билан қилинсин”. Ҳойнаҳой, Коринфда жамоат ҳаёти қайнаб турган ва қатъий тартиб бўлмаган. Бироқ (бу тарихий далил) Коринф жамоати тартиб-интизом борасидаги масалалардан ташвишга тушганди. Вазият Павлуснинг мактубидан сўнг ҳам ўнгланмаган, шекилли. Кейинроқ Коринфга Рим епископи Климентнинг мактуби ҳам юборилган бўлиб, унда коринфликлардан Павлуснинг истакларига яна эътибор қаратиш ва бу истакларга бўйсунтириш илтижо қилиб сўралганди.

Павлус Коринфдаги бетартиб вазиятни қайд этиб, муҳим бир фикрни билдирган:

Ахир Худо тартибсизлик Худоси эмас, балки тинчлик Худосидир (1 Коринф.14:33).

Ҳаворийнинг фикри улкан илоҳий аҳамиятга эга. Павлус бу ташкилий қонидани ўрнатганида, нималар ҳақида ўйлаганини билиш бизга қизиқарли бўларди. Кўриниб турибдики, унинг даъвати барчасини одоб ва тартиб билан бажарилишга асосланган: тартибсизлик ва алғов-далғов Худонинг табиатига хос эмас. Тартибсизлик, алғов-далғов, дисгармония, чалкашлик У билан мувофиқ келмайди. Буларнинг барчаси Яратгувчидан эмас, балки тубанликка тушган моҳиятдан ҳосил бўлади.

Павлус қайси ишларда Худонинг муаллиф эканини, қайсиларини эса У яратмаганини муҳокама қилаётганида, Худонинг дастлабки яратишдаги ҳаракатлар йўлини назарда тутган бўлса керак.

Ибтидо китобининг 1-бобида баён этилган яратилиш тарихи тартибсизлик ёки алғов-далғовлар томонидан бўладиган ҳар қандай хавф-хатар устидан Худонинг ғалаба қозонишини кўрсатади. Бу муҳокаманинг моҳияти – Муқаддас Рухнинг яратилиш жараёнидаги иштирокидир.

Ибтидо китобининг биринчи сатрларида айтилган:

Худо азалда осмон билан ерни яратди. Ер шаклсиз ва бўм-бўш бўлиб, тубсиз денгизлар устини зулмат қоплаган эди. Худонинг Рухи сувлар узра юрарди (Ибтидо 1:1-2).

Ибтидо китобидаги бу илк оятда Худонинг олами яратишдаги биринчи ҳаракати очиб берилган. “Азалда” сўзини мутлоқ маънода тушуниш лозим. Бу оят билан йўқдан ҳеч нимани яратган (лот. *ex nihilo*) Худонинг улкан куч-қудрати эълон қилинади. Бу Худо томонидан яратилган мавжуд борлиқнинг шунчаки таърифи эмас. Худонинг иши йўқдан ниманидир яратишдан иборат бўлган. Бунга эса фақатгина Худо қодир.

Биз бирор-бир рассом ёки мусиқачининг инъомларини ва иқтидорини тасвирлаш учун “*иждодий*” сўзидан фойдаланганимизда, бу термин, ҳар ҳолда, ўзининг деярли шунга ўхшаш аҳамиятига эга бўлади. Ҳеч бир одамда Худо каби яратиш кучи мавжуд эмас. Барча иждокор инсонлар ўзларининг яратувчилиқ онгини намоён этиш учун мавжуд бўлган нарсалардан

фойдаланишади. Рассом-ижодкор фақат сўзларга, мусиқий ноталарга, бўёқларга шакл бериб, турли қисмларларни янгича ва ҳайратомуз тарзда жой-жойига қўйиши мумкин, лекин у *ex nihilo* яратмайди.

Ибронийча “яратмоқ” (*bara*) сўзи Янги Аҳдда фақат Худога ва Унинг фаолиятига нисбатан қўлланилади ҳамда ҳеч қачон одамлар фаолияти ҳисобига ёзиб қўйилмайди.

Ибтидо китобининг 1-боб 2-ояти айрим таажжубларни келтириб чиқариши мумкин

Ер шаклсиз ва бўм-бўш бўлиб, тубсиз денгизлар устини зулмат қоплаган эди.

Мазкур оятда учта сўзнинг – “шаклсиз”, “бўм-бўш”, “зулмат”-борлиги уни баҳс-мунозарага тортади. Бу сўзларнинг муҳимлиги ҳақида бироз ўйлаб кўринг. Бизда “шаклсиз”, “бўм-бўш”, “зулмат” сўзлари орқали қандай тушунчалар ҳосил бўлади? Бу сўзларда мудҳиш нимадир бор. Улар бизга таҳдид қилишади.

Ушбу сўзларнинг ваҳимали эканлиги боис изоҳлаш мақсадида турли назариялар олдинга сурилган.

Танқидий руҳдаги тадқиқотчилар уларда олам яратилиши ҳақида мажусийлар тўқиган афсоналардан парчаларни кўришади. Қадимги дунёда кўплаб одамлар оламнинг яратилишини коинотда зулмат ва ёруғлик кучлари ўртасида кечган жанг кўринишида тасаввур қилишган. Бобил афсоналарида яратилиш – бетартибликнинг денгиз маҳлуқлари билан курашлари натижасидир.

Ибтидо китобининг 1-боб 2-оятидаги воқеаларга нисбатан яқинда ва кен тарқалган қарашлардан бири – бу портлаш Назарияси ёки Тикланиш ҳақидаги Гипотеза ҳисобланади. Ушбу назарияга кўра, Ибтидо китобининг фақат 1-ояти илоҳий яратилишнинг дастлабки ҳаракатидан далолат беради. Кейинги оятларда баён этилган воқеалар – Худонинг тубанликка ботган борлиқни поклаб, қайта тиклаш жараёнидир. Яъни биринчи ва иккинчи оятларда акс этган воқеалар ўртасида улкан портлаш юз берган, эҳтимол, бу воқеалар ўртасида миллиард йиллар ўтгандир. Ана шу вақт оралиғида Люцифер ва унинг фаришталари тубанлика тушиб, дастлабки борлиқнинг ҳалокатга учрашига сабабчи бўлган.

Мазкур назариянинг тарафдорлари 2-оятдаги “бўлиб” феълига таянишади. Муқаддас Китобнинг кўпгина таржималарида шундай ўқиймиз: “Ер шаклсиз ва бўм-бўш бўлиб...”. Портлаш Назариясининг тарафдорлари бу ўринда қўлланилган ибронийча феъл инглизча “*бўлиб қолди*” сўзи орқали берилган бўлиши мумкинлигини қайд этишган. Шу боис уларни матнни қуйидагича таржима қилишади:

Ер шаклсиз ва бўм-бўш бўлиб қолди.

Бундай изоҳлашга кўра, 2-оятда борлиқнинг гуноҳ туфайли тартибсизликка айланиши тасвирланган.

Портлаш Назарияси кўпларни ўзига жалб этади, шу боис у “шаклсиз”, “бўм-бўш”, “зулмат” каби хавотир уйғотадиган сўзлар борлигини қаноатли тарзда изоҳлаб беради. Шунингдек, бу назария Ибтидо китоби асосида борлиқнинг нисбатан “ёш” эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкинлигига ишонадиганлар билан келишмовчиликларга бормаслик учун имкон беради. Бундай хулоса эса борлиқнинг ёшини миллиардлаб йиллар билан, одамзот тарихини эса, энг камида, миллион йиллар билан ўлчайдиган илмий назариялар ва далилларни рад этади.

Илм-фан ва дин ўртасидаги ихтилоф архиепископ Ашер томонидан олам яратилишининг аниқ санасини ўрнатишга бўлган уриниши туфайли янада чуқурлашди. 13-асрда яшаган бу ирланд епископи Муқаддас Китобда тақдим этилган генеалогияга оид математик ҳисоб-китоблардан келиб чиққан ҳолда, олам эрамизгача бўлган 4004 йилда яратилган дея ҳисоблаган. (Мен Ибтидо китобидаги биринчи сатрларнинг юқорисида бу сана қайд этилган Муқаддас Китобни кўрганман.)

Гарчи Муқаддас Китобда яратилишнинг аниқ ёки тахминий санаси келтирилмаган бўлсада, кўпчилик масиҳийлар олам эрамизгача бўлган 4004 йилда яратилгани ҳақида сабоқ олганлар. Улар бу тезисни замонавий илм-фан эътирозларидан ҳимоя қилиш учун портлаш Назарияси тақдим этадиган фикр-мулоҳазаларга таянишади.

Мен портлаш Назариясининг ҳақиқийлигига тўла ишонч ҳосил қилолмайман. Унда очикчасига заиф жойлар бор. Биринчидан, юқорида эслатиб ўтилган ибронийча “*бўлиб қолди*” феъли “*бўлган*” сўзининг ўрнида ишлатилиши мумкинлигини назарда тутган ҳолда, Қадимги Аҳдда бу феъл барибир кўпроқ “*бўлган*” маъносида ишлатилганини эътиборга олиш керак. Иккинчидан, ушбу назария сунъий равишда илмий баҳс-мунозаралар туфайли пайдо бўлиб, яратилиш санасига дахлдор бўлар экан, менимча, Ашер томонидан олдинга сурилган шунга ўхшаш назарияни ҳам ҳисобга олиш зарур. Ва ниҳоят, Ибтидо китобида фақат биргина оят илк яратилишнинг асосий жараёнига бағишланган бўлиб, шундан сўнг бирдан ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ёки изоҳларсиз, бир сўз ҳам айтилмаган ҳолда энг муҳим фазовий воқеалар рўй берган миллион ёки миллиард йиллар ўтиб кетганига ишонишим қийин. Бошқача айтганда, Ибтидо китобидаги илк оятларнинг яққол маъноси ўзаро боғлиқ воқеаларнинг бир хил оқибатини кўрсатиб турибди.

Мен бу оятларнинг талқин этилишига яратилиш босқичи сифатида қаралиши тарафдориман. Яратилишнинг дастлабки босқичида 2-оятда келтирилган бетартиб ва номукамаллик, якунловчи босқичда эса бу жараённинг тугалланиши рўй берган.

Бироқ 2-оятнинг биринчи қисми тушунарли бўлсада, бизда ҳануз айрим саволлар қолади. Худо Ўзининг яратиш ишини қандай амалга оширди? Бунда Муқаддас Рухнинг ўрни қандай?

Яратилиш жараёнининг ечимини 3-оятда топамиз:

Худо: “*Ёруғлик бўлсин*”, деб амр берган эди, ёруғлик пайдо бўлди.

Яратилиш кучи – бу Худо амрининг кучидир. Бундан кўп асрлар муқаддам яратилиш ҳақида Августин мулоҳаза қилиб кўрганди. У Худонинг яратувчи кучи манбаи “илоҳий буйруқ” сўзида эканлигини тушунган. Августин олам яратилишини “амр этилган яратилиш” дея тасвирлаган. “*Амр этилган*” термини латинча “бўлмоқ” феълининг буйруқ шаклидан келиб чиқади. Худо оламини Ўз буйруғининг кучи билан яратган. У буйруқ оҳангида айтган: “Бўлсин!”, - ва шундай бўлган.

Бунда Худонинг яратиш кучи ва яратилган жонзотларнинг ижодий фаолияти ўртасида ўлчаб бўлмайдиган тафовут бор. Ҳеч бир мусаввир мўйқалам ва бўёққа шунчаки кўл текказиб, дурдона асар ярата олмайди, мўйқалам ва бўёқни ҳам йўқдан яратишга қодир эмас. Ҳеч қандай бастакор ёғоч ва мис асбобларга ҳатто жуда баланд овозда буюрса ҳам, симфония яратиш кучига эга эмас.

Исо қандай қилиб Лазарни ўликдан тирилтирди? У даҳмага кирмади ва сунъий нафас олиш усулини кўлламади, балки масофадан туриб уни ҳаётга қайтарди. Исо буйруқ берди – илоҳий буйруқ – “Лазар! Ташқарига чиқ!” Исонинг овозидан Лазарнинг бош суягидаги мия томирлари ҳаракатга тушди. Унинг юраги уришни бошлади ва томирларида қон айланди. Совуқ, жонсиз тана қимирлай бошлади ва Лазар ажал ришталарини узиб ташлади. Буларнинг барчаси куч-қудрат мужассам бўлган Худонинг аниқ буйруғи билан амалга ошди.

Худого яратиш ишида оёқ-қўллар шарт эмас. У Архимеднинг дастагидан фойдаланмай туриб ҳам, дунёни ҳаракатга келтириши мумкин. Худо нима ҳақида гапирган бўлмасин, барчаси амалга ошган. Нимадир йўқликдан пайдо бўлган.

ХУДОНИНГ РУҲИ СУВЛАР УЗРА ЮРАРДИ

Илоҳий буйруқ билан бирлашган Муқаддас Рух яратилганлар узра “юрарди”. Ибтидо китобида айтилади:

Худонинг Рухи сувлар узра юрарди (1:2).

Ушбу оятда “юрарди” ёки “ўтирарди” дея таржима қилинадиган ибронийча сўзнинг аниқ маъноси ҳақида савол туғилади. Бу Қадимги Аҳдда яна икки марта учрайди. Еремиё пайғамбар Китобининг 23-боб 9-оятида ўқиймиз:

*Юрак-бағрим эзилиб кетди, Вужудим **титраб кетмоқда*** (муаллиф белгилаган).

Бу ўринда белгиланган сўзлар титраб кетишга ёки вибрацияга алоҳида аҳамият қаратади. Уни Қонунлар китобининг 32-боб 11-оятида ҳам учратамиз:

*Гўё бургут унидагиларни уйғотиб, Ўз полапонлари узра **айлангандай**, Қанотларини ёйиб, полапонларини кўтаргандай, Қанотлари устида уларни олиб юргандай* (муаллиф белгилаган).

Биз учун она-қушнинг “айланмасдан”, токи тагидаги тухумлар ёриб чиқмагунича уларни қайноқ тафти билан босиб ўтирганини тасаввур қилиш осонроқ. Аммо Қонунлар китобида полапонларнинг тухумдан чиққанлари айтилади. Ж.Аалдерс буни шундай изоҳлайди:

“Айлангандай” сўзи тухумлар ёрилиб, она-қуш полапонларни ҳаётга тайёрлаш билан банд эканлигини англатиши билан чекланиб қолмайди. Бу кўпроқ полапонлари учигга ўрганаётганида, уларнинг парвозини кузатиб турадиган она-қушга тааллуқли. Агар болалари учини яхши эплай олишмаса, она уларни қулаб тушишидан асраш учун остиларидан учиб юради. Хуллас, барча нуқтаи назарларни эътиборга олган ҳолда, “юрарди” сўзи маъқулроқ бўлади.*

*Ж. Аалдерс. Ибтидо, т. 1. Муқаддас Китобни ўрганувчилар учун изоҳлар. Grand Rapids^ Zondervan? 1981, 56 бет.

Аалдерс бу оятни изоҳлашда давом этади:

*Хўш, Худонинг Рухи қандай мақсадда сувлар узра юрарди? Мутлақо аёнки, бу Худо Рухининг шунчаки сайр қилиб юриши эмас. Ҳойнаҳой, мақсад шундан иборат бўлганки, ўша пайтда яратилган оламнинг моҳиятига Муқаддас Рух ўз кучининг таъсирини ўтказсин. Бу Худонинг ижодий фаолияти билан бевосита боғлиқ. Айтиши мумкинки, Рух бу яратилган нарсаларни асрайди ва уни Худонинг келгуси бунёдкор фаолияти учун тайёрлайди, зеро У орқали ҳозирча тартибсиз қолаётган дунё навбатдаги бунёдкорлик ишлари билан яхши ташиқлаштирилган бутунликка эга бўлиши керак**.*

** Ўша китобда

Ибтидо китобидаги “яратмоқ” (*bara*) сўзининг тўлиқ маъносини кўриб чиққан ҳолда, биз Худонинг яратишини, шунингдек, Ўзи яратганларини бор кучи билан асраб-авайлашини англаймиз.

Ижод – бу (агар бу ўринда мусиқавий терминларни қўллайдиган бўлсак) стаккато эмас, балки *состенуто* ҳисобланади. Стаккато ноталари бизга қисқа, майда, кескин товушлар тариқасида тақдим этилади. Улар қисқа ва тезкор. Садо узоқ ва бир маромдаги нотани ушлаб туришга қодир. У ҳеч қачон кескин бўлмайди. Назарий жиҳатдан, нота орган мусиқа асбобида бетўхтов янграши мумкин – клавишлар босилиб турилса, албатта. Яратиш ана шундай нотага ўхшайди.

Рух ишининг бир қисми – нарсаларни дахлсиз ҳолда сақлаб, яратилганлар устида “юриш”. Рух мана шу маънода илоҳий Қўриқловчи ва Ҳимоячи сифатида намоён бўлади. У Ота яратганларини қўллаб-қувватлайди.

Ушбу оятдаги энг ҳайратомуз ҳолат – Рухнинг яратилиш *Ташиқлотчиси* сифатидаги иштирокидир. Рух алфов-далфовлар ичида тартиб ўрнатади. Унинг иштироки ҳар қандай тартибсизликни тартараф этади. Бу ўринда биз Муқаддас Рух оламга *бутунлик* олиб келишини кўрамиз. Мен *бутунлик* сўзи остида барча яратилганлар тизимини, коинот қисмларининг

бир бутунликда ривожланишини назарда тутаман. Худонинг шарофати билан тартибсизлик ўрнига коинот вужудга келган.

Рухнинг яратиш жараёнидаги иши ва Унинг поклаш фаолияти ўртасидаги аниқ ўхшашликни қайд этиш муҳим. У бизни поклайдиган зот сифатида Ўз болалари узра уларнинг бутун ҳаётини яратиш учун юради. Худо нимани яратиб, поклайдиган бўлса, У тартибга солади ва асрайди.

Рух сув узра “юради” ва шаклсизлик кўриниш тусини олади. Бетартиб борлиқ ажойиб тузилмага эга бўлади. Ушбу тузилманинг мураккаблиги илмий тадқиқотларнинг асосий объектига айланади. Борлиқ батартибдир ва мувофиқлаштирилган қонунлар ёрдамида бошқарилиши сабабли ҳатто илм-фан ҳам имконли бўлади. Олимлар тизимсиз ва бетартиб оламда ўз ишларини бажара олмаган бўлишарди.

Рух токи “юрмаганича”, якунига етказилмаган борлиқ бўм-бўш эди. Ибтидо китобидаги учта ваҳимали сўзлар орасида бу сўз инсон қалбини кўпроқ азобласа керак. Одамларнинг тушқунлиги ҳалокатли бўшлиқ, йўқолиб кетиш, қашшоқланиб қолиш туйғусини билдирадиган сўзлар орқали ифодаланади. Экзистенциалист тушқун кайфиятда тубсизлик, мутлоқ бўшлиқнинг дўзахий зулмати, йўқлик қудуғи ҳақида гапирди. Биз кўпинча инсоний ўзаро муносабатларда ёлғизликнинг аччиқ туйғусини белгилаб берадиган бўшлиқни ҳис этамиз.

Муқаддас Рух бўшлиқни тўлдиради. У бўшлиқни енгади. Унинг ишидан сўнг қачондир ёлғиз бўлган борлиқ ҳайвонот ва наботот вакиллари билан тўлиб тошади. Қуруқ саҳро ҳаёт жўшиб турган майдонга айланади. Бизга буларнинг барчасини бажарадиган илоҳий Муқаддас Рухнинг иштироки зарур. Унинг Яратувчи ва Қўриқловчи вазифасига ҳаётни Тўлдирувчи иши ҳам қўшилади.

РУХ – ЁРИТУВЧИ

Муқаддас Рух шаклсиз дунёни тартибга келтириб ва унинг бўшлиғини тўлдириш билангина Ўз фаолиятини тўхтатиб қолмайди. Унинг иши – дастлабки зулмат устидан ғалаба қозониш. Рух юрган паллада Худо Ўзининг Биринчи амрини беради: “Ёруғлик бўлсин”. Ва ёруғлик пайдо бўлди.

Каломда ёруғлик образи ўта муҳим аҳамиятга эга. У диний дуализмнинг турли шаклларида кескин фарқ қилади. Айрим динларда ёруғлик ва зулматнинг мажозий образлари абадиёт доирасида ҳукмронлик учун тенгма-тенг ва қарама-қарши куч сифатида намоён бўлади. Қарама-қарши томон кучларининг баробар эканлиги охир-оқибат покланиш учун ҳеч қандай умид бермайди. Фақат мувозанатнинг ўзи сақланиб қолиниши ҳам энг яхши ютуқ бўлиши мумкин. Бундай йўналишда покланиш – қуруқ иллюзиянинг ўзгинасидир.

Муқаддас Китобда зулмат кучлари ёруғлик кучлари билан кураша олмайди. Унда дуализмга ишора ҳам йўқ. Зулмат ёруғликка жой бўшатиб бериши шарт.

Ёруғликнинг зулмат устидан бундай ғалабаси мени ҳамisha ҳаяжонга солган. Болалигимда токи чироқ ёқилмагунча, зинапоялар оша ертўлага

тушишга кўрқардим. Ваҳимали тешикдан кириб, кўрқувга тўлган ҳолда дўзахий зулматда турганимни эслайман. Титраб-қалтираб чироқёндиргичга ёпишдим. Бармоқларим чироқёндиргични топиб босганида, кўксимдан енгил тин отилиб чиқди. Зулмат ва ёруғлик ўртасидаги жанг натижасини дақиқалар мобайнида кутиш билан ўтказишга ҳожат қолмаганди. Чироқёндиргични босганимда, кўрқинчли зулмат бир зумдаёқ маҳв этилганди. Зинапоя шу ондаёқ ёруғликка тўлди ва мен қатъий жасорат билан зинапоялардан пастга тушишим мумкин эди.

Юҳанно бу ҳолатни шундай тасвирлайди:

Калом ҳаёт манбаи эди, бу ҳаёт инсонларнинг Нури эди. Нур зулматда порлайди, Ахир, зулмат Нурни енголмади. (Юҳанно 1:4-5).

Муқаддас Рух яратиш ва поклаш ишида илоҳий *Чирогбон* каби ҳаракат қилади. Ким Самони нур билан тўлдирса, Унинг Ўзи Каломни руҳлантиради, Худо Каломининг моҳиятини очади ва уни биз тушунишимиз учун ёритади.

МУҚАДДАС РУХ – ҲАЁТ КУЧИ

Худо ҳаётни яратишда Муқаддас Рухнинг кучидан фойдаланади. 381 йилда Константинопол жамоатида Муқаддас Рух - “Ҳаётбахш” (*zoarion*) деб эълон қилинган. Рух – бутун ҳаётнинг бевосита манбаидир.

Биз одатда фақат қайта туғилган имонлилар Муқаддас Рухга тўлган дея ҳисоблаймиз. Солиҳ кишида Муқаддас Рух яшайди, шу боис у Рухга покланиш маъносида эга бўлади.

Лекин бошқа томондан эса, барча одамлар: солиҳлар ва имонга келмаган кишилар ҳам – Муқаддас Рухга “эга”. Яратилишда (покланишдан фарқли равишда) ҳар ким Муқаддас Рух билан жонланади. Муқаддас Рух – ҳаётини куч-қувват манбаи ва Муқаддас Рухдан ташқарида мавжуд бўлишнинг илоҳи йўқ. Павлус афиналикларга шундай деган:

Худо буларни, Мени қидирсинлар, пайпасланиб бўлса-да, топсинлар деб қилди. Ҳақиқатан ҳам, У ҳар биримиздан узоқда эмас. Зотан, бир одамнинг айтиши бўйича: “Биз Унда яшаймиз, Унда ҳаракат қиламиз ва Унда мавжудмиз.” Сизнинг шоирларингиздан бири шундай деган эди: “Биз ҳам Унинг зурриётимиз.” (Ҳаворийлар 17:27-28).

Муқаддас Рухнинг шарофати билан “биз яшаймиз, ҳаракат қиламиз ва мавжудмиз”. Муқаддас Рухсиз ҳаёт ҳам, ҳаракат ва мавжудлик ҳам йўқ. Рух – буларнинг барчасини қўллаб-қувватлаш учун куч-қувват манбаи. Одам яратилиши ҳақидаги дастлабки оятларда айтилган:

Шундан кейин Парвардигор Эгамиз ернинг тупроғидан одамни ясади ва унинг бурун тешигидан пуфлаб, жон ато этди. Шундай қилиб, одам тирик жон бўлди (Ибтидо 2:7).

Бу сўзлардан аёнки, одамга берилган ҳаёт, - унга “жон ато” этган Худо фаолиятининг натижасидир. Бу ерда “нафас” ёки “руҳ” маъносини билдирувчи яҳудийча “ruah” сўзи ишлатилган. Ҳаёт нафаси Муқаддас Рух

билан мустаҳкам боғлиқ. Айнан Муқаддас Рух шарофати билан одамлар тирик жонзотларга айланишади.

Муқаддас Рух – ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳаётининг манбаи ҳамдир.

Эй Эгам! Ўз вақтида ризқимизни берсин дея, Уларнинг ҳаммаси Сенга кўз тикади. Уларга ризқингни берганингда, йиғиб олади, Қўлларингни очганингда, улар еб тўяди. Юзингни яширганингда эса улар ваҳимага тушади, Жонларини олганингда, ўлиб, тупроққа қайтади. Рухингни юборганингда улар яратилади, Ер юзига янгидан ҳаёт берасан (Забур 103:27-30).

Муқаддас Рухнинг фаолияти Ишаёнинг дунё гуллаб-яшнаши ҳақидаги башоратида ҳам акс этган:

Токи юқоридан устимизга Рух ёғилмагунча шундай бўлади. Ундан кейин саҳролар серҳосил далага айланади, Серҳосил дала ўрмон сифат бўлади (Ишаё 32:15).

Аюб Муқаддас Рухга ўз ҳаётининг муаллифи сифатида қарайди:

Мени Худонинг Рухи яратган, Қодир Худонинг нафаси менга ҳаёт бериб турибди (Аюб 33:4).

Муқаддас Рух – бу ҳаёт кучи. Янги Аҳдда Муқаддас Рухнинг кучига нисбатан кўпинча юнонча *dynamis* – куч сўзини ишлатишади. Бизда юнонча *dynamis* сўзидан келиб чиққан иккита машҳур инглизча сўзлар бор. Биринчиси – *динамит*. Иккинчиси - “*динамик*” эса бизда катта қизиқиш уйғотади. Биз “*динамик*” сўзини қўллаганимизда, одатда “тирик” ва “фаол” ниманидир назарда тутамиз. У ҳаётнинг ўзига куч-қувват беради.

Айнан Муқаддас Рух яратилган оламга *динамик* табиатини маълум қилади. Унинг кучи борлиқни жонлантиради ва ҳаракатга келтиради.

Хуллас, биз Рухнинг яратишда ва поклашда айнан бир хил ишни бажаришини кўрамиз. Муқаддас Рух – биологик ҳаётнинг ҳаракатлантирувчи кучи. Шунингдек, у руҳий ҳаётнинг ҳам ҳаракатлантирувчи кучи ва манбаидир. Унинг поклаш жараёнидаги иши яратиш жараёнидаги фаолиятини ҳам акс эттиради ва тўлдиради. У яратишда ҳам, шунингдек, тубанликка тушган дунёмизни қайта яратишда ҳам иштирок этади.

ОЛТИНЧИ БОБ ЯНГИЛАНГАН ИБТИДО: МУҚАДДАС РУХ ВА ҚАЙТА ТУҒИЛИШ

*Муқаддас Рухнинг иштирокисиз
ишонч ҳам, қайта туғилиш ҳам,
табаррукланиш ҳам, покланиш ҳам,
муносиб ишлар ҳам йўқ...
Ҳаёт – бу жонбахш Рухдир.
У. КРИСВЕЛЛ*

Туғилиш ва қайта туғилиш. Бу иккала жараён ҳам – Муқаддас Рух фаолиятининг маҳсулидир. Муқаддас Рухнинг куч-қудратисиз биологик ҳаёт мавжуд бўлмаганидек, Муқаддас Рухнинг таъсирисиз бирорта ҳам одам тирилиб Худонинг олдига кела олмайди.

Исо Никодим билан ўтказган суҳбатида Муқаддас Рух ҳақида айтади:

Сизга чинини айтай: қайтадан туғилмаган биронта одам Худонинг Шоҳлигини кўролмайди (Юҳанно 3:3).

“Қайтадан туғилиш” – бу ҳаётга иккинчи маротаба келишни, янги муқаддимани ва ҳаётни бошлашни ҳис этиш демакдир. Биз қандайдир жараённинг вужудга келишида унинг туғилаётгани ҳақида гапирамиз. Агар нимадир яна бошланаётган бўлса, у қайтадан вужудга келмоқда. Юнонча *γενίαιο* феъли бизда “туғдирмоқ” тарзида таржима қилиниб, “бўлмоқ”, “юз бермоқ” ёки “келиб чиқмоқ” маъноларини англатади. Муқаддас Рух билан қайта туғилиш – бу ўзгариш, кескин ўзгартириш, янги ибтидога ўтиш демакдир.

Қайта туғилиш – бу инсоннинг илоҳий мавжудотга айланишини англатмайди. Бунинг маъноси шуки, биз руҳан ўлик ҳолатдан руҳан тирилган одамларга айланамиз.

Руҳан ўлик одамлар Осмон Шоҳлигини кўришга қодир эмаслар. Бу Шоҳлик кўринмас бўлгани учун эмас, балки уларнинг руҳий сўқирлиги туфайли кўринмайди.

ҚАЙТА ТУҒИЛИШ – ЗАРУРИЯТ

Исо Никодим билан суҳбатида “*агар*” сўзини қўлаганида, биз *зарурий шарт* деб атайдиган ҳолатга эътиборни қаратади. Зарурий шарт – бу кутиладиган натижалар учун мутлоқ шарт-шароитларнинг зарурлиги демакдир. Агар кислород бўлмаса олов ёқиб бўлмайди, негаки кислород – олов ёнишининг зарурий шартидир.

Масихийларнинг кундалик ҳаётида “юқоридан туғилиш” сўзи бор. Жиддий айтадиган бўлсак, бу ортиқча жумла. Агар одам қайтадан туғилмаган бўлса, демак, у масихий эмас. Бундай одам масихийлик жамоатининг аъзоси бўлиши мумкин, ўзининг масихий эканлигини таъкидлаши мумкин, бироқ одам қайта туғилмас экан, у Масихда эмас ва Масих ҳам унда эмас.

“*Агар*” сўзи нажотда қайта туғилишни *sine qua non* (зарурий шарт) қилиб қўяди. Қайта туғилиш бўлмаса, абадий ҳаёт ҳам йўқ. Одам қайта туғилишсиз Шоҳликни кўра олмайди ва бу Шоҳликка кира олмайди.

Никодим Исонинг сабоқларидан саросимага тушиб эътироз билдирган:

Кекса одам туғила олармиди?! У онасининг қорнига қайта кириб, яна туғила олмайди-ку! (Юҳанно 3:4).

Никодимнинг саволи Исонинг сабоқларини ҳаттоки калака қилишга ўхшаб кетади. У истеҳзо билан ёши катта одамнинг онаси қорнига

қайтишининг иложи йўқлигини Исо гўё унутиб қўйганига ўз таажжубини билдиради.

Никодим биологик туғилиш ва руҳий туғилиш ўртасидаги фарқни ажрата олмади. У тана ва рух ўртасидаги тафовутни кўрмади. Исо унга жавоб берди:

Сизга чинини айтай: сувдан ва Рухдан тугилмаган биронта одам Худонинг Шоҳлишига киролмайди. Одам жисмонан ота-онадан тугилади, руҳан эса Муқаддас Рухдан тугилади. “Сизлар қайтадан тугилишингиз керак” деганимга таажжубланманг (Юҳанно 3:5-7).

Исо Ўз жавобини яна шу сўзлар билан бошлайди: “Сизга чинини айтай...”. “Чинини, чинини” – Янги Аҳдга кўчирилган ибронийча “*омин*” сўзи кучли урғу борлигидан дарак беради. Яъни Исо Самовий Шоҳликни кўришга ва Унга киришга изн берадиган қайта туғилишни зарурий бир шарт каби гапирганида, У бунинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Масиҳийлар учун қайта туғилишнинг зарурияти ҳақида баҳс-юритадиган замондошларимиз бу билан Масиҳнинг аниқ-равшан таълимотига очиқчасига қарши чиқишади.

“*Мумкин эмас*” сўзи ҳам Исо таълимотида кескин муҳим аҳамиятга эга. Бундай инкор этиш лаёқатга ёки имкониятга тегишли. Қайта туғилишсиз ҳеч ким (ҳеч қандай шароитда) Самовий Шоҳликка киришга қодир эмас. Истисно йўқ. Қайта туғилишсиз бунинг иложи йўқ.

Ҳеч ким масиҳий бўлиб туғилмайди. Ҳеч ким биологик тарзда Осмон Шоҳлигида туғилмайди. Биринчи туғилиш – вужуддан. Вужуд вужудни яратади. У руҳни ҳосил қилиши мумкин эмас.

Юҳанно Хушхабариди Исо буни шундай изоҳлайди:

Худонинг Рухи ҳаёт баҳиш этади, инсоннинг кучи билан эса ҳеч нимага эришиб бўлмайди (Юҳанно 6:63).

Мартин Лютер кулаган одамнинг қайта туғилиши Муқаддас Рухга тўлиқ боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги хусусида баҳс юритганида, мазкур матндан иқтибос келтириб қўшиб ўтган: “Инсоннинг кучи билан ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Ва бу “ҳеч нима” қандайдир “кичкина нарса” эмас”.

Вужуд қайта туғилиш кучига нисбатан шунчаки заиф эмас. У ҳаддан ташқари заиф. Унда қайта туғилишга бирор-бир тарзда таъсир ўтказишнинг имкони йўқ. Вужуд Муқаддас Рухнинг ишини силжитиш ёки ёрдам бериш ҳолатида эмас. Вужуд фақат вужудни яратишга қодир. У бир грамм ҳам Рухни ярата олмайди. Нимадир – бу қандайдир кичик нарса эмас.

Нихоят Исо айтади: “Сизлар қайтадан туғилишингиз *керак*”. Ва “*агар*” сўзи ишлатилиши билан боғлиқ ҳар қандай фарқ “*керак*” сўзи пайдо бўлиши билан бутунлай йўқолиб кетади.

ЭФЕСДА ТУҒИЛИШ

Ҳаворий Павлус Эфесликларга Мактубида Муқаддас Рухнинг қайта туғиладиган фаолияти ҳақида гапирди:

Сизлар бир вақтлар гуноҳлару айбларингиз туфайли руҳан ўлик эдингизлар. Сизлар бу дунёнинг одатлари бўйича, ёвуз руҳий кучларнинг ҳокими бўлган шайтонга бўйсуниб, гуноҳга ботиб яшардингиз. Худога итоат қилмай яшаётганларнинг юракларида амал қилаётган шайтондир. Биз ҳам бир вақтлар худбин истакларимизни қондириб яшар эдик. Тана эҳтиросларига ва бемаъни ўй-хаёлларга берилиб яшайдиган, барча одамзод каби, табиатан Худонинг қаҳр-газабига лойиқ бўлган итоатсиз инсонлар эдик. Аммо меҳр-шафқатга бой Худо Ўзининг бизга бўлган буюк муҳаббатини қуйидагича кўрсатди: гарчи биз гуноҳларимиз туфайли руҳан ўлик бўлсак ҳам, Худо бизни Масиҳ билан бирга тирилтирди. Биз Худонинг инояти туфайли қутқарилганмиз (Эфес. 2:1-5).

Павлус қайта туғилишгача бўлган бизнинг руҳий ожизлигимизни аниқ-равшан тасвирлайди. У эфеслик имонлиларнинг аввалги ҳолатларини эслаб, уларга мурожаат қилади: “итоатсиз инсонлар эдик” (2:3), бунда у, ҳойнаҳой, бутун инсониятни назарда тутди.

Павлус бу аввалги ҳолатни ўлим ҳолати сифатида белгилайди: “гарчи биз гуноҳларимиз туфайли руҳан ўлик бўлсак ҳам”. Аёнки, бу ўринда биологик ўлим назарда тутилмаяпти, чунки у бу одамлар жалб этилган фаолият турларини санаб ўтади.

“Гуноҳлари туфайли руҳан ўлик бўлган” одамларнинг ҳатти-ҳаракатлари муайян йўналиш бўйича ўтадиган ҳаёт каби таърифланади. У буни “бу дунёнинг одатлари бўйича” (2:1-2) деб атайди. Бу ўринда дунёнинг одатлари Самонинг қонунларига қаршидек қилиб тасвирланган. “Бу дунёнинг” сўзи маконни эмас, балки ерда яшашга мўлжалланган ҳаёт тарзини англатади.

Масиҳийлар номасиҳийлар билан бир қаторда бир хил жабҳаларда иштирок этишади. Биз барчамиз бу дунёда яшаб ўтамиз, бироқ қайта туғилган одамнинг бутун ҳаёти юқоридан бошқарилади. У Самога қарайди, у Самовий Шоҳни тинглайди. Қайта туғилмаган одам эса ер ҳаёти билан чекланиб қолган. Унинг қулоғи Самодан келадиган ҳеч қандай овозни эшитмайди, унинг кўзлари юқоридан тушадиган шон-шавкатни кўрмайди. У руҳий қабристонда худди тирик мурдадек бўлиб юради.

Бу дунёнинг одатлари Худо йўлидан “озган” (Рим.3:12). Бу одатлар кадамларимизни “ёвуз руҳий кучларнинг ҳокими бўлган шайтонга бўйсуниб, гуноҳга ботиб” (Эфес.2:2) яшаш сари йўналтиради.

Руҳан ўликларнинг хўжайини бор. Хўжайин шундай қондани ўрнатадики, улар бунга ўз хоҳишлари билан ва ҳатто жўшқинлик ила амал қилишади. Бу хўжайинни “ёвуз кучларнинг ҳокими” деб аташади. “Ҳоким” сўзи фақат шайтонга, барча иблисона нарсаларнинг бош меъмorigа топширилади. Павлус уни “Худога итоат қилмай яшаётганларнинг юракларида амал қилаётган шайтон” деб атайди. Шайтон – ўзи қул қилган оломонни бошқарадиган ва йўлдан оздирадиган тубан фаришта, ёвузлик руҳидир.

Павлус ҳаётнинг асосий қондасини амалга киритади: биз Муқаддас Рух бошқаруви асосида яшаймиз ёки ёвузлик руҳига бўйсуниб умр ўтказамиз. Бир вақтлар Августин одамни шайтон ёки Худонинг Руҳи бошқарадиган от билан таққослаганди.

Павлус Эфесликларга Мактубида ҳали қайта туғилмаган одам ҳатти-ҳаракатлари ҳақидаги жонли баёнини давом эттиради:

Биз ҳам бир вақтлар худбин истакларимизни қондириб яшар эдик (2:3).

Энди диққат-эътибор шайтоннинг ташқи ҳатти-ҳаракатлари ва ташқи таъсиридан қайта туғилмаган одамнинг ички ҳолатига кўчади. Биз бунини тағин умумий вазият сифатида кўрамиз: “Биз ҳам бир вақтлар...”. Бундай ички ҳолатни тасвирлаш учун асосий сўз “*тана*”дир. Павлус бу ўринда Исо Никодимга айтган гапларни такрорлайди.

“*Тана*” сўзи бу ҳолатда “жисмоний тана” сўзининг синоними сифатида тушунилмаслиги керак. Бизнинг танамиз ўз ҳолича ёмонлик эмас, негаки Ўзи ҳам жисмоний танага эга бўлган Худо бизни шундай қилиб яратган. “*Тана*” гуноҳкор табиатга, одамнинг бутунлай тубанликка ботган моҳиятига тааллуқлидир.

Биз қайта туғилишгача фақат танада ва тананинг хоҳиш-истаклари билан яшаганмиз. Бизнинг ҳатти-ҳаракатларимизни тана эҳтирослари бошқарган. Бу жисмоний ёки ҳирсий хоҳишларга эмас, балки барча гуноҳкорона истакларнинг дастлабки сабабига тааллуқли.

Павлуснинг сўзларида бизнинг гуноҳкорона ҳаёт тарзимизнинг умумий муҳокамаси ифода этилган. У қўшимча қилади: “...табиатан Худонинг қаҳр-ғазабига лойиқ бўлган итоатсиз инсонлар эдик” (2:3). Павлус “табиатан” деганда бизнинг бу оламдаги ҳолатимизни назарда тутди. Биологик туғилиш – бу табиий туғилиш. Қайта туғилиш – бу юқоридан туғилиш. Илк одамлар нафратнинг болалари бўлишмаган ва табиатлари гуноҳкорона бўлмаган. Бу фақат Одам Ато ва Момо Ҳавонинг тубанликка тушганидан сўнг бошланган, бироқ “*табиатан*” сўзи бизнинг туғма гуноҳкорона ҳолатимизга тааллуқлидир.

Ҳар бир гўдак бу оламга келар экан, гуноҳ билан жароҳатланган ҳаётга қадам қўяди. Довуд эълон қилган: “Мана, гуноҳкор бўлиб туғилганман, Онам қорнидаёқ гуноҳкор эдим” (Забур 50:7). Биз барчамиз руҳан ўлик туғилганлармиз, итоатсизлик ва гуноҳда ўлик ҳолда туғилганмиз. Илоҳиётда бунини гуноҳ ҳолатда туғилиш – илк гуноҳ деб аташади. Илк гуноҳ - Одам Ато ва Момо Ҳавонинг биринчи гуноҳи эмас; бу – биринчи гуноҳнинг барча одамзотга хос гуноҳкорона моҳияти орқали ўтган оқибати ҳисобланади.

Биз табиатан “нафрат фарзандлари”миз. Биз аввал бошдан Худонинг болалари эканлигимиз ҳақидаги одатий тушунчадан бу қанчалик фарқ қилади-я! Бундай сохта қараш янгилик эмас ва у анча мустаҳкам илдиз отган. У кўп бора такрорлангани боис бир зарурият каби қабул қилишади. Агар одамлар ниманидир, бу ҳатто ёлғон гап бўлса ҳам, доимо эшитадиган бўлсалар, унга ишонишни бошлайдилар.

Биз табиатан Худонинг фарзандлари эканимиз ҳақидаги ёлғон Исони ранжитган. У бу ёлғонга қарши курашиб, фарзийлар билан ўтказган баҳс-мунозараларида ёлғонни рад этишига тўғри келган. Фарзийлар Исонинг танқидларидан ғазабландилар:

...биз зинодан туғилмаганмиз. Бизнинг биттаю битта Отамиз – Худонинг Ўзи-ку! – деб жавоб беришди Исога. Исо уларга шундай деди: - Агар Отангиз Худо бўлганда эди, Мени яхши кўрган бўлар эдингиз, чунки Мен Худодан келиб, энди шу ерда турибман. Мен Ўзимча келганим йўқ. Мени У юборди. Нега айтганларимни англамаяпсизлар?! Бунга сабаб – сўзларимни ҳазм қила олмаганингиз. Сизларнинг отангиз Худо эмас, иблисдир. Сизлар ўз отангизнинг нафсу эҳтиросларини бажо қилишни хоҳлайсизлар. Азалданоқ иблис қотил эди. У ҳеч қачон ҳақиқат тарафдори бўлмаган, чунки унда ҳақиқат йўқ. У ёлғон сўзлаганда, ўзига хос сўзлайди. Чунки у ёлғончи, ёлғоннинг отасидир. Аммо Мен ҳақиқатни гапирганим учун Менга ишонмаяпсизлар. Қайси бирингиз Мени бирон гуноҳда айблай оласиз? Агар ҳақиқатни гапирётган бўлсам, нега Менга ишонмаяпсизлар? Ким Худога тегишли бўлса, Худонинг сўзларига қулоқ солади. Сизлар эса Худога бегона бўлганингиз учун қулоқ солмаяпсизлар (Юҳанно 8:41-47).

Ҳа, Муқаддас Китоб Худо барча одамларнинг Отаси эканлигини тан олади, чунки У ҳаммани Яратувчидир, бироқ муҳим маънода Худонинг оталиги биологик тарзда эмас, балки ахлоқий терминлар орқали тушунилади. *Итоат* – бу аниқлаштирувчи сўз. Муқаддас Китоб нуктаи назаридан қараганда, биз кимга бўйсунсак, ана ўша бизнинг отамиздир. Ўзаро муносабатлар биологик алоқалар орқали эмас, балки итоат этишга тайёргарлик орқали ўрнатилади.

Фарзийлар Худодан кўра шайтонга кўпроқ бўйсунганлари учун Исо уларга айтган: “Сизларнинг отангиз Худо эмас, иблисдир” (Юҳанно 8:44).

Павлус Эфесликларга Мактубида “нафрат фарзандлари” ва “Худога итоат қилмай яшаётганлар” ҳақида гапирди. Бу сўзлар барчамизнинг қайта туғилмаган табиий ҳолатимизга тегишли.

Павлус ўзининг қайта туғилмаган ҳолати ҳақида ёзишни тугаллаганида, дарҳол Худони Унинг марҳамати учун улуғлашга ўтади. Хаворий бизнинг абадий ҳаётимиз боғлиқ бўлган битта сўзни ишлатади. Бу жуда муҳим сўз бўлиб, Хушхабар моҳиятини сайқаллаштиради; бу “аммо” сўзидир.

Кичкинагина бу боғловчи бутун парчанинг моҳиятини таъкидлайди. Бу табиий ва ғайритабиий, парчаланиш ва қайта туғилиш ўртасидаги боғлиқликдир:

Аммо меҳр-шафқатга бой Худо Ўзининг бизга бўлган буюк муҳаббатини қуйидагича кўрсатди: гарчи биз гуноҳларимиз туфайли руҳан ўлик бўлсак ҳам, Худо бизни Масиҳ билан бирга тирилтирди. Биз Худонинг инояти туфайли қутқарилганмиз. Худо бизни Масиҳ билан бирга тирилтирди ва самода У билан бирга жой берди. Булар Исо Масиҳ туфайли амалга ошди. Худонинг инояти беҳад мўл эканлиги то абад намоён бўлиши учун, У бизга Исо Масиҳ орқали меҳр-шафқат кўрсатди. Ахир, сизлар

Худодан иноят топиб, имон орқали нажот топгансиз. Бу Худонинг инъомидир, сизнинг ютугингиз эмас. Яна ҳеч ким: “Мен савоб ишларим туфайли қутулганман”, деб мақтанмасин. Ахир, биз Худонинг ижодимиз. Худо бизни хайрли ишлар қилишимиз учун Исо Масиҳ орқали яратди, бу ишларни биз учун азалданоқ тайёрлаб қўйган эди (Эфес. 2:4-10).

ХУДОНИНГ ТАШАББУСИ

Қайта туғилиш – бу Муқаддас Рухнинг ўзига хос имтиёзидир. Бу ташаббус бизга эмас, балки Худога тегишли. Павлус бизнинг қайта туғилишимизда одамнинг саъй-ҳаракатлари эмас, балки Худо фаолиятининг аҳамияти энг муҳим эканлигини таъкидлаб ўтади:

Меҳр-шафқатга бой Худо ...

Ҳаворий мана бу каби сўзларни ёзмаганини қайд қилиб қўяйлик: “Аммо одам ўз яхшиликлари билан Худога интилади ва янги руҳий даражага кўтарилади”.

Менинг диний қарашларим шаклланишига таъсир қилган энг драматик вазиятлардан бири семинариядаги сабоқларим пайтида бўлиб ўтган.

Бир куни ўқитувчи доскага яқинлашиб, шу сўзларни аниқ қилиб ёзди: “ҚАЙТА ТУВИЛИШ ИМОНГА КЕЛИШДАН АВВАЛ ЮЗ БЕРАДИ”.

Бу сўзлар барча тасаввурларимни ўзгартириб юборди. Мен семинарияга кираётганимда, одамнинг қайта туғилиши учун имон-эътиқод ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ўйлардим, яъни биз қайта туғилишимиз учун дастлаб Масиҳга имон келтиришимиз керак. Бу ўринда мен қўллаган сўзлар бесабаб эмас. Мен мақсадга эришиш учун ташланиши зарур бўлган қадамларимнинг оқибати ҳақида мулоҳаза юритиб, эътиқодни ана шу йўлнинг бошида қўйиш керак деб ҳисобладим. Ўшанда бу шундай кўринишда бўлади:

Эътиқод – қайта туғилиш – оқланиш

Бунда ташаббус бизнинг ўзимиздан келиб чиқади. Албатта, мен Хушхабар ҳақида эшитишимдан аввалроқ, Худо Исони хочда ўлиши учун юборди. Бироқ Худо менга нисбатан бу ташқи ҳатти-ҳаракатларни содир этгани боис нажотим учун кейинги ташаббус менинг ўзимдан келиб чиқиши лозим деб ўйлагандим.

Бу ҳақда диққат билан мулоҳаза юритмай ва Исонинг Никодимга айтган сўзларига унчалик ҳам итоат этмаган ҳолда, танада туғилиб яшайдиган гуноҳкор одам эканлигимдан қатъий назар, барибир менда Хушхабар учун акс-садо уйғотадиган руҳий кучнинг озгина захираси, ҳалолликнинг бир бўлаги қолганини фараз қилардим.

Ҳойнаҳой, менга рим-католик жамоатининг анъанавий сабоқлари таъсир қилган бўлса керак. Кўпчилик қайта туғилиш – марҳамат эканлиги хусусида таълим олишган: бу Худонинг ёрдамисиз амалга ошиши мумкин эмас. Ҳеч бир одамда руҳий ўлимдан ўзи кўтарилиши учун куч-қудрат йўқ.

Бу ўринда Худонинг ёрдами жуда зарур. Ва у *prevenient grace* – аввалроқ юз берадиган иноят кўринишида келади. *Prevenient* бирор нарсадан олдинроқ содир бўладиган ниманидир англатади.

Рим аввал келадиган иноятга ушбу талабни қўшиб қўяди: у қалбларимизда мустаҳкамланиб олишидан аввалроқ, “у билан ҳамкорлик қилишимиз ва уни қабул қилишимиз керак”.

Ҳамкорлик тушунчаси – бу, энг мақбул вазиятда ҳам, ярим ҳақиқат. Бу имонимизнинг ҳақиқийлиги қай даражада бўлса, шу даражада тўғри. Худо Масихда бизнинг ўрнимизга имонимиз учун ишлов бермайди. Мен Масихнинг даъватига жавоб қайтарганимда – бу менинг жавобим, менинг имоним, рўёбга чиқадиган менинг умидим бўлади.

Бироқ муаммо анчайин чуқур. Савол қолади: мен қайта туғилгунимга қадар Худонинг инояти билан ҳамкорлик қиламанми ёки бу ҳамкорлик қайта туғилганимдан сўнг юз берадими?

Бошқача тарзда ҳам сўраш мумкин: қайта туғилиш – бу монергизм ҳисобланадими ёки синергизм? У мустақил иш тутадими ёки ҳамкорлик асосидами? У мустақилми ёки боғлиқми? Бу сўзлардан айримлари – яна изоҳ талаб қиладиган теологик терминлардир.

МОНЕРГИЗМ ВА СИНЕРГИЗМ

Монергик фаолият – бу яқкаликда, бир шахс томонидан бўладиган ҳаракатдир. *Моно* сўзи “битта” деган маънони англатади. *Erg* – бу иш ўлчови бирлиги. Ана шу асосда “*энергия*” терминига ўхшаш сўз тузилган.

Синергик фаолият ҳамкорликка икки ёки ундан кўпроқ кишини ёхуд объектларни жалб этади. *Син* қўшимчаси “бирор нарса билан бирга” маъносини билдиради.

Менимча, терминлардаги фарқларни мутлақо муайян сабабларга кўра бирма-бир ажратиш зарур. Ишонч билан таъкидлаш мумкинки, Рим ва Мартин Лютер ўртасидаги барча баҳс-мунозаралар ана шу ягона нуқтага бориб тақалган. Савол шундай эди: қайта туғилиш – бу Худонинг монергик ҳаракатими ёки одамнинг Худо билан ҳамкорлигини талаб этадиган синергик ишми?

Ўқитувчим доскага, “Қайта туғилиш имонга келишдан аввал юз беради”, деб ёзганида, бу монергик жавоб эканлиги аниқ эди. Шубҳасизки, инсон қайта туғилганидан сўнг имон ва умидини намоён этган ҳолда ҳамкорлик қилишни бошлайди. Аммо одам руҳий ҳаёт учун уйғонганида биринчи қадамни Худо ташлайди, фақат Худо. Ташаббус одамга эмас, Худога тегишли. Биз руҳан ўлик ҳолатда бўлганимиз боис бизда ишлайдиган, қайта тикланган иноят билан ҳамкорлик қила олмаймиз. Агар Лазар ўзини ўликдан тирилтириши учун Исога ёрдам беришни истаганида эди, биз ҳам ўшандай муваффақият билан Муқаддас Рухга қалбимизни руҳий ҳаётга уйғотишда ёрдам бера олардик.

Бугунги кунда дунё бўйлаб масиҳийлик эътиқодига амал қиладиган кўпчилик имонни қайта туғилишдан аввал келади деб ҳисоблашса керак. Бизни янги туғилишни *танлашга* даъват этишмоқда. Лекин одамнинг қайта

туғилишни танлаб олиши ҳақидаги маслаҳат худди ўлик одамга қайта тирилишни танлаб олиши таклиф этилишига ўхшайди.

Мен ўқитувчининг хулосаси билан курашни бошлаганимда, унинг ғалати назарияси илоҳиётда янгилик эмаслигини ҳайрат билан билиб олдим. Бунга ўхшаш фикрлар Августин, Мартин Лютер, Жан Кальвин, Жонатан Эдвардс, Жорж Уайтфилдларда ҳам бор. Ўзим ҳам кутмаган ҳолда бунга ўхшаш фикрни ўрта асрнинг буюк илоҳиётчиси Фома Аквинский сабоқларидан ҳам топдим.

Масиҳийлик тафаккурининг бу даҳолари ушбу савол юзасидан ягона хулосага келганликлари ҳақидаги далил менда улкан таассурот уйғотди. Мен уларнинг бегуноҳ эмасликларини, ҳар бири якка ҳолда ва барчаси биргаликда хато қилишлари мумкинлигини тушуниб турардим, бироқ қалбим ҳаяжонга тўлганди. Мени айниқса Фома Аквинский кўпроқ ҳайратга солди. Рим-католик жамоати Фома Аквинскийни *doctor angelicus* деб ҳисоблайди. Унинг теологик сабоқлари асрлар мобайнида аксарият католикларнинг расмий ақидаси сифатида қабул қилинган. Шу боис мен қайта туғилиш ҳақидаги ўхшаш нуқтаи назарга эга бўлган одамлар билан қизиқиб кўрганимда, у энг охирги навбатда турарди.

Бироқ Фома Аквинский қайта тикланадиган иноят ҳамкорлик қилмаслигини, балки мустақил ҳаракат қилишини қаттиқ туриб таъкидлаган. У *prevenient grace* ҳақида, имондан аввал келадиган ва қайта тикланиш инояти бўлмиш олдинги иноят ҳақида гапирган.

Павлуснинг Эфесликларга Мактубида муҳим жумла бор:

...гарчи биз гуноҳларимиз туфайли руҳан ўлик бўлсак ҳам, Худо бизни Масиҳ билан бирга тирилтирди. Биз Худонинг инояти туфайли қутқарилганмиз (Эфес.2:5).

Павлус бу ўринда қайта туғилиш вақтини кўрсатади. Бу туғилиш биз ҳали ўлик пайтимизда рўй беради. Чакмоқ зарбаси каби ҳаворийнинг очиқ-ойдин гапи орқали қайта туғилишда барча ташаббусни одамга беришга бўлган уринишлар бутунлай куйиб кулга айланган. Ҳар ҳолда, ўлик одам иноят билан ҳамкорлик қилмайди-ку. Руҳан ўлик одамда ташаббус йўқ. Аввалги қайта туғилишсиз имон-эътиқод пайдо бўлиши учун шароит йўқ.

Ва бу фикрлар Исонинг Никодимга айтган гапларига тўғри келади. Агар одам қайта туғилмаса, у Самовий Шоҳликни кўриши ҳам, Унга кириши ҳам иложсиз. Биз имон қайта туғилишдан аввал келишини таъкидлаб, ўз фикрларимиз тарзини ва ўз навбатида, ўз-ўзимизни ҳам нафақат Августинга, Лютерга, Кальвинга, Эдвардсга ва бошқаларга, аммо асосийси эса, Павлуснинг сабоқларига ва Раббимизнинг Ўзига қарши қўямиз.

ҚАЙТА ТУҒИЛИШ – БУ МАРҲАМАТ

Павлус қайта туғилиш жараёни ҳақида гапирганида, иноятга кучли урғу беради. Жамики теологик қарашлари бор бўлган масиҳийлар нажотимиз иноятга асосланишини ҳозирлик ва қувонч билан тан олишлари зарур.

Реформация даврида протестантлар лотинча иккита ифодани жанговор хитоб сифатида қўллаганлар: *sola scriptura* (фақат Калом) ва *sola fide* (фақат имон). Улар Муқаддас Китобни Масих бошқарадиган жамоатнинг олий нуфузи дея эълон қилдилар ва оқланиш фақат имон орқали берилишини уқтирдилар. Католиклар Муқаддас Китобнинг нуфузини инкор этишмади, бироқ *sola* сўзи уларнинг кўнглини беҳузур қилган. Аммо *sola* сўзи Мартин Лютерни муҳокама қилишларига туртки берган.

Реформация даврида учинчи бир жанговор ҳайкирик ҳам бўлиб, у Лютергача, минг йилдан кўпроқ вақт аввалроқ, дастлаб Августин томонидан қўлланилганди. Бу *sola gratia* (фақат иноят) тезисидир. Унга кўра, бизнинг нажотимиз кўрсатган хизматларимизга эмас, балки фақатгина Худонинг иноятига асосланади. Нажот – бу инсон саъй-ҳаракатларининг маҳсули эмас, балки Худо иноятининг инъомидир. Бундай таъриф қайта туғилишга нисбатан синергик қарашларни қабул қилмайди.

Павлуснинг ўз сабоқларига қайта туғилиш - Худо иноятининг мўл-кўл бойлиги эканини қўшиб қўйганлиги бежиз эмас. Келинг, унинг сўзларига яна мурожаат қилайлик:

Аммо меҳр-шафқатга бой Худо Ўзининг бизга бўлган буюк муҳаббатини қуйидагича кўрсатди: гарчи биз гуноҳларимиз туфайли руҳан ўлик бўлсак ҳам, Худо бизни Масих билан бирга тирилтирди. Биз Худонинг инояти туфайли қутқарилганмиз. Худо бизни Масих билан бирга тирилтирди ва бизга самода У билан бирга жой берди. Булар Исо Масих туфайли амалга ошди. Худонинг инояти беҳад мўл эканлиги то абад намоён бўлиши учун, У бизга Исо Масих орқали меҳр-шафқат кўрсатди. Ахир, сизлар Худодан иноят топиб, имон орқали нажот топгансиз. Бу Худонинг инъомидир, сизнинг ютугингиз эмас. Яна ҳеч ким:” Мен савоб ишларим туфайли қутулганман”, деб мақтанмасин. Ахир, биз Худонинг ижодимиз. Худо бизни хайрли ишлар қилишимиз учун Исо Масих орқали яратди, бу ишларни биз учун азалданоқ тайёрлаб қўйган эди (Эфес. 2:4-10).

Сизда қачондир Муқаддас Китоб бўйича шубҳалар пайдо бўлганми? Жуда уятдаман, лекин менда баъзи шубҳалар бўлганини айтишим керак. Мен теологик келишмовчиликлар ўртасида ўзимга савол бердим: нега айрим муҳим ҳолатлар Муқаддас Китобда бтафсилроқ ёритилмаган? Мисол учун, Янги Аҳдда тўғридан тўғри айтилмаган: биз гўдакларни чўмдиришимиз керакми ёки йўқми?

Биз бундай саволлардан кўпини Муқаддас Китоб хулосалари асосида ўзимиз ҳал этишимиз лозим. Мени бу каби келишмовчиликларга аралаштириб қўйишганида, одатда шундай ўйлайман: муаммо Муқаддас Китобда аниқ-равшанликнинг йўқлигида эмас, балки Муқаддас Китоб сабоқларини мен ўзим тушуниб етмаяпман.

Мен баъзан Павлус имон ва қайта туғилиш ҳақида аниқроқ ва батафсилроқ ёзганида қанчалик яхши бўлиши ҳақида ўйланиб қоламан. Менимча, у Эфесликларга Мактубнинг 2-бобида ушбу сўзларни қўшимча қилган бўларди: “Қайта туғилиш имондан аввал юз беради”. Лекин

фикримча, ҳатто бу жумла ҳам баҳс-мунозараларга нуқта қўймаган бўларди. Чунки унда Павлуснинг мактубида ёки Юҳанно Хушхабарининг 3-бобида Исо айтган гаплардан ортиқ ҳеч нима йўқ.

Хўш, бу ҳолда барча муҳокама-ю мунозаралар нима учун керак? Гап шундаки, менинг назаримда, қайта туғилишни илоҳий ташаббус (монергик ҳаракат), нажотни эса - фақат иноятнинг ҳаракати сифатида тан олиб, биз бу билан англашнинг тезкор жараёнига жалб этиламиз ва юқоридан танланиш тушунчасига муқаррар яқинлашиб борамиз.

Танланганлик доктринаси олдинги қаторга чиққани заҳотиёқ, имонга қайта туғилишгача етишишнинг ўта кучли истаги уйғонади. Бироқ биз ҳаворийнинг сабоқларига дадил амал қиламиз:

Ахир, сизлар Худодан иноят топиб, имон орқали нажот топгансиз. Бу Худонинг инъомидир, сизнинг ютугингиз эмас. Яна ҳеч ким: “Мен савоб ишларим туфайли қутулганман”, деб мақтанмасин (Эфес.2:8-9).

Павлус бу ўринда нажотимиз бўлмиш имон-этикод бизга иноят орқали келишини ўргатади. Биз ўз-ўзимизда имонимизни амалга оширамиз, аммо шахсий ташаббусимиз билан эмас. Бу муваффақият эмас. Бу инъомдир.

Имоннинг иноятли тухфаси қайта туғилиш маҳсули бўлиб, бу масалада ҳеч қандай мақтанчоқликка то абад ўрин йўқ. Фақат Худо марҳаматининг ўткинчи бўлмаган бу бойлигини олқишлаш керак, холос. Агар биз *sola gratia*-да *sola*-ни қолдирсак, нажотга инсон саъй-ҳаракатларининг натижаси сифатидаги барча қарашлар инкор этилади. Шунинг учун фақат Унга тегишли бўлганларини ўзимизники ҳисобламасдан, ҳеч қачон Муқаддас Рухни ҳақорат қилмаслигимиз керак.

ҚАЙТА ТУҒИЛИШ АМАЛДА

Арминий теологиясининг издошлари қайта туғилиш имондан аввал келишини, лекин ҳамиша ҳам шундай бўлмаслигини ва имонни *ҳосил қилиши* шарт эмаслигини фараз қилишади. Улар ташаббус Худога тегишли эканлигин тан олишади: қайта туғилиш иноят бўйича монергик равишда юз беради. Бундай ёндашув уларнинг умумий қайта туғилишга бўлган қарашларига боғлиқ.

Ушбу ғоя хочдаги қурбонликка таянади. Унинг асосида Масихнинг одамзотни оқлаши шарофати билан умумий қайта туғилиш ҳақидаги фикрлар бор – шундан сўнг имонга етишиш имконли бўлиб қолади. Хоч барча одамларни руҳий ўлимдан қутқариб қолади. Бу ўринда нажотли иноятнинг ҳамкорлик қилиш-қилмаслик ҳақидаги қарорини қабул қилиш учун куч-қудратга эга бўлиш назарда тутилмоқда. Кимки имонни намоён этиб, ҳамкорликка киришар экан, - у оқланган. Кимки имонда бўлмаса, - қайта туғилган, аммо Худога юзланмаган. Улар руҳан уйғонишган ва жонланишган, лекин имонсизликда қолиб кетганлар. Бу одамлар энди Шохликни кўришлари мумкин, уларда бу жойга кириш учун руҳий ҳуқуқлари бор, бироқ улар Шохликнинг шундоқ ёнгинасидан ўтиб кетишади.

Мен бундай нуқтаи назарни *натижасиз* ёки *иноятга қарам бўлган* дея атайман. У Фома Аквинский рад этган ҳамкорлик қилувчи иноятга жуда яқин.

Мен қайта туғилиш амалий натижа беришини уқтирган ҳолда, кўзланган мақсадга эришишни назарда тутаман. Қайта туғилиш самарали. У бошланган ишни якунлайди. Биз имонга қайта туғилганмиз. Бу бизга берилган асл тухфа бўлиб, қалбларимизда илдиз отади.

Баъзан “*амалий даъват*” жумласи қайта туғилишнинг синоними сифатида қўлланилади. “*Даъват*” сўзи биздан ташқарида юз берадиганлардан фарқли тарзда ботинимизда кечадиган нималаргадир мувофиқ келади.

Хушхабардан ваъз ўқиганларида, овоз ваъзхоннинг оғзидан чиқади. Бу имон ва тавбага чорлайдиган ташқи даъват. Кимки қар бўлмаса, айтилган сўзларни эшитади.

Бу сўзлар қайта туғилган тингловчининг ҳам, қайта туғилмаган тингловчининг ҳам эшитиш аъзоларидаги асаб толаларига таъсир қилади.

Қайта туғилмаган одам Хушхабарнинг ташқи даъватини ҳис этади. Бу даъват ўз ҳолича нажотни амалга ошира олмайди, токи эшитилиб, имон билан қабул қилинмагунича. Амалий даъват Муқаддас Рухнинг қайта туғилиш бўйича ишларига тааллуқли. Бу ҳолатда даъват – ботиний. Қайта туғилиш қалбнинг туб-тубидан келиб чиқади. Кимки қайта туғилишнинг ички даъватини олса, имон билан жавоб қайтаради. Павлус шу ҳақда айтади:

Худо олдиндан белгилаб қўйганларни даъват этди, даъват этганларни оқлади, оқлаганларни Ўзининг улуғворлигидан баҳраманд қилди (Рим.8:30).

Римликларга Мактубдан бу парча назарда тутилган, лекин айтилмаган сўзни биз киритиб ўтишимизни талаб этади. Қайси сўзларни қўйиш керак – айримлариними ёки ҳаммасиними? Келинг, сўзлар билан айримларини синаб кўрайлик.

*Худо олдиндан **баъзи бир** белгилаб қўйганларни даъват этди, **баъзи бир** даъват этганларни оқлади, **баъзи бир** оқлаганларни Ўзининг улуғворлигидан баҳраманд қилди.*

“*Баъзи бир*” сўзлари қўшилиши билан матннинг мазмуни бузилади. Бу баъзи бир белгилаб қўйилганларнинг ҳеч қачон Хушхабар даъватини эшитмаганини англатади. Даъват этилганларидан баъзи бирлари ҳеч қачон имонга ва оқланишга келишмайди. Бу тартибда нафақат даъват, балки олдиндан белгиланиш ва оқланиш ҳам ноамалий бўлиб қолади.

Ушбу парчанинг моҳияти шундаки, олдиндан белгиланганларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида даъват ҳам этилганлар. Даъват этилганларнинг барчаси оқланишган ва оқланганларнинг ҳаммаси улуғворликдан баҳраманд бўлганлар.

Биз келиши мумкин бўлган ва эътиборни тортмайдиган Хушхабарнинг ташқи даъватини ва муқаррар эшитиладиган Рухнинг ички даъватини фарқлай олишимиз керак. Агар барча даъват этилганлар оқланган бўлса, бу

холда барча даъват этилганлар имонни намоён этишлари лозим. Аёнки, Хушхабарнинг ташқи даъватини эшитадиган ҳар ким ҳам имонга ва оқланишга келавермайди. Шундай бўлсада, кимки амалда даъват этилган бўлса, имонга ва оқланишга келиши аниқ. Бу ўринда даъват Муқаддас Рухнинг қайта туғилиш билан боғлиқ ички ишига тааллуқли бўлади.

Муқаддас Рух кимга ҳаёт бахш этса, шубҳасизки, у ҳаётга эга бўлади. Улар Шоҳликни кўришади, уни қабул қилиб, ичкарига киришади.

Биз қайта туғилиш ва имон инояти учун айнан Муқаддас Рухдан миннатдормиз. У бизни Масихда ва Масих билан биргаликда ўликдан тирилтирадиган инъомни ҳадя этди. Ва Муқаддас Рух уйғотган раҳм-шафқат туфайлигина биз *sola gratia* ва *solī deo gloria* – фақат Худога шон-шарафлар бўлсин, дея қуйлаймиз.

ЕТТИНЧИ БОБ МУҚАДДАС РУХ ШАРОФАТИ БИЛАН БУС-БУТУН ВА БЕШИКАСТ

*Ҳатто саҳрода шайтон билан қолса ҳам,
кимки Рухни эсласа,
ҳамиша чиқиш имкони бор.*
ГЕРБЕРТ Ф. БРОКЕРИНГ

Учликнинг учинчи Шахси Муқаддас Рух дея аталади. Нега “Муқаддас” унвони айнан Рухга берилгани ҳақида савол туғилади. Ахир муқаддаслик хусусияти Отага ҳам, Ўғилга ҳам тегишли-ку. Аммо барибир, биз Учликка ибодат қилаётганимизда, одатда Муқаддас Ота, Муқаддас Ўғил дея гапирмаймиз, лекин – Муқаддас Рух деб айтамыз.

Гарчи Рух Ота ва Ўғилдан кўра кўпроқ ёки камроқ муқаддас бўлмасада, Унинг исмидаги “*Муқаддас*” сўзи Унинг поклаш йўналишидаги фаолиятига эътиборимизни тортади. Муқаддас Рух – Покловчи. У бизни Масих образига мувофиқ тўлиқ ўзгартириб, Масих ишини ҳаётимизга олиб киради.

Биз нажотда нафақат гуноҳ ва лаънатдан қутулганмиз: бизни муқаддас ҳаётда кутқариб қолишди. Поклашдан мақсад – муқаддасликдир.

Бутрус қайта туғилиш ҳақида ёзганида, шундай мулоҳаза юритган:

Раббимиз Исо Масихнинг Отаси Худога ҳамду санолар бўлсин! У бизга беҳад раҳм-шафқат кўрсатиб, янги ҳаёт берди. Исо Масих ўликдан тирилиб, барҳаёт бўлгани учун энди бизнинг умидимиз бор (1 Бутрус 1:3).

Биз қайта туғилган одамлар келажакка умид билан қараймиз. Бутрус Худонинг қайта туғилишимиз юзасидан кўрсатган раҳм-шафқатли фаолияти ҳақида гапириб, ушбу насиҳатни қўшимча қилади:

Хуллас, эс-ҳушингизни йиғиб олинглар, ҳушёр бўлинглар. Бутун умидингизни Худонинг иноятига боғланглар. Ахир, Исо Масих охиратда келганда Худо сизларга иноят кўрсатиб, нажот беради. Худога итоаткор

фарзандлар бўлинглар, олдинги зафлат пайтида сизларни қамраган эҳтиросларга қул бўлиб қолманглар. Аксинча, бутун юриш-туришингизда муқаддас бўлинглар, зеро, сизларни даъват этган Худо муқаддасдир. Ахир, Худонинг Ўзи: “Муқаддас бўлинглар, чунки Мен муқаддасман”, деб айтган (1 Бутрус 1:13-16).

Жумла “хуллас” сўзидан бошланади. Бу сўз кейинги фикрлар маълум нуқтаи назарларга асосланганини кўрсатади, яъни бизни қайта туғилишнинг мўъжизаий ишларидан келиб чиққан ҳолда муқаддасликни зўр бериб излашга даъват этишади.

“Хуллас” сўзи ортидан ғалати ибора янграйди: “эс-хушингизни йиғиб олинглар”. Бизнинг қулоқларимиз бундай ўғитларни эшитишга одатланмаган: эс-хушни йиғиб олиш. Бутрусдаги бу образ Павлуснинг Худонинг барча қурол-аслаҳаларига берган таърифида ҳам янграйди:

Иблиснинг ҳийлаларига қарши тура олишингиз учун Худо берган барча қурол-аслаҳалар билан қуролланинг. Ахир, бизнинг курашимиз инсонларга қарши эмас, балки самовий оламдаги ёвуз руҳий кучларга, руҳий ҳокимият ва ҳукмронликка ҳамда бу қоронғи дунёни бошқараётган руҳий ҳукмронларга қаршидир. Шу сабабдан, Худонинг қурол-аслаҳалари билан қуролланинг, деб айтаямман. Шунда ёвузликка тўла кунларда маҳкам тура оласиз, қуролланиб тайёр турган бўласиз. Ҳушёр туринглар! Белингизга ҳақиқат камарини тақинглар, кўксингизга солиҳлик совутини кийинглар (Эфес. 6:11-14).

Павлус жанговор хитобни эълон қилади ва тайёргарликнинг дастлабки босқичи ҳақиқат камарини тақишдан бошланишини айтади. Бутрус эса эс-хушни йиғиб олиш ҳақида гапирди. Худо Аюб билан баҳсида унга шундай буйруқ берган: “Қани, эркакка ўхшаб белингни боғла” (Аюб 40:2).

Қадимги Аҳддаги аскарнинг жангга тайёргарлиги белни боғлашдан бошланган. Ўша пайтларда одатий кийим ўзига хос бичимдаги кўйлак бўлган (римликларда – тога). Бу узун кўйлак деярли ерга тегиб турган. Мугуз янграганида, аскар либосини тиззасигача кўтарган ва уни камар билан билан белига маҳкам боғлаб олган. Агар аскарнинг бели боғланмаган бўлса, у хавф туғилганида ўз либосининг пастки қисмига чалкашиб тез ҳаракат қила олмаслиги мумкин эди. Бел боғланганида эса тизза ва оёқлар эркин ҳаракат қилган.

Павлус бу тушунчани ақлга нисбатан ишлатади (“эс-хушларингизни йиғиб олинглар”). Ва бу масиҳийнинг қайта туғилганидан сўнг жангга киришга тайёрлигини аңлатади. Масиҳийлик ҳаётига кириш – фазовий жангга кириш демакдир. Муқаддаслик йўли – бу жангчининг сўқмоқ йўлидир.

Мен масиҳий сифатидаги кезиб юришларим ҳақида мулоҳаза юритганимда, Хушхабарни Мэдисон Авенюдаги реклама ёғдулари остида тарқатган серғайрат роҳибларнинг ваъзаларини титроқ билан эслайман. Мен мана бу каби ваъдаларни эшитгандим: “Сен Исога келгин, ана шунда барча муаммоларинг йўқолади”, “Оддий имон билан сенда оддий ҳаёт бўлади”. Бу

Мэдисон Авенюда иш бериши мумкин, аммо *Via Dolorosa* да – хоч йўлида эмас.

Менинг ҳаётим масиҳий бўлгунимча сокин равишда кечган. Мен ўзимнинг гуноҳкорона ишларимда кулай ўрнашиб олгандим. Худога юзлангунимча ошиғим олчи эди. Ҳаёт мен учун бир ўйин эди. Худога юзланганимдан сўнг энди йирик ўйин бошланганини англадим. Ҳар қандай ахлоқий қарор маънавий жавобгарлик юкини босарди. Энди виждоним Худонинг Каломига нисбатан сезгир бўлиб қолди ва бошқа йўналишга даъват этилганимни тушундим. Аввалги доирадаги дўстларим билан билан энди йўлларимиз бошқа-бошқа эди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида мен ҳали ёш бола эдим, лекин айрим хотиралар ёдимда жонланади. Отамнинг унвонини оширишган пайтни эслайман. У урушни кичик лейтенант бўлиб бошлади, майор унвонида ҳарбий хизматдан бўшади.

У янги унвон олганидан сўнг менга ўзининг эски юлдузчаларини ва нишон белгиларини жўнатиб турди. Онам унинг ҳарбий кийимини безашимга рухсат берди. (Мен шу тариқа тикишни ўрганиб олдим.)

Отамдан менга қолган нишон белгилари орасида бир бўлак мато ҳам бор эди. Бу либос парчасини ҳарбий хизматнинг муддатини билдириб туриш учун боғич тариқасида тақиб юришган. Отам ҳарбий хизматга чақирилмаган, негаки уруш бошланганида у анча кексайиб қолганди. Уни маҳаллий чақирув пунктига бошлиқ этиб тайинлашди. У икки ҳафтадан сўнг ҳарбий либосда уйга келиб онамга деди: “Мен ўзим бу ерда қолиб, анави йигитларни урушга юбора олмайман, шу боис кўнгилли бўлиб ёзилдим”. Отам 1942 йилнинг бошида хизматни бошлаб, 1945 йилда Япония таслим бўлганидан сўнг ҳарбий хизматдан бўшади. У кўнгилли бўлиб ёзилганида, ҳужжатида “*тўлиқ муддат*”ни (уруш якунигача) белгилаб қўйган.

Биз масиҳийлик ҳаётига кирганимизда, тўлиқ муддатга ёзиламиз. Бу уруш тўрт йилдан сўнг тугамайди, балки Худо бизни уйга чақирмагунича давом этади, яъни бутун умримиз мобайнида. Биз ҳар йили қўлимизга янги боғичлар боғлаймиз.

Бу фазовий урушда бардош беришимиз учун ақлимизни “йиғиб” олишимиз керак. Шайтон билан жанг – бу асосан онгимиз учун кечадиган жанг. Покланиш жараёнимизда: “Масиҳийлик – бу фақат қалбнинг иши” йўсинида янграйдиган жозибакор васвасага берилишдан кўра каттарок телбалик ҳам, йирик хавф-хатарнинг ўзи ҳам йўқ.

Яратувчи бизни шундай яратганки, руҳимиз ақлга амал қилади. Худонинг бизга қўлланма сифатида юборгани севги мактуби эмас. У онгимиз янгиланиши орқали биз ўзгара олишимиз учун ваҳий келтирилган Китобни берган. Сулаймоннинг Ҳикматлар Китобида айтилган: “Чунки у кўнглида ўзининг фойдасини ҳисоблайди” (Ҳикматлар 23:7).

Ҳикматлар Муаллифи фикр қалбда эмас, балки ақлда бўлишини яхши билган. У қалбдаги мулоҳазалар ҳақида гапирганида, бизнинг энг ардоқли фикрларимизни назарда тутди. Биз нима ҳақида ўйлайдиган бўлсак, ана ўшанинг ўзимиз. Ёки аниқроқ қилиб бундай дейиш мумкин: “Биз нима

хақида ўйласак, ана ўшага айланамиз”. Агар бизнинг фикрларимиз доимо нопок бўлса, нопоклик тезда ҳаётимизга дахлдор бўлишни бошлайди. Агар фикрларимиз бетартиб бўлса, ҳаётимиз алғов-далғов ва бетартиб бўлади.

Покланиш жараёнида Рух – бизнинг Устозимиз. Унинг дарслиги – Муқаддас Китоб. Рух бизни хабардор қилишга интилади. Қайта туғилишнинг илк маҳсули бўлмиш тавбанинг ўзи – бу онгнинг ўзгаришидир. Мулоҳазасиз масиҳийлик сўзларда қарама-қаршилиқни ҳосил қилади. Масиҳийлар Муқаддас Рух бошқаруви остида фикрлашга даъват этилганлар.

Муқаддас Рух – ҳақиқат Рухи ҳамдир. Павлус ақл-хушни йиғиб олиш ва Худонинг барча қурол-аслаҳалари ҳақида гапирганида, ҳақиқатни тақиб олиш кераклигини билдиради:

Ҳушёр турунглар! Белингизга ҳақиқат камарини тақинглар (Эфес. 6:14).

Айнан ҳақиқат оддий бир ношудни ҳам чаққон ва уддабурон рухий жангчига айлантиради. Айнан ҳақиқат бизни озод қилади. Исо бу ҳақда шундай деган:

Агар Менинг сўзларимга риоя қилсангизлар, ҳақиқий шогирдларим бўласизлар. Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади (Юҳанно 8: 31-32).

Исо Кечлик пайтидаги Ўз ваъзида Муқаддас Рухни юборишга ваъда берган. У айтган:

Мен осмондаги Отага мурожаат қиламан ва У сизлар билан то абад қоладиган бошқа Ҳомийни юборади. Бу Ҳомий – Ҳақиқат Рухидир... (Юҳанно 14:16-17).

Ва яна:

Отам Менинг номимдан юборадиган Ҳомий, яъни Муқаддас Рух сизларга ҳаммасини ўргатади. Мен сизларга айтган ҳамма сўзларимни У ёдингизга солади (Юҳанно 14:26).

Эҳтимол, бу фикр Исонинг кейинги сўзларида тўлиқроқ ифода этилгандир:

Аммо сизларга ҳақиқатни айтаман. Менинг кетишим сизлар учун яхшироқдир. Агар Мен кетмасам, Ҳомий келмайди. Агарда кетсам, Уни олдингизга юбораман. У келганда дунёга гуноҳ, адолат ва ҳукм тўғрисидаги ҳақиқатни аён қилади. Гуноҳ тўғрисидаги ҳақиқат шундан иборатки, одамлар Менга ишонмайдилар. Адолат тўғрисидаги ҳақиқат шуки, Ота Мени оқлайди. Мен Отанинг олдига кетяпман ва сизлар Мени бошқа кўрмайсизлар. Ҳукм тўғрисидаги ҳақиқат шундан иборатки, ҳукм чиқариб бўлинган, бу дунёнинг ёвуз ҳукмдори маҳку қилинган. Сизларга яна айтадиган гапларим кўп, лекин энди ичингизга сиздиролмайсизлар. Ҳақиқат Рухи келиб, сизларни тўлиқ ҳақиқат сари бошлайди. У Ўзича гапирмайди, неки эшитса, ўшани сўзлаб беради, У юз берадиган воқеалар ҳақида сизларга хабар қилади.

У Мендан эшитган нарсаларни сизларга маълум қилади, шу орқали Мени улуғлайди (Юҳанно 16:7-14).

Исо бу ерда Ўз шогирдларига Шахс ва Муқаддас Рухнинг фаолияти ҳақида гапиради. У Ҳақиқат Рухи деб аталган. У бизга Ота ва Ўғил томонидан юборилган. Унинг миссиясида Устозимиз бўлиш вазифаси ҳам турибди.

Муқаддас Рух – Муқаддас Китобнинг Муаллифи. У муқаддас китоблар яратилиши учун илҳом бағишлади. Ва У биз тушуниб етишимиз учун Каломни ёритиб беради. У бизни Худо Каломига ишонтиришга қодир.

Каломни ва Муқаддас Рухни бир-биридан ажратиш руҳий ҳалокатга олиб боради. Муқаддас Рух Калом орқали ва Калом билан биргаликда бизни ўргатади, бизни йўналтиради ва бизга мурожаат қилади. Каломдан ташқарида эмас ва Каломга қарши бўлмасдан, албатта. Беномус руҳларнинг Худо Каломига қарши чиққан ҳолда, Муқаддас Рухдан ўзларини бошқаришини талаб этиши шу йўсинда Худони масхара қилишлари Муқаддас Рух учун ниҳоятда ҳақоратлидир.

Худонинг Каломи – бу Рухнинг Каломи. Рух ҳеч қачон Каломга қарши ўргатмайди, чунки Калом – ҳақиқат; бу Рухнинг ҳақиқати. Калом бизни руҳларни “синаб кўриш”га чорлайди:

Эй азизларим, менда Худонинг Рухи бор деган ҳар қандай одамга ишониб кетаверманглар. Ҳар бир одамни синанглар, У худодан ёки Худодан эмаслигини билинглар, чунки дунёда сохта пайғамбарлар кўпайиб кетган (1 Юҳанно 4:1).

Бизни руҳларни синаб кўришга даъват этишганида, синов айнан ҳақиқатга тегишли бўлади. Юҳанно сохта пайғамбарларни кўриш учун бундай синовларнинг зарурият эканлиги ҳақида огоҳлантиради. Сохта пайғамбар шу туфайли ҳам сохтаки, у ҳақиқатни гапирмайди.

Бу ўзининг башоратлари ҳаққонийлигига даъво қиладиган сохта соҳиби кароматнинг ўзига хос хусусиятидир. У бунга Муқаддас Рух розилик билдирганини айтади. Бу бутунлай фирибгарлик усули. Худонинг Рухидан бохабар эканлигини уқтирадиган ҳар ким ҳам Ундан бохабар бўлавермайди. Муқаддас Рух – бу ҳақиқат Рухи. У ҳеч қачон ҳақиқатга қарши гуноҳ қилмай ва тўғри йўлдан озмай фақат ҳақиқатга олиб боради.

Калом Муқаддас Рухнинг очиқ ҳақиқати бўлгани боис ҳақиқат мезони ҳам ҳисобланади. Рух Ўз Ўзига қарши зиддиятга бормайди. Агар кимдир Рухдан бохабар эканлигини айтиб, сўнгра Каломга қарши ўргатадиган бўлса, бу ўринда Рухнинг бошқаруви йўқлиги аён бўлиб турибди.

Ҳақиқат Рухи – Муқаддас Рух. У бизнинг муқаддас бўла олишимиз учун ҳақиқатга ўргатади. Ҳақиқатни англаш ўз ҳолича сўнги мақсад эмас, у ўрганиш ва муқаддас бўлиш амалиётининг қандайдир босқичида якунланиб қолмайди.

Бутрус бизни, биринчидан, ақл-ҳушимизни йиғиб олишга, иккинчидан, Қадимги Аҳднинг ушбу амрига амал қилишга даъват этганлиги бежиз эмас: “Муқаддас бўлинглар, чунки Мен муқаддасман” (1 Бутрус 1:16).

БУС-БУТУН ВА БЕШИКАСТ

Муқаддас Рух бизни яна ҳаётга қайтарганида ва руҳий ҳаёт бахш этганида, қалб нажоткор имон учун уйғонади. Бу имоннинг маҳсули – оқланиш. Биз Масиҳни имон билан қабул қилганимизда, Худо бизни солиҳлар дея эълон қилади. Биз бир зумдаёқ покланиб олганимиз учун солиҳ эмасмиз. Биз Масиҳнинг хизматлари бизнинг ҳисобимизга ёзиб қўйилгани боис солиҳ бўлганмиз. Биз ҳали ўз гуноҳимизга ботган пайтимизда Худо бизга Масиҳдаги солиҳлар сифатида қарайди.

Мазкур фикрнинг моҳияти Лютернинг машҳур таърифини ойдинлаштириб беради: *Simul justus et peccator* – “бир вақтнинг ўзида солиҳ ва гуноҳкор”. Биз токи гуноҳ билан курашар эканмиз, Масиҳда, Масиҳ орқали ва Масиҳнинг Ўзи билан биргаликда солиҳмиз. Фақат имон билан оқланиш фақат Масиҳ билан оқланишни англатади.

Бизнинг оқланишимиз покланишимиздан *аввал келиши* мана энди тушунарли. Қайта туғилиш имондан аввал, имон эса оқланишдан олдин келиши боис (мантикий устунлик) оқланиш муқаддас бўлишдан аввал келади.

Ҳақиқий қайта туғилиш бундан кейин ва доимо имонни ҳосил қилишини англаш ҳамда аниқ-равшан тасаввур қилиш ўта муҳим. Агар имон ҳақиқий бўлса, бу ўз навбатида, бундан кейин ва ҳамиша оқланишга олиб боради. Агар бизнинг оқланишимиз ҳақиқий бўлса, у бундан сўнг ва доимо муқаддас бўлишга олиб боради. Ҳақиқий оқланиш иложсиз, агарда ундан кейин муқаддаслик келмаса.

Бу ўринда биз қайта туғилиш ва оқланиш ўртасидаги муҳим тафовутларни қайд этиб ўтишимиз лозим. Қайта туғилиш – бир зумда ва тўсатдан юз беради. Қайта туғилиш ҳақидаги тушунча бизга аста-секин келиши мумкин, бироқ Муқаддас Рух ҳосил қиладиган ҳаракат бир зумдаёқ содир бўлади. Ҳеч ким қисман туғилмайди, юқоридан яримта бўлиб қайта туғилмайди. Одам ёки туғилади ёхуд туғилмайди. Бу ўринда ўрталик йўқ.

Бу оқланишга ҳам тааллуқли. Ҳеч ким қисман оқланмаган. Худо нажоткор имоннинг намоён бўлиш дамларида бизни дарҳол солиҳлар дея эълон қилади.

Муқаддас бўлиш бошқача йўсинда кечади. Дарҳақиқат, у биз оқланган пайтда бошланади, лекин бу бутун умримиз мобайнида кечадиган жараёндир. Оқланиш бутунлай муқаддас бўлишни бир зумдаёқ ҳосил қилмайди. Муқаддас бўлишга хос илк босқич аломатларининг йўқлиги оқланиш, имон ва қайта туғилишнинг бўлмагани ҳақидаги муқаррар шохидликни беради.

Қайта туғилиш ва муқаддас бўлиш ўртасидаги иккинчи муҳим тафовут бу ҳаракатлардаги жараёнларнинг ўзига тааллуқли. Қайта туғилиш –

монергик ҳолат. Бу фақат Худо фаолиятдир. Бироқ муқаддас бўлиш – синергик ҳолат. У бизни Муқаддас Рух билан ҳамкорликка жалб этади:

Эй азизларим, мана шуларни ёдда тутиб, ҳар доимгидай итоаткор бўлишда давом этаверинглар. Фақат сизлар билан бўлганимда эмас, ҳатто ёнингизда бўлмасам ҳам, Худонинг олдида қўрқув ва титроқ билан шундай яшангларки, нажот топганингиз ёрқин кўриниб турсин. Зотан, Худо Ўзини хушнуд қиладиган ишларни қилишингиз учун сизларга куч ва хоҳиш беради (Филиппиликлар 2:12-13).

Мазкур матнда синергизмнинг классик ғояси тақдим этилади. Биз нажот ишида иккита жараёни кўрамиз. Бизни “қўрқув ва титроқ” билан қаттиқ ишлашга даъват этишади. Айни вақтда эса Худонинг ботинимизда бирга ҳаракат қилишига ваъда берилган.

Муқаддас Рух бизни яна ҳаётга қайтарганида, У руҳимизни ўзгартириш учун бизга таъсир ўтказибгина қолмай, бизга келиб макон тутади. Рух шу тариқа солиҳларда бўлган ҳолда, бизнинг покланишга бўлган интилишимизни қўллаб-қувватлайди ва Ўз таъсирини ўтказишда давом этади.

Бу борада Хушхабар жамиятини бузадиган гоҳ у ердаги, гоҳ бу ердаги хавфли бидъатларга тушиб қолмаслик учун худди светофорнинг қизил чироғи олдида тургандек ўта эҳтиёткорлик зарур.

Муқаддас Рух бизда макон тутганида, бизга айланиб қолмайди. Ҳеч қадай вазиятда ўзини илоҳийлаштириш керак эмас. Гарчи менда илоҳий мавжудот макон тутган бўлсада, мен бунинг шарофати билан Худога айланиб қолмайман. Ҳатто замондошларимиз орасида ҳам шундай ўқитувчилар учрайдики, улар агар одамда Муқаддас Рух яшайдиган бўлса, унинг ҳам худди Масиҳ каби Худога айланишини ўқитишади. Мен уларнинг фикрларидаги ўта бидъатчилик ва куфронийликни эътиборга олган ҳолда, бу ерда ўша “ўқитувчи”ларнинг исмларини келтириб ўтмадим.

Рухнинг иши одамни илоҳийлаштириш эмас, балки уни муқаддас қилишдан иборат. Худо бизни абадий бой-бадавлат бўладиган мавжудотлар қилмайди. Худо бошқа худони яратмайди. Худо нимаики яратмасин – бу Унинг ижоди, яратилган ижод эса абадий ҳам, ўзига тўқ бадавлат ҳам бўлолмайди. Худо ўлмас, бироқ абадий бўлмаган моҳиятни яратиши мумкин. Барҳаёт ижод келажакда абадий яшаш лаёқатига эга бўлади, бироқ у ўтмишга нисбатан абадий бўлолмайди.

Муқаддас Рух бизга оқланиш берадиган имон сари илҳомлантирганида биз хавфсизликда бўламиз. Оқланиш бизни яқинлашаётган қасосдан қутқаради. Мартин Лютер ёзганидек, биз оқланишимиз пайтида бутунмиз, аммо шикастланганмиз. Лютер бу ўринда ана шунга ўхшаш тиббиёт хулосасини келтиради: беморнинг ҳаёти хавфсизликда, лекин касаллик аломатлари ҳали кузатилмоқда. Бироқ бутунлай соғайтириб юборадиган покловчи иноят билан бизга дори-дармон беришади.

О.П.Жиффорд муқаддас бўлиш жараёнини тасвирлаш учун қуйидаги иллюстрацияни тақдим этади:

Машина бўлими шикастланган кемани тезда бандаргоҳга тортиб бориб, устахонага қўйиш мумкин. У бутун, аммо шикастланган. Таъмир узоқ давом этиши мумкин. Масиҳ бизнинг ҳам бутун, ҳам шикастсиз бўлишимизни кўзлайди. Оқланиш – бутунликни, муқаддас бўлиш – бешикастликни беради.*

**А.Х.Стронг. Тизимли илоҳиёт. Old Tappan, N.J.: Fleming H. Revell, 1907, 869 бет.*

Ҳозирги кунда масиҳийлар ўртасида Масиҳнинг Худо эканлигини эътиборга олмай, Уни Нажоткор сифатида қабул қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақидаги баҳслар юзага чиққан. Бу худди ўлик одам ухлаётган одамдан фарқ қилгани каби Нажоткор/Худо дихотомияси ҳам Муқаддас Китобдаги оқланиш/муқаддас бўлиш тушунчасидан шунчалик узоқ. А.А.Ходж бир пайтлар қайд этганди: “Ўзини масиҳий ҳисоблаб, Масиҳни муқаддас бўлиш учун қабул қилган кимдир бу борада кўпинча қаттиқ янглишиб қолади”*.

**Ўша китоб*

Кимки Масиҳни Нажоткор сифатида қабул қилиб, айна вақтда Унинг Худо эканлигини тан олмаса, инкор қилса ёки менсимаса, оқлайдиган имонда бўлиши мумкин эмас. Биз гарчи Исонинг Нажоткор ва Худога хос хусусиятларини фарқлай олсакда, ҳеч қачон уларни бир-биридан айирмаслигимиз керак. Масиҳни имон билан қабул қилиш – Масиҳни тўлиқ қабул қилиш демакдир.

Аммо барибир, Муқаддас Рухнинг қайта туғилиш ва покланишдаги ишларини фарқлаганимизда, бу тушунчалар ўртасида узилмас боғлиқлик борлигини ёдда тутишимиз керак. Биз имонга, оқланишга ва муқаддас бўлишга қайта туғилганмиз. А.Х.Стронг ёзади:

*Худонинг иши солиҳнинг онгли ва кўнгилли фаолияти билан очилади ҳамда биргаликда кечади. Бундай солиҳ одам Унинг Каломига мувофиқ ҳолда ўзини бутунлай Масиҳга топшириш учун ўз гуноҳкорона истакларини топшишга ва уларга барҳам беришга интилади**.*

**Ўша китоб, 871-бет*

Муқаддас бўлиш ҳаракатни туғдиради. Биз одатда буни руҳий ўсиш деб атаймиз. Бу ҳаракат вақти-вақти билан икки қадам олдинга юриб, бир қадам ортга қайтишни эслатиб туради. Биз руҳий ҳаракатларимиз давомида сирпансак ва йиқилиб тушсак, “васвасага тушиб қолдик” деб айтамыз. Ва барибир муқаддас бўлиш натижаси – бу ўсиш, улғайиш, гарчи бир маромда, вақти-вақти билан азобли даражада секин бўлсада, аммо ҳарқалай – ҳаракат. Рухан ўлик туғилган масиҳий йўқ. Стронг бу масалада Хорас Бушнелдан иқтибос келтиради:

Агар юлдузлар ҳаракат қилишмаганида, улар осмонда айниб қолган бўлишарди. Одам велосипедга ўтириб ҳайдаши ёки ҳайдамай туришига тўғри келади. Покланишнинг аксарият қисми Каломни ўқиш, яширин ибодат, жамоатга қатнаш, Хушxabар тарқатиш ва хайрия ишлари каби одатий кўникмаларнинг шаклланишидан иборатдир.*

Менга Бушнелнинг велосипед билан таққослагани ёқади. Велосипедда мувозанатни сақлаш учун тепкини мунтазам айлантириб туриш зарур. Велосипед тўсатдан тўхтаган заҳоти йиқилиб тушишдан фақатгина ергача етадиган узун оёқлар қутқариши мумкин. Гарчи оёқларим етарли даражада узун бўлмаган пайтда ҳам мен велосипед ҳайдашни ўрганиб олдим ва йўлни ҳаёлан таҳлилдан ўтказиб, охириги манзилда қаттиқ йиқилмаслигим учун ўша ерга кўрпача ташлаб қўярдим.

МУҚАДДАС БЎЛИШДА ВИЖДОННИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳаётимизда муқаддасликни ҳосил қиладиган ўзгариш – бу ички меҳнатнинг ташқи томонлама намоён бўлиши натижасидир. Бизнинг ташқи ҳатти-ҳаракатларимиз қалбимиз ва ақлимизнинг ҳолатидан дарак бериб туради.

Муқаддас Рух бизнинг қалбимиз ва ақлимиз устида ишлагани боис бизда учта муҳим ўзгаришлар учун дастлабки шарт-шароитлар ўрнатилади.

Бизнинг онгимизда ўзгариш рўй беради. Рух бизда янги онгни уйғотади. Худо Каломини диққат билан тинглаганимизда, Худонинг ишини янгичасига англаймиз. Биз янгидан туғилдик – ва барчаси янгича бўлади. Биз руҳий сезгини қабул қиламиз:

Биз Худонинг Рухини қабул қилдик, энди дунёвий одамлар каби ўй-фикр қилмаймиз. Шунинг учун Худо бизга нима ато қилганини аниқ тушуна оламиз. Биз булар ҳақида гапирганимизда инсоний донолик билан гапирмаймиз, балки Муқаддас Рух ўргатаётган сўзлар билан руҳий ҳақиқатни талқин қиламиз. Қалбида Худонинг Рухи бўлмаган инсонлар Худонинг Рухи ўргатган ҳақиқатни рад қиладилар. Улар учун бу ҳақиқат тентакликдай туюлади, бу ҳақиқатни улар тушуна олмайдилар. Зеро, бу ҳақиқатни фақатгина Худонинг Рухи ёрдами билан тушунса бўлади. Қалбида Худонинг Рухи бўлган инсон ҳамма нарсага баҳо бера олади, аммо бошқалар у одамга баҳо беришга ожиз. “Ахир, ким Раббимизнинг фикр-зикрини англаб етибдики, Унга йўл-йўриқ кўрсатса?! Биз эса Масиҳдай фикрлай оламиз (1 Коринф. 2: 12-16).

Масиҳнинг ақлига эга бўлиш учун У каби фикрлаш лозим. У нимани тасдиқласа тасдиқлаш, У нимани рад этса рад этиш керак. У нимани севса севиш, нимадан нафратланса нафратланмоқ лозим.

Фикрларимиз ўзгариши билан покланиш янада теранлашади. Биз янги истиқболни, кадриятларнинг мутлақо янги тизимини англаймиз.

Бироқ ҳақиқатни билишнинг ўзи кифоя қилмайди, ҳақиқат бўйича *иш тутиш* зарур. Буни англаш учун биз қатъий ишонч деб атайдиган муайян даражага эришмоғимиз талаб этилади.

Муқаддас Рух нафақат ҳақиқатни англашимиз, балки ҳақиқатга ишонч билдиришимиз учун ҳам иш олиб боради. У бизни гуноҳда фош қилади ва ҳақиқат йўлида панд-насихатлар беради. Мисол учун, мен ўғирлаш ёмон

эканлиги ҳақида ўйлашим мумкин. Аммо менинг ақлимда бу тушунча мужмал ва заиф бўлса, ҳатти-ҳаракатларимда ўзгаришлар бўлиши эҳтимоли кам.

Чунки Худо очадиган ҳар бир ҳақиқатга ҳамла қиладиган ёлғон топилади. Биз бузуқчилик – гуноҳ эканлигини англашимиз мумкин. Бироқ жамиятимизда гўёки бунинг дуруст ва одатий ҳол эканини шунчалик баланд оҳангларда зўр бериб таъкидлашадики, бизнинг оқилона бўлиш ҳақидаги қатъиятимиз заифлашиб қолади. Жамиятимизнинг васвасаларига қарши туришимиз учун гуноҳнинг гуноҳ эканлиги ҳақида тебранмас қатъий ишончга эга бўлишимиз зарур.

Биз англаш босқичидан қатъий ишончга ўтганимизда ҳатти-ҳаракатларимиз ўзгариши ибратомуз тус олади ва виждонимиз ўзгарганида юқори даражага кўтарилади.

Одам виждони – қудратли, аммо ўзгаришларга дучор бўладиган механизм. Уни бизни айблайдиган ёки оқлайдиган, мисоли бир ҳакамлик вазифасини бажарувчи Худонинг “ички овози” деб аташади. Виждон ҳатти-ҳаракатларимизнинг ойнаси бўлиб хизмат қилади. Бироқ муаммо шундаки, виждонимиз Худонинг Каломига нисбатан илоҳий даражада қандай сезгир бўлса, худди шундек умуман сезгисиз ҳам бўлиши мумкин.

Биз гуноҳ қилаётиб виждонимизни ўтмаслаштирамиз ва айблар билан ички овозни бўғиб айёрлик қиламиз.

Айримлар оғизларини кўпиртириб абортнинг мудҳиш ёвузлик эканини уқтиришса, бошқалари бунинг ахлоқий жиҳатдан оқланиши ҳақида эълон қилишади. Мактабда ёки ишхонада алдайдиган одам ўзини оқлаш учун турли хийла-найранглар ўйлаб топади. Хусусан, Гитлер оммавий қирғин акциясини оқлаш мақсадида ахлоқий баҳоналар топган-ку. Ҳамма ҳам мана бундай гапларни айтавермайди: “Мен ёмонлик қилаётганимни биламан, бироқ ўзимни тўхтата олмайман, чунки бундан роҳат оламан”.

Биз айрим ҳатти-ҳаракатлар гуноҳқорона эканлигини тан оламиз, лекин уларда гуноҳ жуда оз эканлиги ва атайин қилинмагани ҳақида туриб оламиз. Баъзан ҳаммасини ўз ичига оладиган кечиримларни қўшамиз: “Нима бўлганда ҳам, бу ҳолатда менинг виждоним тоза”, - бу билан гўё жиноятга иқрор бўлиш жиноятнинг ўзини кечирिशга ўхшаб кетади.

Биз гуноҳларимизнинг оғирлигини камдан кам ҳолларда тан оламиз ва англаймиз. Бизнинг гуноҳга тавба қилишимизда чуқур ишонч етишмайди.

Худо Еремиё пайғамбар орқали Исроилнинг Худо олдида ўзини бегуноҳ ҳисоблаб адашаётганини айтиб айблаган:

“Айбсизман”, деб айтасан. “Эгамиз ғазабдан тушгани аниқ”, дейсан. “Гуноҳ қилмадим” деганинг учун Мен сени жазолайман (Еремиё 2:35).

Еремиё Исроил ҳақида ёзган: “Сен фоҳишадай безбетсан. Уят деган нарсани билмайсан” (Еремиё 3:3). Исроил худди фоҳиша каби доимо гуноҳ қилавериб, уятни сезиш лаёқатини йўқотган.

Исроилнинг гуноҳи ўз ортидан даҳшатли оқибатни, яъни виждоннинг ўтмаслашувини олиб келди. Фоҳиша ўз гуноҳлари ичида шу даражага

бордики, энди айбни бошқа ҳис қилмай гуноҳ қилиши мумкин эди. У виждонни овоз чиқармасликка мажбурлади. Унинг виждони гуноҳга ботишни фош этиш ўрнига уни оқлашни бошлади.

Яхши виждон – бу Худо Каломи орқали Муқаддас Рух ўргатган виждондир. Биз Худонинг ҳақиқатини аниқ-равшан тушунганимизда ва унга қатъий ишонганимизда, виждон Хукмдори бизни ҳаққонийликка йўналтиришни бошлайди. Рухан баркамол виждон нозик бўлади. Вужуд ўзига рухсат берадиганларини қилишни виждон ўзига раво кўрмайди.

Масиҳийнинг виждони Худонинг Каломига сезгир бўлиши керак. У бизни айбнинг дахшатли ҳисси билан қарахт қиладиган мустабид эмас. Агар унга Худонинг Каломи сингиб кирган бўлса, бу соғлом виждон. Агар биз чиндан ҳам айбдор бўлсак, айбни ҳис этамиз. Бу вужуд учун оғриқни ҳис этиш қанчалик муҳим бўлгани каби, руҳий саломатлик учун шунчалик муҳим. Оғриқ – касаллик аломати. Агар биз оғриқни ҳис қилиш хусусиятимизни йўқотсак, бизни жиддий касалликдан огоҳлантирадиган кўриқчи сигнализация йўқолиб кетади.

Қора чигиртка Пиноккиога шундай деди: “Виждонинг сени бошқаришига ҳамиша рухсат бер”. Бироқ виждон ўтмаслашган ва Худонинг Каломини маъқулламаган бўлса, ёмон маслаҳатчи бўлади. Агар худди Мартин Лютер каби виждонимиз Худонинг Каломига тўйинган бўлса, бу умуман бошқа гап.

Рухни англашимиз бизни Худонинг Каломига бўлган ишончга бошлаб боради. Натижада Рух бизни Масиҳ сиймосига мувофиқ равишда бошқариб, виждонимизни тозалайди. Бу эса муқаддас бўлишимиз мақсад қилиб қўйилган, Муқаддас Рух бизнинг ботинимизда интиладиган охирги нуқтадир.

САККИЗИНЧИ БОБ МУҚАДДАС РУХ БИЛАН ЧЎМДИРИЛИШ

*Рух билан тўлган ҳаёт – энгил эришиладиган,
камчилик танланганларга очилган сир эмас.
Умид ва тавба – бу барча ишларнинг моҳиятидир.
В. РЭЙМОНД ЭДМАН*

Масиҳийлик жамоатида қачонлардир юз берган энг таъсирчан ҳодисалардан бири харизматизм йўналишидаги ҳаракат ҳисобланади. Йигирманчи асрнинг бошида Худо Ассамблеяси жамоатлари ва эллигинчилар жамоатининг ўсиши билан бир қаторда, Azusa Street Mission (Лос-Анжелес) тилида гапириш урфга айланган дамлардан бошлаб Рим-католик жамоатининг оммалашуви таъсири ва 1960 йилларда харизматизм ҳаракатининг қайта туғилиши унинг тарафдорлари ўртасида кимўзарга садоқатни оширди ва чуқур теологик баҳс-мунозараларни келтириб чиқарди. Бирорта ҳам жамоатнинг тарихчиси харизматларнинг замонавий жамоатга бўлган таъсирини инкор этиша олмайди.

Масихийлик телевидениелари каналларида харизматик дастурлар юқори ўринга қўйилди. 1988 йили АҚШ президентлигига ўз номзодини қўйган Пэт Робинсонни завқ-шавққа тўлган кўплаб харизматлар қўллаб-қувватлашди. Жим Бэккер ва Жимми Сваггер жиноятлари атрофидаги тўс-тўполонлар жамоатни ларзага солган бўлсада, харизматик ҳаракатнинг кенг тўлкинини тўхтата олмади.

Мазкур китобда харизматик ҳаракат тарихини таҳлил қилиш ёки харизматик теологиясининг барча бандларини батафсил баҳолаб ўтиш масаласи киритилмаган. Бу борада мен томондан кўплаб китоблар ёзилган*. Мен ушбу бобда ўқувчиларнинг диққатини харизматик/неоэллигинчилар теологиясининг асосий назариясига қаратмоқчиман. Унинг моҳияти: Муқаддас Рух билан чўмдирилиш.

*Сиз ажойиб тарихий маълумотларни ва таҳлилни Фредерик Дэйл Брунернинг “Муқаддас Рухнинг илоҳиёти” китобидан топасиз (Grand Rapids: Eerdmans, 1970)

МУҚАДДАС РУХ БИЛАН ЧЎМДИРИЛИШ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ

Мен Муқаддас Рух билан чўмдирилишга нисбатан неоэллигинчилик қарашига хулоса қилишимдан аввал биз “эллигинчилик” сўзида “нео” қўшимчасини қўллаш ўринли бўлиши-бўлмаслиги ҳақида бир қарорга келишимиз лозим.

Неоэллигинчилик классик йўналишдаги эллигинчилик теологиясига таянади, аммо у анчайин даражада ўзгартирилган. “Нео” ёки “янги” эллигинчилик мавжуд эллигинчилар жамоатининг замири билан таққослаганда анча кенг асосга эга. Эллигинчилар жамоатларида дастлаб Муқаддас Рух билан чўмдирилиш муқаддаслик ҳаракатининг ажралмас аломати бўлмиш покланиш тушунчаси билан боғлиқ эди.

Мазкур ҳаракатнинг асосий ғояси иккинчи марҳамат сифатида тушуниладиган покланиш эди. У қайта туғилишдан сўнг бир зумдаёқ рўй бериб, тўлиқ ёки қисман ахлоқий мукамалликни ҳосил қиларди. Гарчи “қисман мукамаллик” термини қулоққа ғалати эшитилсада, бир қатор муҳим хусусиятларни назарда тутди. Дарҳақиқат, қисман мукамаллик мукамалликнинг бутун ғоясини хиралаштириб қўйиши мумкин бўлган қисман *номукамалликни* ўзида акс эттиради. Жиддий айтадиган бўлсак, мукамал бўлган нарса ўзини доғ-дуғлар ёки бошқа камчиликлар билан бузилишига йўл қўймайди.

Айрим перфекционистлар* иккинчи марҳамат билан покиза ва тўлиқ покланишга етишиш натижасида неофитнинг гуноҳдан озод бўлиши ҳақидаги нуқтаи назарни мунозара қилишади. Жон Уэсли перфекционизмга оид ўз фикрида буни мукамал севгининг илоҳий кучини қабул қилиш дея баҳолайди. Тақдир ҳазили туфайли никоҳ чоғида ижро этиладиган “О, мукамал севги” мадҳияси Уэслининг покланиш ҳақидаги доктринасига мисоли бир тимсол сифатида яратилганди.

*Латинча *perfectum* – мукамал.

Мазкур ҳаракатнинг издошлари аввалдан режалаштириладиган гуноҳ билан номувофиқ бўлган ғалабакор ҳаётнинг муваффақияти сифатида баҳолаб, “иккинчи марҳамат”га ўз қарашларини ўзгартиришди. Яъни агар одам Муқаддас Рух билан қачондир чўмдирилган бўлса, у яна гуноҳ қилиши мумкин, аммо ҳеч қачон гуноҳга атайин қўл урмайди. Покланган одамда қоладиган ҳар қандай гуноҳ бу тасодифан юз беради ёки билмасдан қилинади. Муқаддас Рухда чўмдирилиш одамни шунчалик поклайдики, у атайин қилинадиган гуноҳдан озод бўлади.

Гарчи айрим жамоатлар ҳануз бу таълимотга амал қилишсада, перфекционизм ғояси масихийликнинг хазинасига катта улуш қўшмади. Бундай теологияга мойиллик одамга ўзининг руҳан баркамоллигини ҳис эттириб, Худо қонунининг жиддий талабларини заифлаштириб қўяди. Чунки одам Худо қонунини ўрганишга беписанд қараб ва ўз хатти-ҳаракатларига ҳолисона баҳо беришдан қочган ҳолда, ўзининг беғуноҳлиги туйғусига осонгина етишиши мумкин.

Улуғ азизларнинг ҳаётида гуноҳ борлиги шунчалик аёнки, кўплаб перфекционистлар ўз таълимотларини чеклаб-чегаралаб ўзгартиришга интилишади, натижада эса перфекционизм нақ имперфекционизмнинг* ўзгинасига айланиб қолади.

*Латинча *imperfektum* – номукаммал.

Неоэллигинчилик илоҳиётида ахлокий перфекционизм ва Муқаддас Рух билан чўмдирилиш ўртасидаги боғлиқлик заифлашган. Харизматик етакчилар, мисол учун, Пэт Робертсон, тўлиқ покланиш ҳақида гапирганлари маълум эмас. Жим Бэккер ҳам ўзининг мукамаллиги ҳақида ҳеч нима демаган.

Неоэллигинчилик илоҳиёти Муқаддас Рух орқали чўмдирилиш ҳақида гапирганида, *кучга эга бўлиш, инъом* ёки *хизмат* сўзларига урғу беради. “Харизматик” сўзининг ўзи Янги Аҳддаги юнонча “инъом” ёки “руҳий иноят” сўзларидан келиб чиққан. У шунчалик кенг тарқалдики, иқтидорли актёр ёки сиёсат арбоби бу сўз билан боғлиқ ҳар қандай диний фарқланишдан қатъий назар “харизмат” дея аталиши мумкин эди.

Неоэллигинчилик ҳаракати амалда масихийликнинг барча конфессияларига кириб борганидан сўнг унинг таъсири турли жамоатларга ёйилди. Масалан, рим-католик харизматлари ўз қарашларида рим католикларига ён босишади, лютеран ва епископ харизматлари эса ўзларига ҳослиги билан ажралиб туришади.

Неоэллигинчилик кўплаб анъаналар билан туташиб кетгани боис унинг бирор-бир мақсадга эга теологияни яратмагани ҳайрон қолдирмайди. Шу сабабли мазкур ҳаракатга таъриф бераётганда асосий анъаналарни кўрсатиб ўтиш ва умумий жойларини изоҳлаб ўтиш зарур.

Неоэллигинчилик теологияси тақводор одам ўзини Худо хизматида бағишлаганида, Муқаддас Рух билан чўмдирилишни Рухнинг алоҳида бир фаолияти сифатида тушунади. Муқаддас Рухнинг бу иши Унинг қайта туғилишга оид фаолиятидан фарқ қилади ва одатда бунга амал қилади.

Баъзан Муқаддас Рух билан чўмдирилиш (қайта туғилиш палласида бўлиб ўтадиган) ва Муқаддас Рухда чўмдирилиш (одатда қайта туғилишдан сўнг бўладиган) ўртасида тафовут кўришади. Яъни барча масиҳийлар Муқаддас Рух билан чўмдирилганлар, лекин ҳамма ҳам Муқаддас Рухда чўмдирилган эмас.

Неоэллигинчилар ўртасидаги бу масала юзасидан келишмовчиликларга қарамай, Муқаддас Рух билан чўмдирилиш ҳақида биринчи гувоҳлик тилида гапириш анъанаси сақланиб келмоқда.

ЭЛЛИГИНЧИЛИК ВА ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Эллигинчилик ўз атамасини жамоатда Ҳосил байрами куни юз берган воқеадан олган. Муқаддас Рух билан илк жамоат ҳаётида рўй берган ҳодиса – замонавий харизматик ҳаракатининг асоси ҳисобланади. Табиийки, азиз ҳаворийлар Фаолиятида намоён бўлган руҳий ва ҳаётий кучларни қайта тиклашга бўлган кучли истак мавжуд.

Ҳосил байрами куни келганда, ҳамма имонлилар бир жойда йиғилдилар. Бирдан осмондан шиддатли шамол эсганга ўхшаши овоз келиб, улар ўтирган уйнинг ичини тўлдирди. Улар тил шаклидаги алангани кўрдилар. Ўша аланга ёйилиб, ҳар бирининг устига тушди. Шунда ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлдилар, Муқаддас Рух берган қобилиятга кўра, улар бошқа тилларда гапира бошладилар (Ҳаворийлар 2:1-4).

Бутрус бу ҳолатни кузатиб турган кишиларнинг тушунмовчиликда қолганларини кўриб, ғаройиб ҳодисани изоҳлаб беради:

Бу одамларни сизлар маст деб ўйлаяпсизлар. Аммо ундай эмас. Ахир, эндигина эрталаб соат тўққиз бўлди-ку! Аксинча, Йўэл пайғамбарнинг айтганлари бажо бўлмоқда: “Худо айтмоқда: Охирги кунларда, Ўз Рухимни ёғдираман ҳар бир инсон устига...” (Ҳаворийлар 2:15-17).

Бутрус сўзининг охирида шундай фикрни билдиради:

Ана шу Исони Худо тирилтирди, бунга ҳаммамиз гувоҳмиз. Худо Исони юксалтириб, Уни тахтининг ўнг томонига ўтқазди. Отаси Худонинг ваъдаси бўйича Исо Муқаддас Рухни қабул қилиб, Уни бизнинг устимизга ёғдирди. Буни ўзларингиз кўриб ва эшитиб турибсизлар (Ҳаворийлар 2:32-33).

Ва ҳаворий даъват билан сўзини якунлайди:

Тавба қилинглар, ҳар бирингиз Исо Масиҳнинг номи билан сувга чўминглар, токи гуноҳларингиз кечирилсин. Шунда сизлар Муқаддас Рухни инъом қилиб оласизлар (Ҳаворийлар 2:38).

Биз сўнгра Ҳаворийлар фаолияти китобининг саккизинчи бобида самарияликлар Худонинг Каломини қабул қилишларида Муқаддас Рухнинг тушиб келгани қайд этилганини учратамиз:

Қуддусдаги ҳаворийлар, Самария аҳолиси Худонинг каломини қабул қилибди, деб эшитганлари учун, Бутрус билан Юҳаннони уларнинг олдига юбордилар. Бутрус билан Юҳанно бориб, Муқаддас Рухни қабул қилиб олинлар, деб Самарияликлар учун ибодат қилдилар. Чунки ҳали Муқаддас Рух уларнинг бирортасини ҳам қамраб олмаган эди. Улар фақат Раббимиз Исо номи билан сувга чўмдирилган эдилар, холос. Шундан кейин Бутрус билан Юҳанно уларнинг устига қўлларини қўйдилар. Шу тариқа Самарияликлар Муқаддас Рухни қабул қилдилар (Ҳаворийлар 8:14-17).

Павлусга Дамашқ йўлидаги ўта таъсирчан мурожаат ва унинг Муқаддас Рух томонидан бажарилиши билан боғлиқ воқеалар уч кун оралиғида бўлиб ўтган.

Шунингдек, Муқаддас Рухнинг қамрови юзбоши Корнилийнинг уйида ҳам содир бўлган:

Бутрус ҳамон гапирар экан, унинг сўзларини эшитаётганларни Муқаддас Рух қамраб олди. Худо гайрияҳудийларга ҳам Муқаддас Рухни инъом қилиб берганини Бутрус билан бирга келган яҳудий имонлилар кўриб ҳайратда қолдилар. Чунки гайрияҳудийлар бошқа тилларда гаплашаётганини ва Худони улуғлаётганларини улар эшитиб турардилар (Ҳаворийлар 10:44-46).

Муқаддас Рухнинг бу тариқа тушиб келиши ҳақидаги охириги хабарни биз Ҳаворийлар Фаолияти Китобининг 19-боб 1-6 оятларида топамиз:

Аполлос Коринфда экан, Павлус қирлар бўйлаб йўл юриб, Эфес шаҳрига келди. Бу ерда у Исога имон қўйган бир нечта одамни учратди. Павлус улардан:

– Имонга келганларингизда, Муқаддас Рухни қабул қилдингизларми? – деб сўради. Улар:

– Йўқ, биз Муқаддас Рух борлигини ҳатто эшитмаганмиз, – деб жавоб бердилар.

– Ундай бўлса, қай асосда сувга чўмдирилдингизлар? – деб сўради Павлус.

– Яхёнинг таълимотига кўра, сувга чўмдирилдик, – деб жавоб берди улар. Шунда Павлус деди:

– Яхё тавба қилганларни сувга чўмдирар эди. У Исроил халқига, мендан кейин келаётганга, яъни Исога, имон келтиринлар, деган эди.

Улар бу гапни эшитиб, Раббимиз Исо номидан сувга чўмдирилдилар. Павлус уларга қўлини қўйган эди, Муқаддас Рух уларни қамраб олди. Улар бошқа тилларда гапирар бошладилар ва Худо аён қилган сўзларни айтдилар.

Ҳаворийлар фаолияти китобидан Муқаддас Рухнинг қамраб олиши ҳақида келтирилган бу оятлар Муқаддас Рух билан чўмдириш неоэллигинчилар доктринасининг асосини ифодалайди.

Тарихий баённомадан қуйидаги андаза ҳосил бўлади:

1. *Одамлар тақводор бўлишган, яъни Муқаддас Рух билан чўмдирилиш вақтигача қадар Рухдан туғилганлар. Бу Рухнинг қайта туғилиш ва чўмдириш фаолияти ўртасида фарқ бўлиши кераклигидан далолат беради.*
2. *Имонга эга бўлиш (қайта туғилиш) ва Муқаддас Рух билан чўмдирилиш ўртасидаги вақтда бўлиниш мавжуд. Бу ҳолат айрим масиҳийлар қайта туғилиш учун Муқаддас Рухга етарли даражада эга эканликларини, лекин кейинги қадам - Муқаддас Рух билан чўмдирилиш ҳануз рўй бермаганини яққол кўрсатиб беради.*
3. *Муқаддас Рух билан чўмдирилишнинг илк ташқи намоён бўлиш ҳолати – бу турли тилларда гапиришдир.*

Неоэллигинчилар ва анъанавий илоҳиёт тарафдорлар ўртасидаги замонавий баҳс-мунозараларнинг таҳлилига кўра, биринчи банд бўйича аҳамиятли бирор келишмовчилик йўқ. Дарҳақиқат, қайта туғилишга нисбатан умумий нуқтаи назар йўқлигига қарамай, барча масиҳийлик деноминацияси Муқаддас Рухнинг қайта туғилиш ва Унинг чўмдириш фаолияти ўртасида фарқ мавжудлигини тан олишади. Яъни Муқаддас Рух билан чўмдириш ва қайта туғилиш ҳақидаги масалалар турлича талқин қилинишидан қатъий назар, барча бу масалалар бир-биридан фарқ қилиши ҳақида ягона фикрга келишади.

Иккинчи ва учинчи бандлар қизғин баҳсларни келтириб чиқаради. Иккала тараф ҳам азиз ҳаворийларнинг Фаолиятида Муқаддас Рухда чўмдириш Унга юзланишдан сўнг (ҳеч бўлмаганда ҳам айрим одамларда) содир бўлишини, бошқа тилларда гапириш Рух томонидан чўмдиришнинг гувоҳлиги ёки ташқи белгиси сифатида намоён бўлишини маъқуллашади. Савол туғилади: Ҳаворийлар Фаолиятида барча азиз ҳаворийлар томонидан қайд этилган Муқаддас Рухнинг илк масиҳийлар ўртасида қилган фаолияти жамоатлар учун барча даврларда мақбул бўлиб қолаверадими?

Неоэллигинчилик теологиясининг тарафдорлари Муқаддас Китобда баён этилган барча далиллар ҳамма авлодлар учун қониқарли дея ҳисоблайдилар. Бу масала юзасидан ишончсизлик, биринчи қараганда, Каломнинг нуфузини шубҳа остига қўяди. Бироқ бу ерда гап Каломнинг нуфузи ҳақида эмас, балки унинг мақсади ҳақида бормоқда. Бу эса энди *талқин қилиш (интерпретация)* муаммосидир.

Жамоат ичида доимо юзага келадиган савол шундай: масиҳийларни икки тоифага, яъни Муқаддас Рух билан чўмдирилганларга ва чўмдирилмаганларга ажратиш мумкинми?

Айримлар бошқа тилларда доимо гапиришганини ва ҳеч қачон бу тўхтаб қолмаганини исботлашга уринишади. Бироқ Муқаддас Рух билан чўмдирилиш палласида бошқа тилларда гапириш муайян муддатга тўхтагани ва Муқаддас Рух билан тўйинишнинг аломати бўлмай қолгани ҳақидаги кўплаб гувоҳликлар мавжуд.

Жамоат тарихи ҳатто Афанасий, Августин, Ансельм, Фома Аквинский, Мартин Лютер, Жан Кальвин, Жонатан Эдвардс, Чарлз Сперджен каби улуг азизлар ҳам бошқа тилларда гапирмагани ҳақидаги далилларни кўрсатади*.

*Албатта, бошқа тилларда гапиришга нисбатан улуг азизлар томонидан менсимаслик ҳолатлари бўлмаган. Лютер ва Кальвин гарчи бу инъомни миссионерлик фаолияти билан боғлашгандек бўлиб туюлсада, бунга мойиллик билан қарашган. Уэсли ҳам бу ҳақда рағбат билдирган. Бироқ имон-этикоднинг бу фаол фидойилари қачонлардир бошқа тилларда гапиришга уриниб кўрганлари ҳақида исбот-далиллар мавжуд эмас.

Гарчи жамоат тарихида бошқа тилларда гапириш ҳолатлари қайд этилган бўлсада, бу кўпроқ иккинчи асрдаги монтанизм каби еретиклар ҳаракати ёки ўн тўққизинчи асрдаги ирвингиан ҳаракати билан боғлиқдир.

Агар бошқа тилларда гапириш Муқаддас Рух билан чўмдиришнинг ташқи исботи бўлса, нима учун жамоат тарихида аксарият масиҳийлар тақводорлик ҳаётининг бу кўрсаткичига етиша олмаганлар? Илк Ҳосил байрами масиҳийликнинг узок асрлик тарихидан тортиб токи бугунги кунгача “омадсиз” бўлиб келмоқдами? (Агар Ҳосил байрамининг мақсадини бошқа тилларнинг инъоми доимий қуйилиб туриши дея баҳолайдиган бўлсак, тарих бу мақсадга ҳануз эришилмаганини кўрсатмоқда.)

Баъзилар бу саволга эсхатология нуқтаи назаридан жавоб беришади: мазкур феномен биринчи асрда Муқаддас Рухнинг “дастлабки ёмғири”ни кўрсатган бўлса, замонавий ифода ёки Ҳосил байрамининг қайта туғилиши Муқаддас Рухнинг “кечки ёмғири”ни ва Масиҳнинг келиш соати яқинлашганини кўрсатади. (“Ёмғирлар” тушунчаси Йўэлнинг 2:23 башоратлари тимсоли билан боғлиқ.)

Мазкур фараз, албатта, тарихий узилиш муаммосини изоҳлаб беради. Бироқ айтиш вақтнинг ўзида масиҳийлик тажрибасининг кўп асрлик мероси ҳақида Ҳаворийлар Фаолияти китобида келтирилган фикрларни заифлаштиради.

Мазкур тарихий узилишнинг янада заифроқ изоҳи эса ўтмишдаги имонлиларни руҳий камолотга етарлича интирмай, оқибатда Муқаддас Рух билан тўйинмай қолишда айблашдан иборат. Назарий жиҳатдан бу мумкин, лекин амалий тарафлама эса ўтмишда кўплаб азизларнинг юқори руҳий даражага эришганларини эътиборга олган ҳолда бунинг эҳтимоли кам. Барча даврларда ҳам ҳаётлари Худога интилишнинг намунаси бўлиб хизмат қиладиган чуқур имонли одамлар бўлган, шундай бўлсада улардан аксарияти (эҳтимол, жуда кўпчилиги) бошқа тилларда гапиришмаган.

Ва биз тагин эллигинчилар фикрига кўра Ҳаворийлар Фаолияти китобидан бу парча жамоатга Муқаддас Рух билан чўмдиришга оид билимларни бергани ҳақидаги масалага қайтамиз. Яъни бунда Муқаддас Рух билан чўмдириш Худога юзлангандан кейин муайян вақт оралиғида содир бўлиши, шунингдек, бошқа тилларда гапириш Рух билан чўмдирилишнинг ташқи аломати сифатида хизмат қилиши келтириб ўтилган.

Мен бу ерда “*тахмин*” сўзини атайин қўллаяпман. Каломнинг ҳеч қайси жойида бошқа тилларда гапириш Муқаддас Рух билан чўмдиришнинг ўзгармас аломати экани ҳақида, шунингдек, Худога юзланиш ва Рух билан

чўмдирилиш ўртасида қанчадир вақт зарурлиги тўғрисида айтилган сўзларни топа олмаймиз. Бу фикрлар – Калом матнини талқин этишнинг натижалари, холос. Бундай хулоса ҳақиқий бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

Мен бу хулосада қонуний куч мавжуд эмаслигига ишонаман. Жамоат тарихида Ҳосил байрамининг аҳамияти қандай хавф остида эканлиги мени ташвишга солади. Неоэллигинчилик теологиясида Ҳосил байрамига нисбатан *юзаки* қараш мавжуд. Гўё неоэллигинчилик илоҳиётчилиги Ҳаворийлар Фаолияти Китобининг тарихий аҳамиятини англаб етмаган ва Рухнинг ишига Янги Аҳддан кўра, Қадимги Аҳдга кўпроқ мувофиқ келадиган харизматик қарашларни бизга тавсия этаётгандек бўлиб туюлади.

МУҚАДДАС РУХНИНГ ҚАДИМГИ АҲДДАГИ ИНЪОМИ

Қадимги Аҳдда Муқаддас Рухнинг гуноҳни ювишга оид ишларидан кўплаб мисоллар келтирилган. Ўша даврларда қайта туғилиш имоннинг ўзгармас шарти бўлган, худди ҳозирги пайтдагидек. Исо нажот учун Муқаддас Рух билан қайта туғилиш зарурлигини тушунмаган исроиллик устоз Никодимга таъна қилган.

Муқаддас Рух ўша давр одамларини имонда қайта туғилишга руҳлантириш билан бир қаторда айрим ўзига хос инъомлар ёки харизматик куч-қувват билан тақдирлаган. Каломда Муқаддас Рух билан тўлган илк одамлар ҳунармандлар Базазил ва Охолиёв бўлганлари айтилган.

Кейин Мусо Исроил халқига айтди: “Ана, Эгамиз Яҳудо қабиласидан Урининг ўғли, Хурнинг набираси Базазилни танлади. Эгамиз уни Ўз Рухи билан тўлдириб, ҳунармандчиликнинг ҳамма тури бўйича моҳир ва идрокли қилди, қобилият ато этди. У ажойиб бадий безаклар қилишга ва буларга олтин, кумуш ва бронза билан ишлов беришга, қимматбаҳо тошларни ўйишга, уларга ишлов бериб жиҳозлашга, ёғоч ўймакорлигига, бадий ҳунармандчиликка лаёқатли қилди. Эгамиз Базазилга ва Дан қабиласидан Охисамахнинг ўғли Охолиёвга ўз маҳоратини бошқаларга ўргатиш иқтидорини ато қилди (Чиқиш 35:30-34).

Агар биз бу матнни диққат билан таҳлил қиладиган бўлсак, Базазил ва Охолиёв бутун инсоният тарихида анчайин иқтидорли усталар бўлганлигини кўраемиз. Уларнинг бадий маҳорати ғайриоддий тарзда кўпқиррали бўлган. Улар кумуш ва олтинга, тош ва дарахтга ишлов беришда моҳир эдилар, боз устига, уларда бошқаларга ўргатиш маҳорати бўлган.

Қадимги Аҳдда айрим одамлар Муқаддас Рух билан мойланиш орқали хизматга қўйилган. Пайғамбарлар Муқаддас Рухдан илҳомланиб гапиришган. Шимшўн, Ўтниёл ва Шомуил каби ҳакамлар ҳам Муқаддас Рухнинг ўзига хос мойлаши билан қайд этилганлар. Ҳатто шоҳлар ҳам Рух билан мойланган. Довуд Ботшева билан гуноҳига тавба қилиб ҳайқирган: “Муқаддас Рухингни мендан олма” (Забур 50:13).

Масих сўзи ибронийча “Мойланган” сўзидан келиб чиққанини унутмаслик муҳим. Исо Қадимги Аҳдда ваъда қилинган Масих вазифасини бажарди. У Ўзининг чўмдирилишида хизматга мойланди:

Исо сувга чўмдирилди. У сувдан чиққан заҳоти, осмон очилиб кетди ва Исо Ўз устига Худонинг Руҳи каптар шаклида тушиб қўнганини кўрди (Матто 3:16).

Исо кейинчалик Носирада Ишаёнинг башоратини эслатиб ўтди ва уни Ўзи бажаришини эълон қилди:

Эгамизнинг Руҳи мени қамради, Йўқсилларга Хушхабар етказмоқ учун ... (Луқо 4:18).

Хойнаҳой, Қадимги Ахддаги одамнинг энг таъсирчан ҳолатда мойланиши Мусо билан боғлиқ бўлса керак. Мусо Исроилга Қонунни етказиш учун воситачи ва Худо танлаган идиш бўлади. Руҳ берган харизматик куч шарофати ила Исроилни бошқарди. Ҳосил байрамини тушуниш учун муҳим эпизод Мусонинг ҳаётида бўлиб ўтган. У Саҳрода китобининг 11-бобида келтирилган. Исроилликлар “маннали овқатланиш тартиби”дан нолишганида, Мусо арз билан Худога мурожаат қилди: “Бу халқнинг оғирлигини мен бир ўзим кўтара олмайман. Бунга ортиқ чидай олмайман” (Саҳрода 11:14).

Худо Мусонинг шикоятига шундай жавоб қайтарди:

Менга Исроил оқсоқолларидан етмиштасини йиғиб бер. Улар халқнинг орасида йўлбошчи деб тан олинган обрўли одамлардан бўлишсин. Уларни Учрашув чодирига олиб келиб, ўзингнинг ёнингга турғизиб қўй. Мен тушиб келиб, у ерда сен билан гаплашаман. Сўнг сенга берган Руҳимдан олиб, уларга ҳам бераман. Сен бу халқнинг оғирлигини ёлғиз ўзинг кўтармаслигинг учун, улар ёнингга кириб, оғирингни енгил қилишади (Саҳрода 11:16-17).

Биз бу ерда Муқаддас Руҳнинг кучи тарқалишини кўраемиз. Худо битта шахсни харизматик тарзда кучайтириш ўрнига, яна етмишта одамни Муқаддас Руҳ билан тўлдиради.

Худо бу ишни амалга оширганида ва одамлар қабул қилган кучларини намоён этишни бошлаганларида (Саҳрода 11:20-27), Ёшуа рўй бераётган ходисаларни Мусонинг ҳукмронлигига бўлган тажовуз дея баҳолади: “Мусо ҳазратлари! Уларни тўхтатинг!” (Саҳрода 11:28).

Сен менинг манфаатимни кўзлаб, шу гапларни айтяпсанми? Менга қолса, Эгамнинг бутун халқи пайғамбар бўлсин, Эгамиз Ўз Руҳини уларнинг ҳаммасига берсин, дейман! (Саҳрода 11:29)

Мусо Худодан Ўз Руҳини Худонинг барча одамларига юборишини, Йўэл Китобида айтилганидек, уларнинг барчаси пайғамбарлар бўлишини астойдил сўрайди:

Сўнгра Ўз Руҳимни ёғдираман ҳар бир инсон устига ... (Йўэл 2:28).

Бу Бутруснинг Ҳосил байрами кунда иқтибос келтирган ўша башоратдир. Қадимги Ахддаги қоидалар туфайли Муқаддас Руҳнинг Ҳосил

байрами кунида чекланган таъсири Муқаддас Рухнинг айримларга эмас, балки Худонинг *барча* одамларига бўлган таъсиридан фарқ қилади.

Қадимги Аҳддаги Мусо ва Янги Аҳддаги Исо воситачилиги ўртасидаги фарқ шундаки, Исо Ўзига ишонган барчани Муқаддас Рух билан тўлдиради. Бу неоэллигинчилик теологияси билан хиралаштирилган асосий ҳолат. Неоэллигинчилик Худонинг барча одамларига Муқаддас Рух инъом этилишини, бироқ уни барча ҳам қабул қилмаслигини таъкидлаб ўтади.

Бу ерда Ҳаворийлар Фаолияти китобини бошқача изоҳлаш ўринлидир. Биз мазкур китобнинг муҳим парчаларига мурожаат қилишдан аввал, манбаларни кичикроқ таҳлилдан ўтказиб олайлик.

Янги Аҳд китоблари манбасини тадқиқ этадиган фан ҳар турли китобларни диққат билан таҳлил қилиб чиқади. Бундай таҳлилдан мақсад – қадимги қўл ёзмаларни бирлаштиришда фойдаланилган илк манбаларни қайта тиклашдир. Бу академик мавҳум ўй-хаёллардан келиб чиққан ҳолда қилинмайди. Бундай таҳлилнинг асосий ютуқларидан бири – Янги Аҳд китобларининг алоҳида-алоҳида муаллифлари келтирган ўткир муаммолар ва асосий мавзуларни ажратиб чиқишдан иборатдир.

Агар биз муаллифларнинг асосий мавзуларини ҳамда тахминий аудиториясини тенглаштира олсак, ўтмишга саёҳат учун зарур бўлган катта вақт ажратилишига қарамай, бунинг самараси яққол кўринади, яъни Каломнинг маъноси бизга яқинроқ ва тушунарлироқ бўлади.

Мисол учун, олимлар Хушхабар тўпламларини – Матто, Марк ва Луқодан бошлаб – таҳлил қилиб, ҳар битта баённинг муаллифини ажратиб чиқишади. Кўплаб олимлар Хушхабарни дастлаб Марк ёзганлигини, Матто ва Луқо эса ўз ишлари мобайнида бу ёзмалардан фойдаланишганини тахмин қилишади. Марк Хушхабаридagi кўплаб маълумотлар Матто ва Луқода ҳам учрайди.

Айни вақтда Матто ва Луқода келтирилган талайгина умумий маълумотлар Марк Хушхабаридa мавжуд эмас. Кўриниб турибдики, Луқо ва Матто Марк учун иложсиз бўлган ёки у фойдаланмаган манбага эга бўлишган. Уни одатда Q манбаси деб аташади (Q немисча *Quelle* сўзидан келиб чиққан бўлиб, “манба” маъносини билдиради).

Биз фақат Луқо Хушхабаридан топадиган маълумотлар мавжуд. У L билан белгиланган. L Луқо берган ва бошқа Хушхабарларда бўлмаган маълумотларни ўзида сақлайди. Биз фақат ана шу маълумотни таҳлил этиб, Луқонинг ўзига хос қизиқишлари ва меҳнатлари ҳақида билиб оламиз. Матто билан шунга ўхшаш ҳолатда (манба одатда M деб аталади) муаллифнинг айнан яҳудий аудиториясига мурожаат қилишга зўр бериб уринаётганини пайқаймиз.

Луқо Хушхабарини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, Луқо мажусийлар учун ёзган ва унинг асосий ишларидан бири Хушхабарнинг ҳар томонлама эканлигини кўрсатишдан иборат бўлган.

Бизга Каломдан маълумки, илк жамоат даврида *энг* кучли баҳс-мунозаралар, ҳойнаҳой, мажусийларнинг ҳақ-ҳуқуқларига тааллуқли бўлган. Дастлаб жамоат имонли яҳудийлардан ташкил топган, сўнгра эса Ҳаворийлар

китобида маълум қилинишича, мажусий оламга тарқалган, айниқса, Павлуснинг миссионерлик саёҳатлари шарофати билан катта ҳудудларда ёйилиб кетган.

Луқо ҳам Ҳаворийлар Фаолияти китобининг муаллифларидан бири эканини ёдда тутиш муҳим. У жамоатда мажусийларнинг ўрни ҳақидаги барча баҳс-мунозаралардан бевосита хабардор бўлган.

Биз Ҳаворийлар Китобида Масихнинг аниқ буйруқлари Буюк Амрга мувофиқ эканлигини кўрамиз:

Аммо Муқаддас Рух сизларни қамраб олганда, куч-қудратга тўласизлар. Қуддусда, Яҳудия ва Самарияда, ер юзининг ҳамма бурчакларида сизлар Менинг шоҳидларим бўласизлар (Ҳаворийлар 1:8).

Ҳаворийлар китобидаги хронологик воқеалар масиҳийликнинг тарқалишига ушбу андазанинг таъсирини кўрсатади: Қуддус – Яҳудия – Самария – мажусийлик дунёси. Ҳикоя Қуддусдаги воқеалардан бошланиб, Хушхабарнинг миссионерлик фаолияти туфайли янада узоқларга тарқалгани ҳақида боради.

Кейинчалик Эллигинчилик куни деб аталган воқеа Қуддусда яҳудийларнинг Ҳосил байрами кунида юз берган. Унинг иштирокчилари “дунёдаги ҳар бир юртдан келган тақводор яҳудийлар” (Ҳаворийлар 2:5) бўлишган.

Бу масала юзасидан қайд этиш муҳимки, “шунда ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлдилар” (Ҳаворийлар 2:4). Бу ерда айрим тақводор яҳудийларнинг Муқаддас Рухга тўлмагани, Уни олишга муяссар бўлмаганлари, айни вақтда эса ўта чанқоқлик билан кутган солиҳларгина бу инъомни олишгани айтилмаган. Барча тақводор яҳудийлар Эллигинчи кунда Рух билан тўлган эдилар.

Бу ҳолат Ҳаворийлар китобида Муқаддас Рухнинг келиши қайд этилган бошқа пайтларда ҳам юз берган. Унда қандайдир тақводорнинг ёки бир гуруҳ имонлиларнинг Муқаддас Рух тушиб келганида ваъда қилинган Рухни олмай қолгани (ёки фақат қисман олишгани) ҳақида ҳеч нима дейилмаган. Рух барча иштирокчиларни қамраб олган.

ТҶРТТА ЭЛЛИГИНЧИЛИК

Илк жамоатда Масихнинг танасига тўлиқ кириш масаласи фақат яҳудийлар ва мажусийларгагина тааллуқли бўлиб қолмаган.

Жамоатда тутган ўринлари муҳокама этилган тўрт тоифадаги одамлар бўлган. Санаб ўтамиз: яҳудийлар, самарияликлар, Худодан кўрқадиганлар ва мажусийлар. Худодан кўрқадиганлар – бу яҳудийлик динига эътиқод қўйган мажусийлар. Улар яҳудийлик қонунларини қабул қилишган, лекин суннат қилинишни истамай, Худога тўлиқ юзланиш олдида тўхтаб қолишган. Ҳаворийлар китобида Худодан кўрқадиган Корнилий ҳақида ҳикоя қилинади:

Қайсарияда Корнилий деган бир одам бор эди. У Рим лашкаридаги “Италия” номли бўлинмада юзбоши эди. Корнилий тақводор одам бўлиб, унинг ўзи ҳам, оиласи ҳам Худодан қўрқарди (Ҳаворийлар 10:1-2).

Шуниси ҳайратда қолдирадигани, Ҳаворийлар китобида Рухнинг тўрт маротаба эллигинчи кунда келгани қайд этилган бўлса, У барчасида жамоат томонидан савол остига қўйилган ўша тўрт тоифадаги одамларни қамраб олган. Яҳудийлар Муқаддас Рухни Эллигинчи кунда қабул қилишган, самарияликлар – Филип, Бутрус ва Юҳанно билан хизмат чоғида, Худодан қўрқадиганлар эса – Корнилийнинг уйида (Ҳаворийлар 10). Ва ниҳоят, Эфесда ҳам мажусийларни Рух қамраб олган (Ҳаворийлар 19). Мана тўртта гуруҳ ва уларнинг барчаси Муқаддас Рухни қабул қилганлар.

Хўш, бу воқеаларнинг аҳамияти нимада? Неоэллигинчилик бунинг аҳамиятини Худога юзланиш ва Рухни қабул қилиб, бошқа тилларда гапириш инъоми берилганлиги ўртасидаги вақт оралиғида кўради.

Бироқ бундай қараш Луконинг воқеаларга берган баҳоларига тўғри келмайди.

Ҳаворийлар уларни қандай талқин этишади? Биз бунга жавобни Ҳаворийлар Китобининг 10-бобидан топамиз:

Бутрус ҳамон гапирар экан, унинг сўзларини эшитаётганларни Муқаддас Рух қамраб олди. Худо гайрияҳудийларга ҳам Муқаддас Рухни инъом қилиб берганини Бутрус билан бирга келган яҳудий имонлилар кўриб ҳайратда қолдилар. Чунки гайрияҳудийлар бошқа тилларда гаплашаётганини ва Худони улуғлаётганларини улар эшитиб турардилар. Шунда Бутрус деди:

- Бу одамлар, худди биз сингари, Муқаддас Рухни қабул қилдилар. Шундай экан, уларнинг сувга чўмдирилишига ким тўсқинлик қила олади?!

Шундай қилиб, Бутрус уларга, Исо Масиҳ номи билан сувга чўминглар, деб буйруқ берди (Ҳаворийлар 10: 44-48).

Ушбу матнда мажусийлар Рухни қабул қилиб олганлари учун яҳудий имонлиларнинг ҳайратга тушганлари қайд этилган. Бутрус учун бу ҳолат жамоат аъзоси бўлишни истаган барчанинг ҳақ-ҳуқуқлари тенг эканлигини англатган. “Ким чўмдирилишни таъқиқлаши мумкин?” – сўради Бутрус. Ва уларга чўмдирилишларига амр берди. Луконинг бу ёзмалари орасидан барча учун очиқлик, Янги Аҳд жамоатининг ҳар томонлама қамровли эканлиги ҳақидаги муҳим мавзу кўриниб туради. Худо Шоҳлигида иккинчи тоифали фуқаролар бўлиши мумкин эмас. Яҳудийлар, самарияликлар, тақводорлар ва мажусийлар – барчаси Муқаддас Рух билан чўмдирилишни қабул қилишган.

Эллигинчиликнинг белгилаб берадиган асосий аҳамияти – бу Худонинг барча одамларини Рух билан чўмдиришидир. Бироқ Худога юзланиш ва Муқаддас Рухни қабул қилиш оралиғидаги вақт асосий воқеа деб ҳисобланадиган бўлса, бундай хулосага келиш қийин. Тўртта ажратилган “Эллигинчилик”нинг амалга ошиши ўзининг покловчи-тарихий сабабларига эга. Бу сабаблар барча тўрт гуруҳнинг жамоатда тенг ҳуқуқли эканлигини

якқол кўрсатиб берди. Ўз навбатида, матнда Худога юзланиш ва Рухни қабул қилиш оралиғидаги вақтни бир меъёр тариқасида кўрсатадиган ҳеч нима йўқ. Павлус 19-бобда эфесликлардан сўрайди: “Имонга келганларингизда, Муқаддас Рухни қабул қилдингизларми?” (Ҳаворийлар 19:2). Ҳойнаҳой, Павлус ўз мурожаати вақтида эфесликлардан эллигинчилик тажрибасини олиш имкониятини кўзлаган бўлса керак. Бу шундан далолат берадики, ҳаворий вақт оралиғига меъёр сифатида қарамаган. У гарчи вақт оралиғи бўлиши эҳтимолини назарда тутган бўлсада, унинг барқарорлигига ишонч билдирмаган.

Хўш, Муқаддас Рух билан чўмдирилишнинг зарурий исботи сифатида бошқа тилларда гапира бошлаш масаласи қандай ечим топади?

Ҳаворийлар китоби сатрларидан аёнки, бошқа тилларда гапириш инъоми Рух билан тўлганликнинг ташқи аломати ҳисобланади. Қўлёзмалар Рухнинг одамга тушиб келганини аниқ қайд этишган. Бу олий даражадаги завқ-шавқ туйғусини Саҳрода китобининг 11-бобида Элдод ва Мидод Муқаддас Рухни қабул қилганларида ҳис этганлар. Исо сувга чўмдирилганида рух каптар шаклида пайдо бўлди (Матто 3:16)*. Эллигинчиликда аломатлар ҳам кўринарди, ҳам эшитиларди: аччиқ гап-сўзлар Рух билан тўлган ҳар бир кишига ёпириларди.

*Биз Исонинг чўмдирилишида каптарни Муқаддас Рух тимсолида кўраемиз. Тинчлик тимсоли бўлган каптар (Нух кемаси каптарининг авлоди) – Муқаддас Рухнинг мақбул ифодасидир, бироқ у куч-қудрат тушунчасини етарли даражада аниқ етказиб беролмайди. Шиддаткор шамол – анча ёрқин образ, табиийки, шамол ва Рух Муқаддас Китобда ўзаро кўпгина умумийликка эга. Биз олов ҳақида Эллигинчилик ҳақидаги баённомада ўқиймиз. Бу ҳам ажойиб образ, лекин у ҳам шамол ва каптар каби шахс ғоясини бермайди. Афсуски, Рух учун кўринарли даражада тўғри келадиган рамзлар йўқ.

Бироқ бу кўринарли аломатлар Рух билан тўлишнинг зарурий ёки шартли белгиси сифатида қабул қилинмасди. Гарчи бошқа тилларда гапириш жамоат ҳаётида давом этган бўлса ҳам, Павлуснинг бу масала юзасидан Коринфликларга Мақтубидан аён бўладики, у харизматик инъомнинг ўзгармас белгиси сифатида кўриб чиқилмаган.

Павлус Коринфликларга Биринчи мақтубида тиллар – Худонинг инъоми бўлиб, шу боис фойдали эканлигини таъкидлаган бўлсада, жамоатда уларга жуда катта аҳамият бермаслик лозимлигини таъкидлаган. Ҳаворийнинг бу масалага нисбатан фикри аниқ ифодаланган:

Худога шукурки, номаълум тилларда мен ҳаммангиздан кўпроқ гапираман. Имонлилар жамоатида эса номаълум тилда минглаб сўзларни гапиргандан кўра, бошқаларга насиҳат қилиш учун тушунарли бештагина сўз айтишни афзал биламан (1 Коринф. 14:18-19).

Ҳаворийча тенглама – 5:10000. Павлус савол қўяди: “Ҳамма ҳам номаълум тилларда гапириш қобилиятига эгами?!” (1 Коринф 12:30). Бу ерда изоҳ берилмаган. Бироқ жавоб масаласида шубҳа йўқ. Бундай саволга фақат биргина жавоб бўлиши мумкин: йўқ.

Коринф жамоатида Рухнинг инъоми очик-ойдин ва амалий эди. Шу билан биргаликда, Павлус одамлар Муқаддас Рухдан оладиган турли инъомлар ҳақидаги ҳолатларни ишлаб чиқади:

Рух берадиган инъомлар ҳар хилдир, аммо Рух бирдир. Хизмат қилиш йўллари ҳар хилдир, Раббимиз Исо эса бирдир. Тўғри хизматлар ҳар хилдир, лекин ҳар бир инсонга бу хизматларни бажариш қобилиятини бераётган Худо бирдир. Умумий манфаат учун Муқаддас Рух ҳар кимда ўзига хос равишда намоён бўлади. Бир одамга Рух орқали донолик билан гапириш қобилияти берилади, бошқа бировга эса худди шу Рух орқали илм-маърифатга тўла сўзларни гапириш қобилияти берилади... кучли бир имон берилади... Буларнинг ҳаммасини Муқаддас Рух бажо қилади. Ҳар бир инсонга Рухнинг Ўзи лойиқ кўрган инъомни ато қилади (1 Коринф 12:4-11).

Муқаддас Рух Ўз жамоатини инъомлар билан сахийларча тақдирлайди. Жамоат – бу ҳамжиҳатликда ва турлича тарзда ишлайдиган қобилиятли аъзоларнинг вужудидир. Ҳеч қандай хизмат ёки инъом Рухнинг намоён бўлиши каби ўзига хос аломат сифатида улуғланмайди.

Павлус яна шуни таъкидлайди:

Ахир, биз ҳаммамиз – яҳудийлару юнонлар, қуллару озод бўлганлар, бир тана бўлишимиз учун бир Муқаддас Рухга чўмдирилдик. Ҳаммамиз ўша бир Рухга тўлиб-тошганмиз (1 Коринф. 12:13).

Дейл Бруннер бу ҳолатни шундай шарҳлайди:

Агар бу оят номаълум тилларда гапириш Масихда чўмдирилишдан ташқари Муқаддас Рух билан иккинчи, навбатдаги, алоҳида бир чўмдирилиш борлиги орқали талқин этиладиган бўлса, бу ҳолда айримларгина масихий бўлишлари мумкин, бу эса ўз-ўзидан “ҳаммага... ҳаммага” сўзларига тесқари чиқади. Қарама-қаршилик нафақат алоҳида сўзлар билан, балки бутун матн билан юзага келади. Павлус Коринфликларга Биринчи мактубида ҳар томонлама чўмдирилишни фақат айримларгина олишини ёзмаган, балки барчага Рух орқали бериладиган марҳаматли чўмдирилиш ҳақида ўргатади.*

*Фредерик Дейл Бруннер. Муқаддас Рухнинг илоҳиёти. Grand Rapids: Eerdmans, 1970, 292-бет.

Муқаддас Китоб талқини орқали эллигинчилик аҳамиятига бериладиган маъно неоэллигинчилик томонидан Муқаддас Рух билан чўмдирилишга қаратилган тушунчасига мувофиқ келмайди. Рух кимни ҳаётга қайтарса, Унинг Ўзи чўмдиради, рухга тўлдиради ва хизмат қилишга куч бағишлайди.

Бу Эллигинчиликнинг ғаройиб хабаридир. Худонинг режасига кўра Муқаддас Рух ҳар бир имонлига хизмат қилиши учун покланишни инъом этган. Барча жамоат юқоридан даъват этилган. Икки тоифага ажратилган имонлилар: яъни қобилиятли ва қобилиятсиз, Рухда чўмдирилган ва Рухда чўмдирилмаганлар бўлмайди**.

**Кўпгина харизматлар ва эллигинчилар Рухнинг бошқа инъомларини ажратиб кўрсатишади: шифо бериш, башорат қилиш, мураббийлик, меҳмондўстлик, рухларни фарқлаш, ёвуз рухларни ҳайдаш, тилларни

талқин этиш ва ҳ.к. Афсуски, кўплаб масиҳийлар фикрига кўра айнан бошқа тилларда гапириш Рух билан чўмдирилишнинг исботи сифатида қаралади.

Биз замондош масиҳийларнинг ўзларининг Рухда чўмдирилишлари ва бошқа тилларда гапиришлари руҳий ҳаётларини тубдан ўзгартириб юборгани, кўпроқ саъй-ҳаракатни, каттароқ жасоратни пайдо қилгани, ибодатлари жиддийроқ тус олгани ҳақида кўплаб гувоҳликлар беришганини эшитамиз.

Мен бу одамларнинг тажрибасини мунозара қилмоқчи эмасман. Имонда улғайиш, ғайрат-шижоат кўрсатиш, теран ибодат қилиш ва шу кабилар ҳақида эшитганимда завқ-шавққа тўламан. Мени тажрибаларнинг кўп маънога эга бўлиши эмас, унинг маъносини тушуниб етиш масаласи ташвишга солади. Айнан тажрибаларни талқин этиш баъзан Каломга зид келадиган тушунчаларни келтириб чиқаради. Бизнинг нуфузимиз – бу бизнинг маҳоратимиз эмас, балки Худонинг Каломидир. Жамоатдаги одамларнинг руҳдаги тажрибалари бир хил эмас, лекин бу ҳолат улар бир қанча ўша битта Рухга эга эканликларини англатмайди. Бу эса Коринф жамоатини чуқур ташвишга солган масаладир.

Мен жамоатнинг ҳар бир аъзоси Муқаддас Рухга эга эканлигини даъво қилмайман. Жамоатга аъзо бўлиш Муқаддас Рух билан чўмдирилишни нажот берилишидан ортиқ даражада кафолатлай олмайди. Имонда бўлмаган ҳеч бир одам Муқаддас Рух билан чўмдирилмаган, бироқ ҳар бир имонли, ҳар қандай қайта туғилган одам Муқаддас Рух билан чўмдирилган. Ҳар қандай масиҳий Эллигинчи кундан бошлаб токи ҳозирги кунгача бир вақтнинг ўзида Рух билан қайта туғилган ҳамда Рух билан чўмдирилган. Мана шу Эллигинчилик моҳиятидир. Ўзгача маъно-моҳиятлар қутқарилиш тарихининг муқаддас маъносига соя туширади. Кимки қайта туғилган бўлса, у Рух билан муҳрланган, Рухда чўмдирилган ва Рухнинг ғайрат-шижоатига эга бўлгандир.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ РУХНИНГ МАҲСУЛИ

*Худо Муқаддас Рухнинг инъомини берганда
Сени шу инъомларга муҳрлаб қўйди.
Бу муҳр Худонинг ҳар қайси фарзандида бор,
Унда Муқаддас Рухнинг Ўзи яшайди.*

ТОМ РИЗ

Муқаддас Рухнинг инъоми жалб этувчи ва ғаройибдир. Иқтидорли одам бўлиш дўстлар томонидан ютуқларимиз ёки қобилиятларимизнинг эътироф этилишимизни англатади. Шу ва бошқа сабабларга кўра, жамиятимизда Рухнинг инъомларига Рухнинг маҳсулидан кўпроқ даражада эътибор қаратилади. Гўё Рухнинг маҳсули Рухнинг инъомлари билан таққослаганда Унинг соясида қолиб кетиб енгилаетганга ўхшайди. Шундай

бўлсада, Рухнинг айнан маҳсули – покланишдаги ўсишимизнинг кўрсаткичидир. Муқаддас Рухнинг бизга берган инъомларидан виждонан фойдаланишимиз, шубҳасизки, Худога манзур бўлади. Бироқ менимча, Худога Унинг халқи Рухнинг маҳсулини кўпайтираётганини кўриш кўпроқ ёқади.

Павлус галатияликларга насихат қилади:

Яна шуни айтайин: Рух етакчилигида ҳаёт кечиринг, шунда худбин истакларингизни қондирмайсиз (Галатияликлар 5:17).

Масихийлик ҳаёти – бу биз пиёда кезадиган йўллар, бу саёҳатдир. Юриш – ҳаракатланишнинг секин усулидир. Бизларнинг аксариятимиз шиллиқ қурт тезлигида ҳаракат қиламиз. Биз барча елканларни ёйиб учмаймиз ва васваса тўсиқларидан сакраб ўтмаймиз. Ҳаракатларимизни турли тўсиқлар ушлаб қолади. Ҳар бир бурилишда пешонамизни уриб оламиз. Павлус яна ёзишда давом этади:

Ахир, ўшандай инсоний истаклар Рухга қарши, Рухнинг истаклари эса инсоний худбин истакларга қаршидир. Буларнинг иккаласи бир-бирига қарши, шунинг учун сизлар хоҳлаганингизни қила олмайсизлар (Галатияликлар 5:17).

Бу энди жанг ҳисобланади. Эски одам янгисига қаршилиқ кўрсатади. Одамнинг гуноҳкор табиати Рухнинг амрини бўғиб ташлашни истайди. Гарчи бу кўринмас уруш бўлсада, ички курашимизнинг ташқи аломатлари кўриниб туради. Агар Рух ғалаба қозонса, биз бу ғалабанинг самарасини кўрамиз. Тана енгиб чиққанида эса, бунинг ташқи аломати дарҳол намоён бўлади.

Рухнинг самаралари ҳақида батафсил тўхталиб ўтишдан аввал Павлус тананинг ишларини бирма-бир санаб ўтади. Тананинг ишлари Рухнинг самаралари билан кескин фарқланиб туради.

Худбин истакларга эрк бериш қўйидагиларни келтириб чиқариши ҳаммага аён: фаҳш-зино, ҳаром-ҳаришлик, ахлоқий бузуқлик, бутпарастлик, фолбинлигу иссиқ-совуқ қилишлар, душманлик, жанжалкашлик, рашик, жаҳлдорлик, ғаламислик, низолару ҳар хил гуруҳларга бўлиниш, айш-ишратга берилиш ва шуларга ўхшаш ишлар. Сизларни олдин огоҳлантиргандим, яна огоҳлантиряпман: бундай ишларни қилувчилар Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд бўлмайди (Галатияликлар 5:19-21).

Тана ишларининг рўйхати иккита сабабга кўра ўта муҳим. Биринчидан, у Рухнинг самараси билан қарама-қаршилиқни аниқлайди; иккинчидан, ҳаворийлар қайд этишганидек, у гуноҳкорона амалиётни тасвирлаб берувчи қайта туғилмаган ва йўқотилган одамни таърифлайди. Албатта, гуноҳи ювилган одам ҳам қайсидир вақтда бу гуноҳлардан бирортасига тушиб қолиши мумкин. Бундай гуноҳлар баъзан ҳаттоки энг улуғвор азизларда ҳам намоён бўлган. Бироқ бу гуноҳлар масихий учун хос эмас. Агар одамнинг ҳаёт тарзи фақат вужуд истак-майллари билан белгиланадиган бўлса, у ҳали покланмагани кўриниб турибди.

Демак, мазкур рўйхат шундай ёмонликлар ҳақида огоҳлантирар экан, ҳарҳолда қайд этилган гуноҳлар ҳақида қисқача бўлсада тўхталиб ўтиш муҳим.

1. **Хиёнат.** Биринчи қайд этиладиган гуноҳ – бу еттинчи амрдаги таъқиқ. У никоҳнинг муқаддаслигини ғайриқонуний жинсий алоқа туфайли бузилишини назарда тутди.
2. **Зино.** Никоҳ ришталари билан боғланмаган одамларнинг бетартиб жинсий алоқаси. Бу одатда никоҳгача бўлган жинсий алоқаларга тааллуқли. Бироқ бу ўринда ғайриқонуний жинсий алоқалар бу сўзнинг кенг маъносида назарда тутилмоқда. (Бесоқолбозликни ҳам қўшган ҳолда.)
3. **Нопоклик.** Бу ерда ҳам шахвоният маъноси кўзда тутилмоқда. У халқ тилида “ифлослик” деб аталадиган муайян ҳатти-ҳаракатларни акс эттиради.
4. **Номақбул ишлар.** Яъни тийиқсиз ва бошқарувсиз ҳаёт тарзи ҳамда имкони етган даражада барча ҳайвоний ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш.
5. **Бутпарастлик.** Бутларга ёки сохта худоларга мажусийлик нуқтаи назаридан сажда қилиш. Бутпарастликка моддий буюмларга сиғиниш ҳам тааллуқли.
6. **Жодугарлик.** Спиритуализм, фолбинлик, астрология ва шу каби таъқиқланган тажрибаларни ва жодугарликни ўзида акс эттиради.
7. **Душманлик.** Бу бадҳоҳлик, норозилик хусусиятига эга бўлган муносабатлар.
8. **Низо.** Ҳар қандай масалани муҳокама этишга қаратилган инжиқ, қайноқ ўзаро муносабатлар.
9. **Рашк (Ҳасад).** Бошқа одамларнинг ютуқлари ёки ғалабаларининг аҳамиятини пасайтириб, назар-писанд қилмайдиган худбин қалбни акс эттиради.
Ҳойнаҳой, 7, 8 ва 9-рақамлар остида масиҳийларнинг энг “севимли” гуноҳларларидан айримлари келтирилган бўлса керак, чунки уларни осонгина ниқоблаш ёки бу гуноҳларни умуман тан олмаслик мумкин.
10. **Жаҳл.** Яққол акс этган норозиликнинг тийиқсиз қўзғалиши, “қайноқ қонлик” белгиси.
11. **Жанжал.** Бошқалар зарари ҳисобига шахсий манфаат кўриш истаги туфайли пайдо бўладиган қарама-қаршилик.
12. **Келишмовчилик.** Ҳурмат доирасидаги “ихтилоф”дан ташқаридаги ўзаро муносабатлар. Бу кўпроқ гуруҳларга бўлиниб курашиш кайфиятини туғдирадиган жанговор душманликка ўхшайди.
13. **Бидъат.** Ҳақиқатга яққол қарама-қарши бўлган фикр. Бу ўринда илоҳиётга тааллуқли хатолардан кўра каттароқ нарса назарда тутилмоқда. Бу ҳар қандай вазиятда сохта йўналишга ўз ҳолича, қайсарлик билан амал қилишдир.

14. **Хасад (кўролмаслик).** Бошқага тегишли бўлган нарсани эгаллаш истаги. Бунга жамиятда нуфузи билан ажралиб турадиган одамларга яқин бўлишга ҳаддан ортиқ даражада интилишни ҳам киритиш мумкин.
15. **Қотиллик.** Ўз моҳиятини кўрсатиб турадиган ҳаракат. Албатта, аксарият масиҳийлар қотил эмас, лекин Масиҳнинг яқин кишига нисбатан ғазаб ҳақидаги сўзларини (Матто 5:22) ҳамиша ёдда тутиш керак.
16. **Мастлик.** Бу майл ичкиликни меъёрида истеъмол қилмасликка сабаб бўлади. Бунга гиёҳвандликни ҳам қўшиб қўйиш мумкин.
17. **Бебошлик.** Бундай ҳаёт тарзи ахлоқсиз зиёфатлар, ёввойи оргиялар, сурункасига ичкиликбозликни ўзида акс эттиради.

Павлус тана ишларининг бу рўйхатига Рухнинг маҳсули бўлган ишлар рўйхатини қарама-қарши қўяди:

Рухнинг самараси эса қуйидагилардир: муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабр-тоқат, меҳрибонлик, эзгулик, ишонч, мулойимлик ва ўзини тутати билиш. Бу хислатларга қарши бирон қонун йўқ (Галатияликлар 5:22-23).

Хаворий бу ерда ҳақиқий ҳалоллик образини тасвирлайди: У Рухнинг бизда ўсадиган маҳлиси сифатида тасвирланган. Биз ўз ҳолимизча фақат танамиз. Тана фақат танани вужудга келтиради. Тананинг иши – мана шу тананинг маҳсулидир. У ҳеч нима эмас. Мартин Лютер бу “ҳеч нима эмас”ни – қандайдир “кичкинагина ҳеч нима” эмаслигини таъкидлаган.

Ўхшашлик ўхшашликни ҳосил қилади: ишлаб чиқарувчи қандай бўлса, маҳсулоти ҳам шунга яраша бўлади. Насл-насабда онтогенез акс этади. Фақат Муқаддас Рухгина пайдо қилиб, рухнинг маҳсулини беришини мумкин. Биз иноятдан ташқарида Рухсиз илоҳиётнинг роҳиблари ва даҳолари, жўшқин нотиклари бўлишимиз мумкин. Бироқ Рух маҳсулининг ягона манбаси – бу Муқаддас Рухнинг ботинимиздаги ишидир.

Рухнинг самараси сафларимизда ҳалолликнинг олий андазаси сифатида улуғланиши бежиз эмас. Бизда танага хосликлар ҳали шунчалик кўп яширинки, биз бошқа андазани маъқул деб биламиз. Рухнинг маҳсулини текшириш жуда қимматга тушади, биз бунга бардош беролмаймиз. Шу боис масиҳийлик субмаданиятининг ичида ўзимиз ўлчаган ва назаримизда ўзига жалб этадиган бўлиб туюладиган қуйироқ андазаларни қўллаймиз. Ва ҳаттоки биз-биримиз билан рақобатлашамиз: вужудни Рухга нисбатан қўллаб, буни осонгина бажариш мумкин.

Севгининг бизни текширувдан ўтказиши қанчалик оғир! Ва илтимос, мени эзгулик ўлчови ёрдамида баҳоламанг. Боз устига, ёшимга мос равишда сабр-тоқат кўрсатолмайман, чунки ўта бесабр одамман. Амалда сабр-тоқатни намоён этишдан кўра ваъз қилишим осонроқ. Тинч-тотув яшашдан кўра тинчлик ҳақида китоб ёзишим енгилроқ кечади.

Биринчи қарашда, Рухнинг самараси ўзида умумий қабул қилинган фазилатларни акс эттираётгандек бўлиб туюлади. Жан Кальвин қайта туғилмаган мажусийлар ҳам муайян даражада кўрсатишга қодир бўлган яхшиликлар ҳақида гапиради. У инсоний вужуд орқали эришиладиган “фуқаролик ҳалоллиги” ҳақида ёзади. Худонинг инояти билан тубан тушган мавжудотлар ҳам ҳалолликнинг ташқи кўринишини намоён этадилар.

Ташқи ҳалоллик кўринишдан Худонинг қонунига мувофиқ келади, лекин унда Худонинг севгиси ўрнашган самимий асос мавжуд эмас. Имонда бўлмаганлар табиий боғланиш шарофати билан севишади. Имонда бўлмаган эрлар ўз хотинларига нисбатан табиий интилишни ҳис этишади. Имонда бўлмаган оналар фарзандларига табиий равишда боғланиб қолишади. Дунёвий мусиқа севгининг афзалликларини улуғлайди.

Шунингдек, Рухнинг самараси сифатида қайд этилган бошқа фазилатлар ҳам имонда бўлмаган одамлар ўртасида улуғланиши мумкин. Адольф Гитлер қайсидир паллада меҳрибон бўлган, ҳатто Сталин юмшоқликни намоён этган, Миср фиръавни эса Мусо даврида сабр-тоқат кўрсатган. Бизнинг давримизда мормонлар қатъий меъёрга амал қилишлари билан ажралиб туришади.

Мана шу ерда муаммо яширинган. Агар эътиқодсиз одамлар Рухнинг самараси сифатида қайд этиладиган фазилатларни кўрсата олсалар, бу афзалликлар Муқаддас Рухнинг ҳаётимиздаги иштироки билангина таъминланишини қандай билишимиз мумкин? Рух маҳсулининг ҳеч қандай ташқи кўриниши қайта туғилишнинг исботи бўлолмайди.

Ҳойнаҳой, Рухнинг самарасини “фуқаролик ҳалоллиги” сифатида қабул қилмаслик учун, масиҳийлар ҳамма жойда ҳақиқий покликни изласалар керак. Бироқ Муқаддас Китоб бундай майл-ҳавасларга берилишимизга йўл қўймайди. Рух ҳақиқий самарани ҳосил қилади. Бу Унинг меҳнати бўлиб, биз уни ҳаётимизга сингдиришимиз лозим. (Эътиқодсиз одамлар ҳам меҳрибон, илтифотли, тинчликпарвар бўлишлари мумкинлиги боис, масиҳийлар кўпинча ваъз, мактублар ва шу каби фаолият турларини танлашади. Рухнинг маҳсулини аста-секин ривожлантириб яхши инсонга айланиш камроқ обрў келтириши мумкин, лекин бу сўзамол ваъзгўй, диний асарлар муаллифи, Хушхабар куйчиси ва ҳ.к.з. бўлишдан кўра Худога кўпроқ ёқади.)

Биз фуқаролик ҳалоллиги ва Рухнинг самараси ўртасидаги фарқни белгилашни ўрганиб олишимиз шарт. Бунинг фарқи даражага боғлиқ эмас. Бу сифат тафовути.

Рухнинг самараси ғайриоддий ва ўзига хос. Оддий севги ва ўзига хос севги, табиий севги ва илоҳий севги ўртасидаги фарқ айнан ана шунда.

СЕВГИ

Муқаддас Рух ҳосил қилган севгининг самараси – трансцендент (ҳодисаларни тажриба билан эмас, балки фақат ақл-идрок билан тасаввур қилиш) севгидир. У умумий қабул қилинган фазилатлардан ўзининг табиий яқинлиги боис устун туради. Бу Коринфликларга Биринчи мактубнинг 13-

бобида мадҳ этилган каломий *adare*, яъни севгидир. Севимли инсонни севиш бошқа гап, душманини севиш эса мутлақо бошқа масала. Табиий севги паст сифатли олтинга ўхшайди. Унга худбинона манфаатлар қўшилган, ҳасад кўрғошини ва пасткашлик тошқоли аралашган. Бу беқарор севги.

Павлус Коринфликларга биринчи мактубида бизга айтадики, “севги ҳасад қилмайди, мактанмайди, кеккаймайди. Севги одобсизлик қилмайди, худбинлик қилмайди, аччиқланмайди, кек сақламайди”. Бундай севги ўзига урилган зарбаларни ҳисобламайди, хафагарчиликларни кечиради.

Ҳақиқий севги – бу мастлик, рақслар, пардоз-андоз, кино, қарта ўйнаш ва шу кабилардан шунчаки ўзини тийишгина эмас. Ҳасад – мана шу хочнинг келишига сабабчи бўлган, лаб бўёғи эмас; очкўзлик покланишга эҳтиёжманд бўлган, қарта ўйини эмас, мағрурликка раҳм-шафқат зарур бўлган, асло кино эмас.

Айримлар ҳақиқий севгини “шартсиз севги” дея тасвирлашади. Бу тушунча тоза олтиндан танга ёки кўзбойлоқчининг қопидаги тилла суви югуртирилган майда тош ҳам, чин ҳақиқат ёки қўпол ёлғон ҳам бўлиши мумкин. Барчаси нима назарда тутилаётганига боғлиқ. Ўз меҳробининг тепасидан илтифот билан жилмайганича, “Худо сизларни қандай бўлсангиз, шу ҳолингизча қабул қилади”, деб уқтираётган руҳоний даҳшатли ёлғонни айтмоқда. Осмон Шохлиги ўз талабларида жаноб Роджернинг қўшничилигидан кўра анча қаттиққўл. Хушхабар севгисини шакарли иноят билан ширин қилиб бўлмайди. Худо димоғдор одамни унинг мағрурлиги билан қабул қилмайди. Қатъий ишонаверинг, Худо тавба қилмаганлардан ўгирилади. Худо Ўзининг тубанликка тушган ижодига севгини намоён этади, лекин бу севгининг муқаддас талаблари бор. Биз Унинг олдига тиз чўкиб, чин қалбдан тавба қилган ҳолда келишимиз керак.

Жонатан Эдвардс севги ҳақида шундай деган:

Агар севги – бу масиҳийликнинг натижаси бўлса, бу ҳолда севги рад этадиган нарсалар масиҳий учун мутлақо тўғри келмайди. Ҳасадгўй, жаҳлдор, совуқ ва тош юракли масиҳий – улкан бемаънилик ва қарама-қаршиликдир. Бу худди хира ёруғликка ёки сохта ҳақиқатга ўхшайди.

Устозим, доктор Ж.Жестнер бир куни ҳаворий Павлуснинг ҳаётида *adare* намоён бўлгани ҳақида гапирганди. У одамнинг феъл-атворини тасвирлаш учун ҳаворийнинг исмидаги тўрт ҳарфдан (PAUL) кроссворд сифатида фойдаланган. *P* ҳарфи *polluted* (ифлосланган) маъносини билдирган, чунки Павлус ўзини энг катта гуноҳкорлардан бири дея ҳисоблаган. *A* ҳарфи ҳаворийлик хизматини англатган. Бироқ бу ўринда айнан *U* ва *L* ҳарфлари кўпроқ мос тушади. *U* ҳарфи ҳақиқатга мурасасиз (*uncompromising*) садоқатни акс эттирса, *L* ҳарфи Павлус севгисининг сифатини билдиради. Жестнер буни шу тарзда изоҳлайди: “Биз Павлуснинг мурасасиз ва севадиган одам бўлганини гапирмаяпмиз. Гап ҳатто унинг мурасасиз, аммо севувчи одам бўлгани ҳақида ҳам эмас. Биз аслида Павлуснинг мурасасиз, ўз навбатида эса, севадиган инсон бўлгани ҳақида айтмоқдамиз”.

Рухий севги Худо томонидан яратилади. Биз Уни севишга қодирмиз, негаки дастлаб У бизни севган. Айнан Унинг севгиси юракларимизга қуйилган. Бу севги табиий яқинликдан устун туради. Бу севги Худо-Муқаддас Рух томонидан қайта шакллантирилган қалбдан қуюлиб келади.

ҚУВОНЧ

Қувонч Рухнинг самараси деб аталган. У бизнинг севимли жамоамиз суперкубокни ютган дамларда биз ҳис этган завқ-шавққа ўхшамайди. Бу “сават ичидаги мушукнинг қувончи” ҳам эмас. Худди трансцендент севги *adare* бўлгани каби, масиҳийлик қувончи – трансцендентдир. У роҳат-фароғатдан ҳосил бўлган. Ўтиқодсиз одам табассум ҳосил қиладиган ижобий туйғуларни ҳис этади, бироқ ҳеч бир ўтиқодсиз одам нажотнинг фароғатли қувончини ҳис этмаган.

Рухнинг қувончи доимий. Бу йилнинг суперкубогини ютиб олган чемпион кейинги мавсумдаги финал мусобақаларида иштирок этмаслиги мумкин. Ва мушукни ҳам саватдан улоқтириб юбориш мумкин. Нажот қувончи – доимий. Масиҳ биз учун эришган ғалаба – биргина мавсум учун эмас. Нажоткорда ҳеч қачон омадсиз йил бўлмайди.

Рухнинг қувончи ёруғ ва барқарор. Бу азоблар орасида қоладиган қувонч. Унда қалбларга сингиб кирадиган теранлик бор. Бундай қувонч умидсизликни ҳайдайди, рад этилганга умид беради, маъюсликни тарқатади. У гердаишсиз ўтимодни, мақтанишсиз жасоратни ҳосил қилади. Носиралик Исо йиғлаши мумкин эди, аммо Унинг кўз ёшлари У Отасининг уйида ҳис қилган қувончни кўмиб юбора олмасди.

Биз умид қилган ҳолда қувонамиз. Бизнинг умидимиз – хаёлпарастнинг тилаклари эмас, балки покланган одамнинг ишончидир. Бу қувонч Нажоткорнинг амрини эшитадиганлар учун берилади: “Лекин дадил бўлинглар. Мен дунёни енгдим” (Юҳанно 16:33).

ТИНЧЛИК

Рухнинг тинчлиги ҳам трансцендентли ҳисобланади. Бу *шалом* – ҳар бир яхудий кўмсайдиган тинчлик. Бу Мартин Лютер ёлғон тинчлик деб айтган, Исроилнинг сохта пайғамбарлари таклиф этган тинчлик эмас. Бу келишув билан юзага келган “қўрқоқ тинчлик” эмас, балки мутлоқ ғалаба билан эришилган тинчликдир.

Дунёвий урушлар якунланиб, тинчлик сулҳи тузилганида, хавортирли бўлган вақтинчалик тинчлик ўрнатилади. Доимо қиличнинг биргина жаранги ҳарбий ҳаракатлар бошланишига олиб келадиган совуқ уруш сақланиб қолинади. Невилл Чемберлен деразага суянганча, “Биз замонамизда тинчликка етишдик”, деган сўзлари ва Исонинг столдан қаддини ростлаб, “Мен сизларга тинчликни қолдирипман. Ўз тинчлигимни сизларга беряпман. Мен бераётган тинчлик дунё берадиган тинчликка ўхшамайди” (Юҳанно 14:27) деб айтган сўзлари ўртасида улкан фарқ мавжуд.

Масих бизга тинчликни мерос қилиб қолдирган. Тинчлик бизга олам Шоҳидан мерос бўлиб қолган. Бу тинчлик илоҳий, барқарор ва биздан ажралиб кетмайди.

Муқаддас Рух бизга ташқи томонлама тушуниб бўлмайдиган ички тинчликни беради. У бизга берадиган тинчлик онг билан тушуниладиган тинчлик билан таққослаб бўлмайдиган даражада юқори қийматга эга. Масихнинг тинчлиги стоикларнинг хотиржамлиги (тинчлиги)дан ва эпикурчиларнинг *ataraxia*сидан устун туради. У бизнинг оқланишимиздан сизиб чиқади. Биз, оқланганлар, Худо билан тинчликка эгамиз, биз Хушхабарни – Худонинг яққол даъватини эшитдик ва қабул қилдик: “Юпатинг, халқимни юпатинг... Қуддуснинг руҳини кўтариб, Унга шундай деб айтинг: “Азоб косанг тўлиб бўлди, Айбларинг учун жазо олиб бўлдинг...” (Ишаё 40:1-2). Тарихдаги энг фожеали уруш – бу Муқаддас Худонинг Ўзи яратган исёнкор мавжудотлари билан урушидир. Масихий учун бу уруш бутунлай якунланган. Биз гуноҳ қилишда давом этишимиз ва Рухни ранжитиб, Худонинг норозилигига йўлиқишимиз мумкин, лекин У ҳеч қачон бизга қарши янгидан уруш очмайди. Бу хочда тасдиқланган ва эълон қилинган.

УЗОҚ БАРДОШ (САБР-ТОҚАТ)

Рухнинг маҳсули – узоқ бардош бериш. Бу фазилат Худонинг феъл-атворини акс эттиради. Бу неврастения касаллигига чалинган одамнинг инжиқлигига асло ўхшамайди. Узоқ бардош ғазабга нисбатан секин жавоб қайтаради, ёмонликни ва бошқалар томонидан ҳақоратни кўтаради, унга бошқаларни муҳокама қилиш кайфияти бегона бўлади.

Аюб мана бу сўзларни айтаётганида ана шундай руҳда эди: “Майли, У Мени ўлдирсин. Бошқа умидим йўқ-ку” (Аюб 13:15). Узоқ бардош кутиш лаёқатини англатади, кутиш эса – қийин масала. Биз самолёт ва автобусларни, почта ва меҳмонларни кутамиз; Масихнинг келишини кутамиз, У ваъда қилган оқловни кутамиз.

Масихийга прагматизм руҳи бегона. У узоққа кўзланган мақсадлар асосида яшайди, дунёвий манфаат изламайди, Худонинг белгилаган вақтини кутиб, самода хазина тўплайди.

Рух одамлар билан сабр-бардошли. У бизга берадиган самара бир-биримизга сабр билан ёндашишимизга изн беради. Биз биродарларимизнинг бир зумдаёқ покланишларини талаб этмаймиз. Қатъият ва узоқ бардош биродарларимизнинг кўзини шамғалат қилиш учун курашмайди. У кўплаб гуноҳларни кечирадиган севги билан боғлиқдир.

МЕҲРИБОНЛИК

Исо кучли ва мулойим бўлган. У кучли ва мағрурлар билан тўқнашганида, ҳеч нима сўрамаган ва бермаган ҳам. У қалби шикастланган заиф одамни кўрганида, мулойим бўлган. У ҳеч қачон синиқ қамишпояни бутунлай синдириб ташламаган. Унинг гуноҳкорга берган таънаси ҳам яхшиликка йўғрилганди: “Мен ҳам сени маҳкум қилмайман. Бор, бундан

кейин бошқа гуноҳ қилма” (Юҳанно 8:11), - Унинг хўрланган аёлга жавоби шундай бўлган. Оламдаги барча жонзотларнинг Ҳаками қаттиққўл бўлмаган ва бошқаларни муҳокама қилишдан завқ изламаган. Меҳрибонлик – бу иноятга хос хусусият. Кимга куч-қудрат ва ҳукмронлик берилса, у меҳрибонлик орқали синовдан ўтказилади. Мурувват заифни янчиб ташламайди. У диққат-эътиборли ва меҳрибон, раҳм-шафқат ва адолат билан ҳукм қилади.

РАҲМ-ШАФҚАТ

Раҳм-шафқат шахсиятнинг бутунлиги каби тушунчани ўзида акс эттиради. Муқаддас Рух одамни очиқ ва оддий қалб эгаси қилади. Раҳм-шафқат – нисбий тушунча. Кимдир қайсидир андазага мувофиқ меҳрибонлик кўрсатади. Раҳм-шафқатнинг энг юқори кўрсаткичи – бу Худонинг феъл-атвори ҳисобланади, мана нима учун Исо бадавлат ёш бошлиққа айтган: “Нега Мени валинеъмат дейсан? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким валинеъмат эмас-ку!” (Луқа 18:19).

Муқаддас Рух кимда раҳм-шафқатни ҳосил қилса, унинг сифати ўсиб боради. Ҳаттоки энг яхши ишларимиз ҳам гуноҳ билан доғланган бўлсада, аммо бизда асл ўзгариш юз берган. Биз нажотда, худди кечиримда бўлгани каби, шифо топамиз.

Худо Масиҳнинг имони орқали бизни оқлайди, У бизни қай тарзда кўришни истаган бўлса, шундай қилиш учун У бизнинг вужудда мавжуддир. Покланиш оқланишдан сўнг келади. Покланиш худди оқланишимиз каби ҳақиқатдир. Унинг маҳсули – раҳм-шафқат ҳисобланади.

ИМОН

Имон – бир вақтнинг ўзида ҳам Худонинг инъоми, ҳам Унинг маҳсулидир. Биз нажот топадиган имон ўз ҳатти-ҳаракатларимиз орқали келмайди. Муқаддас Рух бизда имонни ҳосил қиладию Бу Лютер айтган *fides viva* – итоатга олиб борадиган жонли имондир.

Имон – бу умид бўлиб, Худога шунчаки ишонишдан кўра ортиқроқ ниманидир англатади, бу Худога ишонч ҳосил қилишдир. Рух бизни ҳар қандай ҳаётий вазиятларда Худога умид қилишга илҳомлантиради.

Бундан ташқари, биз ўзимиз ишонган Зотга ўхшаб борамиз. Тақводор – нафақат умид қиладиган, балки унга таяниш мумкин бўлган одам. Унинг “ҳа” деб айтгани “ҳа” маъносини, “йўқ” дегани “йўқ” маъносини англатади. У сўзида туради, ўз ҳисоб-китобларини тўлайди, мажбуриятларини бажаради, содиқ ва ишончли. Садоқат – унинг феъл-атворидаги асосий хусусиятдир.

МУЛОЙИМЛИК

Мулойимлик – муқаддас фазилят. Мулойим одам – бу жентльмен*. Ҳақиқий жентльмен – Масиҳга тақлид қилиш демакдир.

*Инглизча матнда – сўзлар ўйини: a man who is gentle is a gentleman.

Аёллар журналидаги статистик сўровлар доимо шуни кўрсатадики, аёллар эркаларда иккита фазилатни – куч ва мулойимликни – кўришни иштади. Мулойимлик (юмшоқлик)ни заифлик билан аралаштириб юбормаслик керак.

Мусо юмшоқ одам бўлган. Демак, унда итоат каби фазилат бўлган. У жасур эди, аммо мағрур бўлмаган. Дунё айнан мулойимларга ваъда қилинган. Масиҳнинг ваъдасига кўра, улар дунёни мерос қилиб оладилар.

Юмшоқлик – мулойимликнинг бошқа тарафидир. Улар итоат руҳи билан қўшилган ҳолда бирга боришади.

Худо итоатгўйларга иноят беради. Бу иноят янада каттароқ иноятларни ҳосил қилади.

Руҳнинг рўйхатдаги охирги маҳсули – қаноат ёки мўътадиллик – бошқа фазилатлардан ҳосил бўлади. Беадаблик, суллоҳлик ва башанглик мўътадилликка мувофиқ келмайди, бунинг учун унга ўзини чегаралаб қўйиш етишмайди. Руҳ қўпол эмас, қаҳри қаттиқ эмас ва босим ўтказмайди.

Бу Муқаддас Руҳнинг самаралари. Айнан улар – муқаддасликнинг асл гувоҳлигидир. Ва улар баркамол масиҳийларнинг ҳаётида очик-ойдин намоён бўлади.

Худо барчамизда ана шу фазилатларни ўстиришимизни иштади. Бу фазилатлар айни вақтда Худонинг инъомлари ҳисобланади. Худо бизни солиҳлигимиз учун бу инъомлар билан тақдирламаган, балки Августин айтганидек, “Худого Ўзининг инъомлари билан тақдирлаш ҳузур-ҳаловат бағишлайди”.

ЎНИНЧИ БОБ БОШҚА ҲОМИЙ

*Одам ўз қалбидан азоб-уқубатни
ҳайдаб чиқариши мумкин,
лекин Худо – ҳеч қачон.
УИЛЬЯМ КУПЕР*

Исо Ўзининг ўлими арафасида шогирдлари билан Қутлуғ Кечликда учрашган. У азоблари бошланишидан аввал Ўз дўстлари билан Фисиҳни нишонлашни хоҳлаган. Бундай вазиятда Исонинг Ўз дўстларидан таскин ва қўллаб-қувватлашни излашни кутса бўларди. Бунинг ўрнига, Исо *уларга* таскин беради.

Сўнгра Исо Шахс ва Муқаддас Руҳнинг фаолияти ҳақида Ўзининг энг узун ваъзини айтади. У шогирдларига Муқаддас Руҳни юборишни ваъда қилади:

Мен осмондаги Отага мурोजаат қиламан ва У сизлар билан то абад қоладиган бошқа Ҳомийни юборади. Бу Ҳомий – Ҳақиқат Рухидир. Бу дунёга тегишли бўлганлар уни қабул қила олмайдилар, чунки Уни кўрмайдилар ҳам, билмайдилар ҳам. Сизлар эса Уни биласизлар, чунки У сизлар билан

яшамоқда, У ичингизда бўлади. Мен сизларни етим қолдирмайман, яна олдингизга қайтиб келаман (Юҳанно 14:16-18).

Исо “бошқа Ҳомий” ҳақида гапиради. Ҳомий, ёки Ёрдамчи, ёки Маслаҳатчи сифатида таржима қилинадиган бу сўз – юнонча “*параклет*” сўзидир.

Биз энг аввало, Исо “бошқа” Параклетни ваъда қилганини қайд этамиз. Ўз-ўзидан аёнки, кутилаётган Параклет – биринчи эмас. Чунки кимгадир нисбатан “бошқа” мавжуд бўлса, демак, ундан аввал кимдир бўлиши керак.

Мен бу ҳақда гапираётганим сабаби, жамоат луғатида Муқаддас Рух Параклет дея аталади. Дарҳақиқат, “Параклет” атамаси фақат Муқаддас Рухга нисбатан қўлланилади.

Бироқ биз илк Ҳомий – Муқаддас Рух эмас, балки Исо Масих эканлигини тушунишимиз керак. Исонинг Параклет сифатидаги ўрни Унинг оламдаги хизматида жуда муҳим. Муқаддас Рух Исонинг иштирок этмаётганлиги туфайли “бошқа Ҳомий” унвонини қабул қилади. Рух Масихнинг “ўринбосари” ёки “ўрнини оловчи” тариқасида юборилган. Рух – Масихнинг ердаги Олий Ёрдамчисидир.

ИСО – БИЗНИНГ ПАРАКЛЕТ

Исо бизнинг Параклетимиз эканлигини тушуниш учун, келинг, Луқо Хушхабариди Унинг туғилиши ҳақида баён этилганларни кўриб чиқайлик. Исонинг Қуддусда пайдо бўлишига доир воқеалар орасида қуйидагини ўқиймиз:

Ўша пайтда Қуддусда Шимўн деган бир одам бор эди. У солиҳ, тақводор одам бўлиб, Исроилнинг нажот топишини интизор бўлиб кутар эди. Муқаддас Рух унга ёр эди (Луқо 2:25).

Ушбу матнда “Исроилнинг нажот топиши” сўзи бўлғуси Масихга тааллуқлидир. Шимўнга, “Эгамиз ваъда қилган Масихни сен кўрмагунингча, ўлмайсан” (Луқо 2:26), деб ваъда қилинган. (Юнончадаги “христос” ва яҳудий тилидаги “масих” сўzlари “мойланган” маъносини билдиради.)

Қадимги Аҳдда “Исроилнинг нажот топиши” масиҳийлик нажотига бўлган умидни англатган. Худо ўз халқининг нажот топиши учун ғамхўрлик қилади. Худода қайғу ва нажотни қайта тузиш учун куч бор. Биз Ишаё пайғамбар Китобида Худонинг мақсади ҳақида эшитамиз:

Юпатинг, халқимни юпатинг, - демоқда Худойингиз. – Қуддуснинг руҳини кўтариб, Унга шундай деб айтинг: “Азоб косанг тўлиб бўлди, Айбларинг учун жазо олиб бўлдинг. Ҳамма гуноҳларинг эвазига Мен, Эгангдан икки карра жазо олдинг (Ишаё 40: 1-2).

Худонинг Ўз халқига рамзий маънода нажот бағишлаши чўпон сиймоси орқали ифода этилган:

Чўпон каби, У Ўз сурувини боқади, Қўзиларни қўлларида кўтаради. Уларни кўтариб, бағрига босади. Қўзилари билан она қўйни эҳтиётлаб ҳайдаб боради (Ишаё 40:11).

Қуддуснинг нажоти Худонинг юпанч берадиган оналик сиймоси билан боғлиқ:

Эй Қуддусни севадиганлар, Қуддус билан бирга севининг, Ҳаммангиз у билан бирга шодланинг. Эй Қуддус учун аза тутганлар, У билан бирга хурсанд бўлинг! Сиз унинг кўкрагидан эмгайдай бўлиб, тўйиб, тасалли топасиз... Боласини овутган бир она каби, Мен ҳам сизларни овутаман. Сизлар Қуддусда тасалли топасиз (Ишаё 66: 10-13).

Худо томонидан Ўз халкига юпанч бериш учун юборилган энг буюк Ҳомий – Унинг ситамкор Хизматкори. Ишаё Худонинг Хизматкорини шундай тасвирлайди:

Эгамиз Раббийнинг Руҳи мени қамраб олган, чунки У мени танлаган. “Йўқсилларга хушхабар етказсин, Хаста қалбларга шифо берсин, Асирларга озодлик эълон қилсин, Зиндондагиларга эркинлик хабарини берсин” деб, Эгам мени юборди. “Эгамнинг марҳамат йилини, Худонинг қасос оладиган кунини эълон қилсин, Азадорларнинг ҳаммасини овутсин” деб, Эгам мени юборди. “Қуддусда нола қилаётганларга тасалли берсин, Уларга кул ўрнига зебзийнат, Аза ўрнига шодлик мойи, Маъюс руҳ ўрнига мадҳия берсин” деб, Эгам мени юборди (Ишаё 61:1-3).

Бу сўзлар Исонинг Тоғдаги ваъзида ҳам қисман такрорлаб ўтилган: “Йиғлаётганлар бахтлидир, чунки улар тасалли топадилар” (Ишаё 61:1-3).

Масихнинг хизмати тасалли бериш хизматини ҳам ўзида акс эттиради. Масих синиқ қалбларни даволаш ва йиғлаётганларга таскин бериш учун келган. Бу Масих – Параклет бўлмиш Исонинг Ўзидир. У бу оламдан кетишини билдирган пайтдагина “бошқа Параклет”ни юборишини маълум қилган.

“ПАРАКЛЕТ” НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Демак, биз Масихнинг хизматидаги ҳомийнинг ўрни ҳақида қисқача тўхталдик ва энди “ҳомий” тушунчаси асосидан Параклет унвонининг ўзига ўтишимиз мумкин.

“Параклет” термини қадимги дунёда бой ва турли хил қўлланишларга эга бўлган. Бу сўз *para-* ва *kalein* илдиз сўзидан келиб чиққан бўлиб, бирга қўшилганда “ёнида бўлишга даъват этилган” маъносини англатади.

Қадимда суд мажлисига ёрдам учун чақирилган кимдир параклет бўлган. Бирор кишини судда ҳимоя қилган адвокат параклет ҳисобланган. Бу Юҳаннонинг Биринчи мактубида келтирилган ушбу сўзнинг асосий моҳиятидир:

Азиз болаларим, гуноҳ қилманглар деб, мен сизларга шуларни ёзаяман. Борди-ю, бирортамиз гуноҳ қилиб қўйсак, Отамиз олдида ҳомийимиз – Исо Масиҳ бор. У Солиҳ Зотдир (1 Юҳанно 2:1).

Бу ерда параклет сўзи “Ҳимоячи” тариқасида таржима қилинган. Мазкур оятда Муқаддас Рух эмас, айнан Исо Параклет дея аталган.

Бу вазиятда Параклет – Худо олдидаги Ҳимоячи. Янги Аҳднинг жиддий ҳақиқати шундан иборатки, Худонинг ҳукми ўқиладиган паллада бизнинг судлов жараёнимизда Исо бўлади. Бир вақтнинг ўзида Исо Ҳимоячи ҳам бўлади. Аини вақтнинг ўзида ҳакамнинг ҳимоячи ҳам эканлигига ишонч бўлганида, суд олдидаги кўркув чекинади.

Стефанни тошбўрон қилиш ҳақидаги ҳикояда Исонинг Ҳимоячи тариқасидаги ўрни яққол кўрсатиб берилган:

Шу йўл билан улар халқни, йўлбошчиларни, Таврот тафсирчиларини қайрадилар. Улар Стефанни ушлаб, Олий Кенгашига олиб келдилар. Шунда улар сохта гувоҳларни ёлладилар. Сохта гувоҳлар шундай дедилар: “Бу одам мана шу муқаддас Маъбадга ва қонунга қарши гаплар айтишдан тўхтамаяпти” (Ҳаворийлар 6: 12-13).

Стефанни судда сохта айбловлар билан масхара остига қўйдилар. Кенгаш ўзини худди ғазабланган ғоздек тутди. Стефан ўзини ҳимоя қилиб асосли нутқ сўзлаганида, ҳакамлар тийиқсиз жаҳлга тушдилар:

Олий кенгаш аъзолари Стефаннинг сўзларини эшитиб ғазабга миндилар, ғазабдан тишларини гижирлатдилар (Ҳаворийлар 7:54).

Ҳакамлар ғазаб ва душманлик билан Стефанга ҳукм чиқаришди. Айнан шу паллада Худонинг марҳамати билан Стефанга само судининг мўъжизавий кўриниши намоён бўлди:

Аммо Муқаддас Рухга тўлган Стефан осмонга тикилиб, Худонинг улуғворлигини кўрди. Исо Худонинг ўнг томонида турар эди. – Қаранглар! – деди Стефан. – Мен осмон очилганини кўряпман. Инсон Ўғли Худонинг ўнг томонида турибди (Ҳаворийлар 7:55-56).

Стефан айтди: “Қаранглар...”. Албатта, агар у улуғвор кўринишнинг кувончли ёғдусига кўмилмаганида, ўзини айблаётганларни осмонга қарашга ундаш беҳуда эканлигини англаган бўларди. Худо Стефанга намоён этган кўринишни улар кўришга лаёқатсиз эдилар.

Стефанга очилган мўъжиза ўта муҳим. У Худонинг ўнг томонида турган Исони кўрганди.

Жамоатда Масиҳнинг Сессияси* деб аталадиган доктрина бор. Масиҳнинг Сессияси Худонинг ўнг томонида ўтирадиган Унинг юксак мавқеидан далолат беради. Сессия Масиҳнинг фазовий ҳокимиятга эга эканлигини кўрсатади. Исо Худонинг ўнг томонида ўтириб, шоҳлик ҳукмронлигини ва ҳуқуқий куч-қудратини амалга киритади. У бир вақтнинг ўзида Ҳакам ва Шоҳ.

Бироқ Стефанга намоён бўлган кўринишда Исо ўтиргани йўқ. У тик турибди. Суд залида ҳакамлар ўриндикда ўтиришибди. Ҳакамлар залдан чиқиш ёки кириш учунгина ўрниларидан туришади. Суд жараёнида ҳакам ўз ўрнидан кўзгалмайди. Иш кўриб чиқиладиганида, прокурор гувоҳлардан сўраш, иштирокчиларга мурожаат қилиш ёки ўриндикларга яқинлашиш учун ўрнидан туради. Худди шундайин, ўз навбатида, иш кўриб чиқиладиганда адвокат ҳам шундай қилиш учун ўрнидан туради.

Стефаннинг кўрганларидаги парадокс шундан иборатки, дунёвий суд уни бидъатчи тариқасида ўлимга ҳукм этганида, илоҳиёт Шоҳи самовий судда Стефаннинг ишини Ота олдида ҳимоя қилиш учун ўрнидан туради. Исо Стефаннинг адвокати тариқасида ўрнидан туради – У осмонда Стефаннинг Параклети бўлади.

Исо Стефан учун кўрсатган мўъжиза ягона ҳолат эмас. У Ўзининг барча тарафдорлари учун ҳам шундай қилади, у ҳатто ҳозир ҳам бизнинг Адвокатимиздир.

Исонинг Ота олдида Ҳимоячимиз сифатидаги ўрни шунчалик муҳимки, Муқаддас Рухнинг тушунчамизда худди Параклет каби хизмати билан ҳам уни хиралаштиришга журъат этолмаймиз.

Муқаддас Рух – бизнинг “бошқа” Параклет, бизнинг муқаддас адвокатимиз. У Ўзининг Параклет вазифасида кўплаб вазифаларни бажаради.

Энг аввало, Муқаддас Рух Отага мурожаат қилишимизга ёрдам беради:

Бунинг устига, ожизлигимизда Рух бизга мадад беради. Чунки биз қандай ибодат қилишни билмаймиз, аммо Рухнинг Ўзи ифода қилиб бўлмас оҳ-нолалар билан биз учун Худо олдида шафоат қилади. Инсонларнинг юрагини синовчи Худо Рухнинг фикри нимада эканлигини билади, чунки Рух Худонинг иродасига кўра, Унинг азизлари учун шафоат қилади (Римликлар 8:26-27).

Бизнинг ибодатларимиз Худонинг хоҳиши билан мувофиқ келиши зарур. Ибодат сажда қилишнинг бир шакли ҳисобланади. Худо унга руҳда ва ҳақиқатда сажда қилишларини талаб этади. Хайриятки, биз Ота олдида иккита Адвокатга ва иккита Ҳимоячига эгамиз. Боз устига, Муқаддас Рух бизга Худога тўғри ибодат қилишимизга ёрдам беради.

Дунёвий жаргонда адвокатни баъзан “сафсатабоз” дея аташади. Худо Мусони Мисрдан чиқишни бошқаришга чорлаганида, уни қамраб олган кўрқувни эслаймиз. Мусо нотик сифатида ўзининг нўноқ эканлигидан кўрқувга тушган. У Худога фарёд қилган:

Ё Раббий! Мен ҳеч қачон гапга чечан бўлмаганман. Мен, қулингга гапирганингдан буён ҳам худди шундайман. Ахир, менинг тилим чучук, секин гапираман. Шунда Эгамиз: - Инсонга тил ато қилган ким? – деди. – Инсонни ким соқов, кар, кўрадиган ёки кўр қилиб яратади. Мен, Эгангиз эмасми?! Энди бор! Гаплашганингда, Мен сен билан бирга бўламан. Нимани гапиришингни Мен сенга ўргатиб тураман (Чиқиш: 4:10-12).

Мусо қаршилик қилишда давом этгани боис, Худо унга Хорунни ёрдамга юборишга ваъда берди:

Хорун нима дейиши лозимлигини сен айтасан. Сен у учун Худога – Менга ўхшаган бўласан. Сизлар гапирганингизда, Мен икковингиз билан бирга бўламан. Ҳар икковингизга Мен нима қилишингизни айтиб тураман (Чиқиш 4:15-16).

Биз бу ерда Яратувчи Ўзининг гапни эплай олмайдиган болаларига ёрдамга тушиб келганини кўрамиз. Муқаддас Рух – нафақат Ота олдида, балки одамлар олдида ҳам бизнинг Параклет. Худо Қадимги Аҳдда Мусога нималарни ваъда қилган бўлса, Янги Аҳдда ҳам Худонинг барча фарзандлари учун ваъда бўлди.

Исо Ўз шогирдларига қийин дамларда Муқаддас Рух уларнинг ёнида бўлишини ва керакли сўзларни айтиб ёрдам беришини ваъда қилган:

Сизларни қўлга олиб, маҳкамага топширганларида, нима айтамыз, деб олдиндан хавотир олманглар. Ўша соатда сизларга нима берилса, ўшани айтинглар. Чунки ўшанда сизлар эмас, балки Муқаддас Рух гапирди (Марк 13:11).

Биз Муқаддас Рух Ота олдида худди дунёвий суд каби Адвокатимиз ёки Параклетимиз бўлиб хизмат қилишини кўрамиз.

Рух бир вақтнинг ўзида бизни ҳимоя қилади ва дунёни фош қилади. У бизнинг Адвокатимиз ва айни палланинг ўзида дунёни айбловчи ҳамдир.

У келганда дунёга гуноҳ, адолат ва ҳукм тўғрисидаги ҳақиқатни аён қилади. Гуноҳ тўғрисидаги ҳақиқат шундан иборатки, одамлар Менга ишонмайдилар. Адолат тўғрисидаги ҳақиқат шуки, Ота Мени оқлайди. Мен Отамнинг олдида кетяпман ва сизлар Мени бошқа кўрмайсизлар. Ҳукм тўғрисидаги ҳақиқат шундан иборатки, ҳукм чиқариб бўлинган, бу дунёнинг ёвуз ҳукмдори маҳкум қилинган (Юҳанно 16:8-11).

Демак, Муқаддас Рухнинг Параклет сифатидаги биринчи вазифаси – қонуний, ёки ҳуқуқий. Унинг фаолиятига бундай нуқтаи назар Унинг табиати ва феъл-атвориға мувофиқ келади. Чунки У ҳақиқат Рухи ва Муқаддас Рухдир. У Масихнинг ҳақиқатидан шохидлик беради. Исога ишонмаслик – гуноҳ. Дунё ишончсизлик гуноҳида фош бўлади. Рух дунёни айблаган ҳолда, айни вақтнинг ўзида бизни Масих орқали оқлайди. Муқаддас Рух ҳамиша ҳақиқат ва ҳалоллик тарафида туради.

ПАРАКЛЕТ ВА ҲОМИЙ

Демак, биз Параклетнинг биринчи вазифаси – Адвокат бўлиш эканлигини кўрамиз. Қизиқ, бу ҳомийлик тушунчаси билан қандай боғланган экан.

Биз “*Исроилнинг юпанчи*” ва “*параклет*” сўзлари ўртасида тилшуносликка оид алоқа борлигини кўрдик. Иккала сўз: “*тасалли*” ва “*параклет*” битта илдиздан келиб чиққан (“*тасалли*” юнон тилида *paraclesis*).

Гарчи Рухнинг ҳомийлик ҳамда Худо ва инсон олдидаги Ҳимоячилик сифатидаги ишини бир-биридан фарқлаш муҳим бўлсада, уларни бирдан ажратиб ташлаш мумкин эмас. Муқаддас Рух биз билан Ҳукм кунида ёнимизда бўлишга даъват этилгани ҳақидаги қатъий билимимиз бизга кувончли таскин бағишлайди.

Биз ёдда тутишимиз зарур бўлган бошқа хусусият ҳам бор. Оғир дамларда таскин бериш – Муқаддас Рухнинг айнан шу хизмати мағлубиятга ёки омадсизликка учраганимизда зарур бўлади. Она йиғлаётган чақалоғини овутади, Рух эса қайғули паллада бизга тасалли беради.

Буларнинг барчаси Муқаддас Рухдан Унинг Худо одамларига бўлган хизмати мобайнида ҳосил бўлади. Рух – дунёнинг Муаллифи, У бизнинг тушунчамиздан юқори туради. Рух Ўзининг Параклет вазифасида мағлубиятимизгача бизга ёрдам бериш учун ҳамма ишни қилади. У кураш учун куч бағишлаб бизни мустаҳкамлайди ва жангдан сўнг тасалли беради.

Муқаддас Китобнинг анча қадимий инглизча матнларида “*Параклет*” унвони одатда “*Юпатувчи*” дея таржима қилинган. Энг замонавий таржималарда эса бошқа сўзларни учратамиз: “*Ёрдамчи*” ёки “*Маслаҳатчи*”. Бу аввалги таржималарда хато аралашиб қолганини англатмайди. Бу кўпроқ инсон тилининг ўзгарувчанлигидан далолат беради. Бизнинг нутқимиз фикрлашимиз тарзи ўзгариши билан ўзгарувчанлик анъанасига эга.

Мисол учун, “айёр” (ёқимтой) сўзи аввал “қийшиқоёқ” маъносини билдирган. “*Сканерлаши*” сўзига бир қаранг-а. Хўш, агар ўқитувчингиз сизга дарсликни сканерлашни айтса, нима қилган бўлардингиз? Кўпчилик одамлар буни “китобни варақлаш”га берилган кўрсатмадек қабул қилишади. Бу ўринда сўзнинг маъноси деярли тўлиғича унинг илк мазмунига қарама-қарши келган ҳолат рўй берган. Аввал “*сканерлаш*” сўзи “аниқ-равшан ўқимоқ” – дона-дона қилиб ўқимоқ – маъносини англатган. Биз самолётда учганимизда, диспетчер бизнинг ҳозир қаерда эканимиз кўрсатилган экран радарини диққат билан сканерлаб чиқаётганига умид қиламиз. Эҳтимол, *scan* (сканерлаш) сўзининг маъноси унинг *skim* – тез ўқиш, кўриб чиқиш – сўзига фонетик монандлиги туфайли келиб чиққан бўлиши мумкин. Замонавий талқинда сканерлаш (*scanning*) сўзи кўриб чиқиш (*scimming*) маъносига эга, ваҳоланки бу сўз аввалги пайтларда қарама-қарши маънони билдирган.

Шунга ўхшаш ҳолат *comfort* (тасалли) сўзи билан ҳам содир бўлган. Биз тасаллини хайрихоҳлик, азоб-уқубатларимизни енгиллаштирадиган майин кўллаб-куватлаш дея фикрлаймиз. *Comfort* – лотинча сўздан келиб чиққан. Унинг *com-* қўшимчаси “билан” сўзини, илдиз сўзи *fortis* эса “кучли” маъносини билдиради. Шу боис бу сўзнинг илк маъноси: “куч билан”. Шу тариқа, юпатувчи – жангдан кейин эмас, балки жангдан олдин бизни руҳлантириш учун келади кимдир бўлиши керак.

Албатта, Муқаддас Рух бу иккала вазифани ҳам бажаради. У яраланган, мағлуб бўлган ёки ҳолдан тойган одам излайдиган майин тасаллининг

манбаидир. Бироқ келиши ваъда қилинган Параклетга қаратиладиган урғу Унинг жанг олдидан бизни мустаҳкамлаши ва ёрдам бериш учун келишини билдиради.

Биз баъзан шундай жумлани эшитамиз: “Бу менинг кучли тарафим эмас”. Одам бу гапларни айтаётганида, у ўзининг муайян жабҳаларда заифлигини билдиради. *Forte* сўзи оғзаки сўзлашувда “куч” сўзининг синоними сифатида қўлланилади.

Муқаддас Китоб терминологиясида Муқаддас Рух – бу бизнинг куч-қудратимиз. Биз Ундан мустаҳкамликни қабул қиламиз. Ваъда қилинган Муқаддас Рух, Каломда ёзилганидек, келди ва бизда макон тутди ҳамда биз билан бирга туради:

Ахир, бизни яхши кўрадиган Масиҳ орқали ҳамма қийинчиликлар устидан бутунлай ғалаба қозонамиз (Римликлар. 8:37).

Немис файласуфи Фридрих Ницше масиҳийликни қандай танқид қилганини тарихнинг ҳазилнамо саҳифалари муҳраб қўйган. У масиҳийликни ожизлик дини, эркакларни уларга хос бўлган “хукмронликка интилиш” ҳиссини рад этишга ундайдиган дин дея атаб қайғуга тушган.

Ницше Худонинг ўлими ҳақида фикр билдириб, Унинг раҳмдилликдан ўлиб кетганини ёзади. Унинг фикрича, масиҳийлик бу оламга кўнгилчанлик, юмшоқлик ва иродасизлик келтирган. Ницше супер одамларни яратадиган янги инсониятни чорлаган. Янги одам феъл-атворининг асосий хусусияти жасорат бўлади. Супер одам – бу энг аввало ғолиб одамдир.

Бундаги истехзо шундан иборатки, Павлус Римликларга Мактубининг 8-боб 37-оятида бизнинг “ҳамма қийинчиликлар устидан ғалаба қозонишимиз”ни айтади. Бу юнонча *hypernikon* сўзининг таржимасидир. *Hyper-* қўшимчаси инглиз тилида *hyper* (гипер) маъносида келган. Павлус бу гапи билан масиҳийларнинг нафақат ғолиб, балки уларнинг “типерғолиблар” эканини билдиради. (Лотинча *hypernikon* – *supervincemus* сўзининг таржимаси: “Биз – суперғолиблармиз”.)

Агар Ницше суперменни излаган бўлса, у Худонинг Муқаддас Рухи ҳузури билан ва куч-қудрати билан мустаҳкамланган одамларга қараши керак эди, зеро Муқаддас Рух куч-қудрат билан келишга ва ёнимизда бўлишга даъват этилган.

Дарҳақиқат, биз, масиҳийлар, ўз ҳолимизча заиф бўлишимиз мумкин. Бироқ биз такрор ва такрор Масиҳнинг Ўз жамоатида айтган орзу-мақсадларини эшитамиз:

Аммо Муқаддас Рух сизларни қамраб олганда, куч-қудратга тўласизлар. Қуддусда, Яҳудияда ва Самарияда, ер юзининг ҳамма бурчакларида сизлар Менинг шоҳидларим бўласизлар (Хаворийлар 1:8).